


**М.Х.Думаров  
М.Х.Қуваталиев  
Б.Э.Пармонов**

# **УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

фанининг семинар ва лабаратория машғулотларидан касб-хунар таълими,  
олий таълим психология фани ўқитувчиларига мўлжалланган

# **УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ  
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**М.Ҳ.ДУМАРОВ  
М.Ҳ.Қуваталиев  
Б.Э.Пармонов**

# **УМУМИЙ ПСИХОЛОГИЯ**

фанининг семинар ва лабаратория машғулотларидан касб-хунар таълими,  
олий таълим психология фани ўқитувчиларига мўлжалланган

# **УСЛУБИЙ ҚЎЛАНМА**

## **АНДИЖОН-2016**

Ушбу услугбий қўлланма касб – ҳунар таълими, олий таълим ўқитувчилари, ўкувчилари, талабалари ҳамда психология фанига қизиқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда умумий психология фани бўйича семинар ва лаборатория машғулотлари олий таълим тизимининг ДТС ҳамда ўқув режасига мувофиқ тайёрланди.

Ушбу услугбий қўлланмадан университетлар, педагогик институтлар, қайта тайёрлаш малака ошириш марказлари, мактаб. Лицей ва коллежларнинг психология фани соҳасида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, талабалар ҳамда психология фани билан мустақил шуғулланувчилар услугбий манба сифатида фойдаланишлари мумкин.

*Муаллиф: Андижон давлат университети Психология кафедраси ўқитувчиси  
M.X.Думаров, M.X.Қуваталиев, Б.Э.Пармонов*

*Тақризчилар: АДУ Психология кафедраси доценти  
М.В.Халимова  
АДУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.  
Т.Г.Сулайманова*

Ушбу “Умумий психология” фанидан услугбий қўлланма Андижон давлат университети Психология кафедрасининг 2016-йил бўлиб ўтган № — апрелдаги навбатдан ташқари йиғилишида ҳамда Андижон давлат университети илмий Кенгашининг 2016-йил — апрелдаги № — баённомасига асосан чоп этишга тавсия этилган.



## **СҮЗ БОШИ**

Бугунги глобаллашув шароитларида таълим тизими жараёнида ўқувчиларни маънан баркамол, интелектуал жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш хар қачонгидан долзарб вазифа ҳисобланмоқда. Таълим-тарбия жараёнларидағи ҳар бир фан ёшларни замонавий билимларни эгаллаган малакали мутахассислар сифатида камол топтиришга хизмат қилиб келмоқда. Айниқса, инсоннинг психологик ривожланиш қонуниятларини ўрганувчи психологик фанлар мустақиллик йилларида ривожланиб бормоқда. Ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришда психологик фанларнинг ўрни бениҳоя каттадир.

Умумий психология дарсларида маъруза, семинар ва лабаратория машғулотлари ўқувчиларни фан ва ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланишда чуқур ва мустаҳкам билимлар билан қуроллантиришга, шунингдек ўқувчиларни психологик билимдонлигини оширишга имкон беради.

## **Психология фанининг предмети ва унинг амалий вазифалари**

### **Мавзунинг асосий масалалари**

1. Психология табиий ва ижтимоий фан сифатида.
2. Психика тирик мавжудотнинг объектив борлиқни акс эттириш шаклларидан бири эканлиги.
3. Мия ва психика. Психика ва онг.
4. Психология фанининг предмети ҳақидаги тасавурлар тараққиётининг асосий босқичлари.
5. Психологиянинг тузилиши ва унинг назарий, амалий вазифалари.
6. Психология фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.
7. Психологиянинг илмий текшириш усуллари.

### **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар**

**АВТОГЕНЕЗ** - (юонон *autos* - ўзим, *genesis*- келиб чиқиши) органик дунёning тарихий тараққиёти организмнинг ички, моддий бўлмаган омиллари таъсирида содир бўлади, деб даъво қилувчи реакцион назариядир. Автогенез организмнинг бутунлигини, ҳаёт шароитларига боғлиқлигини, унинг тараққиёт жараёнида, муҳит, яшаш шароитлари таъсирида таркиб топадиган белги ва хусусиятларни инкор қиласи.

**АКТ** - (лотин *actus* – ҳулқ, хатти - ҳаракат) – психологияда акт деганда организмнинг турли туман характерлари тушунилади. (Масалан: Сенсор акт).

**АКУЛПТОР** – таъсир – марказий асаб тизимининг ҳар қандай таъсирида ва уни бошқаришда иштирок этишга киришади. Термин П.К. Анохин томонидан киритилган.

**АЛЬФА** - ритм-миянинг электр фаоллигини, яъни секундига 10 марта тебранишини ўлчаш ва уни миянинг орқа қисмида ҳисобга олиш.

**Анализатор** - ташқи ва ички муҳитдан келадиган таъсуротларни қабул қилиб олиб, физиологик жараён бўлган қўзғалишни психик жараёнга, яъни сезгиларга айлантирувчи асаб механизмлари тизими. Анализаторлар З қисмдан иборат бўлади: таъсуротни қабул қилиб оловчи рецепторлар, рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалишни тегишли нерв марказларига узатадиган ўгказувчи асаб йўли ва қўзғалишни психик жараёнга айлантирувчи орка мия ёки бош миядаги тегишли асаб марказлари. Анализаторларнинг бирор қисми заарланса хам тегишли сезги ҳосил бўлмайди. Барча сезги аъзоларимиз анализаторларнинг рецептор қисмларини ташкил қиласи. Анализаторлар ҳақидаги таълимот И.П.Павлов томонидан яратилган.

**АНИМИЗМ**- (лотинча ашта - жон) - ибтидоий одамларнинг атрофдаги нарса ва ҳодисалар ҳақидаги фан тараккий этгунча бўлган тасавурлари.

Анимистик тасаввурларга кўра ҳар бир нарсанинг ўз рухи, ўз жони бор, табиат кучлари ва ҳодисаларини жонлантиришдан иборат диний эътиқод. Анимизм Ўрта Осиё халкларида, айникса, ўзбек, тожик, қирғиз диндорларида "пир" маъносида ишлатилади. Шунга кўра ҳар бир нарсанинг ўз "пири" бўлган.

**АССОЦИАЦИЯ**- (лотинча *associato* - бирлашиш, қўшилиш) - онгимиздаги аввалги турмуш тажрибалари билан белгиланадиган тасаввурлар боғланиши. Шу боғланишлар туфайли онгимизда пайдо бўлган муайян тасаввурлар ўхшашлик, ёндошлик ва қарама-қаршилик белгиларига кўра шунга боғлиқ бўлган бошқа тасаввурларни ҳосил қиласди. Ассоциация ташки таъсуротлар туфайли ҳосил бўлиб, воқеаликдаги нарса ва ҳодисаларнинг реал боғланишларини акс эттиради. Инсон психик ҳаётида ассоциацияларнинг аҳамияти катта: билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш ассоциацияларга асосланади. Ассоциацияларнинг физиологик асослари бош мия яrim шарлари қобиғида ҳосил бўладиган муваққат асаб боғланишларидир.

**АССОЦИАТИВ ПСИХОЛОГИЯ**- ассоциациялар тушунчасининг асоси бош тамойил деб ҳисобловчи, илмий-ғоявий моҳияти жиҳатидан турлича бўлган психологик оқимлар йиғиндиси. Психик фаолиятнинг барча қонуниятлари фақат ассоциацияларнинг ҳосил бўлиши ва юзага чиқишидан иборатdir деган қоида илгари суриласди. Бу оқим XVII-XIX асрларда Англияда тарқалган.

**АФФЕРЕНТ НЕРВЛАР** (*асаблар*) - (лотинча *afferens* - олиб келувчи) - рефлекс жараёнида рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалишни тегишли марказга элтувчи асаблар.

**АФФЕРЕНТАЦИЯ**- (лотинча *afferens* -олиб борувчи) - рефлекс жараёнида рецепторларда ҳосил бўлган қўзғалишнинг (импульснинг) тегишли асаб марказларига етказилиши.

**БИХЕВИОРИЗМ**- (инглизча *beavior* - хулқ) - психологиянинг предмети психикани эмас, балки инсон ва ҳайвонлар хулқини ўрганишдан иборатdir деган фикрни илгари сурадиган оқим. Бихевиоризм хулқ деганда организмнинг фақат ташки муҳитдаги қўзғовчиларга нисбатан қайтарадиган жавоб реакциялари (ҳаракатлари) йиғиндисини тушунади. Демак, бихевиоризмга кўра, психологиянинг вазифаси фақат ташки стимул билан унга қайтариладиган реакциялар ўртасидаги тенг маъноли боғланишларни аниклашдан иборатdir, холос. Бихевиоризм онгнинг инсон хулқидаги ролини ва уни илмий жиҳатдан ўрганишни, текширишни инкор қиласди. Бихевиоризм алоҳида оқим сифатида XX аср бошлари ҳайвонлар хулқини текшириш натижаларида шаклланган бўлиб, унинг асосчилари америкалик психологлар Уотсон ва Торндайк

**БИЛИШ** - инсон томонидан воқеаликни акс этгериш жараёни. Агар билиш шахснинг ўзига қаратилган бўлса, у ўз-ўзини билиш деб аталади. Билиш жараёни сезги, идроқ, тасаввур, тафаккур каби психик жараёнларда ифодаланади. Билиш 2 босқичдан, яъни ҳиссий ва рационал босқичлардан

иборатдир. Билиш - сезги, идрок, тасаввурлар орқали ҳиссий босқични, тафаккур ҳамда нутқ орқали эса рационал босқични ташкил қиласди.

**БИЛИШ НАЗАРИЯСИ**- билиш жараёнининг манбалари ва асосий қонуниятлари ҳақиқатни аниқлашнинг шакл ва усуллари ҳақидаги таълимот. Бу назарияга Абу Наср Фаробий асос солган.

**ВЮРЦБУРГ МАКТАБИ** - XX асрнинг бошларида Германияда пайдо бўлиб, тафаккурни фақат ўз-ўзини кузатиш ёки интроспекция усули ёрдамида ўрганувчи, тафаккурни идрок ва тасаввур образларига нутқ ва тилга боғлиқ эмас деб "Соф" тафаккур ҳақидаги фикрни илгари сурувчи психологик оқим. (вакиллари: О.Кюльце, Н.Ах.Бюллер).

**ГЕШТАЛЬТ ПСИХОЛОГИЯ** - (немисча cestalt -тасвир, яхлит шакл, таркиб, тузилиш) - буржуа психологиясидаги психиканинг, психик жараёнларнинг яхлит тузилиши ва динамиклиги (серҳаракатлиги) тамойилига асосланувчи хусусиятлар азалдан психикага хосдир, Улар психика тараққиётининг асосини ташкил этади деган фикрни илгари сурувчи оқимлардан биридир. (Германия, АҚШ).

**ГИППОКАМП**- мия пўстининг пастки қисмига жойлашган сатхининг бурмалари. У таъсирланиш ва ўрганишнинг таҳминий физиологик механизми вазифасини ўтайди.

**ДИНАМИК СТЕРЕОТИП**- (юнон. dinamikos- қучга оид ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик, stereos - қатъий, tunos - из) - динамик стереотип бир хилдаги ташқи таъсуротларнинг кўп марталаб такрорланиши натижасида маълум даражада қатъий шартли рефлектор ёки муваққат асаб боғланишлари тизими. Динамик стереотипнинг ҳосил бўлиши кишида муайян малака ва одатларнинг таркиб топишини, кишининг муайян ҳаёт шароитларига мослашувини таъминлайди.

**ДУАЛИЗМ**- (лотинча dualis - икки тарафлама) - дуализм идеалистик тушунча бўлиб, борлиқ хам моддий, хам рухий бўлган 2 асосдан ташкил топган деб ҳисобловчи фалсафий таълимот. Дуализм психик ҳодисаларни тушунтиришда, хусусан организмдаги психик ва физик ҳодисаларнинг бирбирига муносабати масаласини ҳал қилишда ё психофизик параллелизм, ё психофизик ўзаро таъсир нуқтаи назаридан туради. Реалистик таълимотга кўра дунёнинг асоси 1 та, яъни материядир. Дунёнинг бирлига унинг моддийлигидадир. Материя, борлик бирламчи: онг, рух, рухий ҳодисалар иккиламчи бўлиб, юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни миянинг объектив реалликни алоҳида йўсинда акс этгириш қобилиятига эга бўлган хусусиятдир.

**ЖОН**- идеалистик фалсафа ва психологиядан моддий бўлмаган, илоҳий моҳият "Инсон психик ҳаётининг эгаси ва сабабчиси". Жон хақида бундай фикрни юритишни биз инкор киласмиз. Ҳозирги замон психология фанида "жон" сўзи "психика"нинг синоними сифатида ишлатилади.

**ИЛМИЙ ПСИХОЛОГИЯ** - психик ҳаётнинг далилларини, психологик қонунларни, психик фаолиятнинг механизмларини ўрганади. Психик ҳаёгнинг далиллари миқдор ва сифат жиҳатдан характерланади. Масалан:

идрок шароитлари ўзгариб турса ҳам идрок қилинган нарсанинг инсон онгидаги образи нисбатан ўзгармай қолавериши психик ҳаётнинг сифат характеристикаси бўлса, муайян бир кишининг таъсир кўрсатувчи қўзғатувчидан таъсирланишгача кетган вақт ўлчови унинг миқдор характеристикасидир. Психик далилларнинг такорланиши натижасида психологик қонуниятлар пайдо бўлади. Баъзи бир психологик далилларнинг юзага келишида ҳар сафар бунинг учун тегишли шарт-шароитлар, яъни қонуниятлар мавжуд бўлиши муқаррар. Масалан: Идрокнинг барқарорлиги кишида аввал бошданоқ, яъни туғилиши биланоқ мавжуд бўлмасдан, астасекинлик билан қонунларга биноан шакллана боради. Психик фаолият механизми, у ёки бу психик жараённи амалга оширадиган аниқ, анатомик-физиологик апаратдир, Масалан: сезгиларнинг механизми анализаторларнинг иш жараёнидир.

**ИНТРОСПЕКТИВ ПСИХОЛОГИЯ** - (лотинча *introspectio* -синчиклаб қарамай кузатаман) - руҳий ҳодисаларни ўрганишда уларнинг сабабларини, физиологик механизmlарини объектив равишда қузатиш ва таҳлил қилиш зарурлигини инкор қиласди. У ўз-ўзини кузатиш усулига асосланган субъектив идеалистик психология.

**ИНТРОСПЕКТИВ МЕТОД (УСУЛ)**- ўз-ўзини кузатишга асосланган психологиянинг усули.

**ОРИЕНТИРОВКА РЕФЛЕКСИ**- одам ёки хайвонларнинг янги қўзғовчига ёки атрофдаги муҳитнинг маълум бир ўзгаришига нисбатан қайтарадиган реакцияси. И Павлов буни "Бу нима?" рефлекси, текшириш рефлекси деб атаган. Ориентировка рефлекси комплекс реакция бўлиб, унга гавда, бош ва кўзларнинг қўзғовчи томонга бурилиши, юрак уриши ёки нафас олишнинг тезлашуви кабилар киради. Орентировка рефлекси туғма бўлиб, асосан шартсиз рефлексларга яқиндир, бироқ шартсиз рефлекслардан қўзғовчи янгилигини йўқотиш орқали орентировка рефлексининг сўниб қолиши билан фарқланади.

**ПАРАПСИХОЛОГИЯ** - (юонон. *para* - ёнида, олдида, *psyche* - жон, *logos* - таълимот) - фикрни хеч қандай воситаларсиз масофага узатиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот.

**ПЛАСТИКЛИК** - ақлий ва нутқ фаолиятининг асосини ташкил этувчи асаб тўқималарига хос хусусиятдир.

**ПСИХИКА** - (юонон. *psychikos* - руҳий, жонга оид) – психика, юксак даражада ташкил топган материя - миянинг объектив олами алоҳида йўсинда (сезги, идрок, тасаввур, фикр, ҳиссиёт, иродавий ҳаракатлар каби формаларда) акс эттириш қобилиятига эга бўлган хусусиятидир. Психика тараққиётнинг маълум бир босқичига келиб, сезгиликнинг, қобилиятининг пайдо бўлиши муносабати билан пайдо бўлган. ҳайвонларга ҳам, инсонга ҳам хосдир. Инсон психикаси ҳайвон психикасидан фарқ қилиб, у инсон онги деб аталади. Демак "психика" ҳайвонлар ва одамларнинг руҳий ҳаётини ифодаловчи умумий терминдир.

**ПСИХОЛОГИЯ**- (юононча psyche - жон, -logos - илм) миянинг объектив воқеликни акс этгирувчи функцияси бўлган **психика** хақидаги фан. Психологиянинг предмети, психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва хусусиятлардир. Психика миянинг акс эттириш фаолияти бўлиб, у кишининг хаёт шароитлари билан белгиланади. **Психология шахснинг психик фаолияти, психик ҳолати ва хусусиятларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини ўрганади.**

**ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР** - психик ҳодисаларнинг пайдо бўлиши конуний изчил равища ўзгариши ва бир таракқиёт босқичидан навбатдаги босқичга ўтиши, уларда сифат ўзгаришларининг содир бўлишидир.

**ПСИХИК ҲОЛАТЛАР** - шахснинг объектив воқеликдаги ва ҳодисаларга ва ўз-ўзига бўлган муносабатни ифодаловчи, ижобий ҳамда салбий эмоционал кечинмалари, мамнуният ва газаб, ишонч ва ишончлилик ва фаоллик кўрсатмаслик каби хислар.

**ПСИХИК ФУНКЦИЯЛАР**- мия акс эттириш фаолиятининг сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби турли шакллари. Чет эл психология фанида тарқалган "функционал психология" деб аталувчи оқимда, психик, функцияларни шахсдан, шахснинг фаолиятидан ажратиб олиб, уларнинг мустақил "моҳият" деб ҳисоблайди. Бизнингча, ҳозирги замон психологияси психик функцияларни фаолиятнинг тарихан таркиб топган ва шахс хусусиятлари билан узвий боғланган компонентлари деб тушунилади.

**ПСИХИК ҲОДИСАЛАР** - психик ҳаётнинг сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби ҳар бири алоҳида олинган аниқ шакллари. Психик ҳаёт турли-туман ҳодисаларда намоён бўлади. Психик ҳаёт ҳодисалари таркибида психик жараён, ирода ва ҳиссиёт), психик маҳсуллар ва психик ҳолатлар киради.

**РАЦИОНАЛИЗМ ОҚИМИ**- (лот. rationalis – ақлий, оқилона) билиш назариясидаги билимларнинг манбаи ва улар тўғрилигининг мезони ақлdir деб даъво қилувчи, тафаккурни ҳиссий идрокдан ажратиб қўювчи, метафизик оқим. Аслида билимларнинг манбаи ва мезони ҳиссий тажриба, ижтимоий амалиётдир.

**РЕАКЦИЯ ВАҚТИ**- манбанинг пайдо бўлишидан, то унга бўладиган реакциянинг бошланишигача бўлган вақт. Олий психик функциялар психик жараёнларнинг ҳаёт давомида шаклланувчи мураккаб қисмидир. Бу термин ҳозирги замон психологиясида Л.С.Виготский томонидан ишлатилган, А.Р. Лурия ва бошқалар ривожлантирганлар. У онгли психик фаолият шаклидир.

**РЕФЛЕКСОЛОГИЯ** - XX аср бошларида рус психологиясидаги табиий илмий оқим бўлиб, унга рус психиатри В.М.Бехтеров асос солган. Рефлексологиянинг предмети бош мия иштирокида содир бўладиган барча турдаги рефлекслардан иборат эди. Рефлексология рефлектор актда унинг учинчи (ҳаракат) қисмига кўпроқ эътибор бериб, унинг марказий (психик элементи) қисмини камситган. Шунинг билан рефлексология онг муаммосини билиб-бilmай инкор килиб қўйган, психологияни психикасиз

ўрганиб, механистик хатога йўл қўйган. Бироқ субъектив идеалистик психологияга карши курашда рефлексологиянинг хизмати катта бўлган.

**РЕФЛЕКСИЯ**- (лот. reflexio - орқага мурожаат). Инсонни ўз-ўзини, ўзининг ички дунёсини, психик сифат ва ҳолатларини англаши, яъни субъектнинг ички психик ҳолатларини ўзи англаши жараёни.

**РЕТИКУЛЯР ФОРМАЦИЯ**- (лот. Formatio recularis - тўрсимон боғлам) - бош мия тана қисмидаги (узунчоқ мия, Воролиев қўприги, ўрта мия) асаб хужайралари бўлиб, улар ўз тузилишига кўра қалин тўрни эслатадиган ўсимталарга эгадир. Кўзғовчилар таъсирида турли рецепторлардан бош мияга сигналлар олиб борадиган сезувчи асабларнинг ўсимталари ретикуляр формацияга туташган бўлиб, мавжуд сигналлар ретикуляр формацияни ҳам кўзғатади. Бош миядаги қўзғалиш эса ретикуляр формациянинг фаолиятини ё кучайтиради, ё сутайтиради. Демак, ретикуляр формациянинг ҳар бир хужайраси сезги аъзоларидан кўп сигналлар қабул қилиб олиб, бош мия ва орқа мия фаолиятига умумий ҳолда таъсир кўрсатиб туради.

**СЕМИОТИКА**- билиш жараёнида реал (аниқ) объектларнинг белгилари хусусиятини ва белгилар тизимини ўрганувчи фан.

**СТИМУА**- рецепторларда кўзғалишни пайдо қилувчи ички ёки ташқи таъсиrlар жараёнидир. Таъсиrlаниш манбаи.

**ТЕСКАРИ БОҒЛАНИШ**- организмдаги мураккаб тизимни бошқариш тамойилидир. Тескари алоқа ташки таъсирга жавобан организмнинг ҳар бир харакати мақсадга нечоғли мувофиқ бўлаётганини мия баҳолаб туради. Ташқи таъсирга жавобан миянинг бўйруғи билан содир бўлувчи харакатнинг ҳеч бир бўлаги шу ҳаракат натижалари хақида мияга (перифериядаги марказга) дарҳол хабар (тескари алоқа) берилмасдан туриб давом эттирилавермайди.

**ФАОЛЛИК**- жонли организмнинг умумий сифати ташқи муҳит би-лан боғланишидир. Психик фаоллик шу билан характерликн, бунда шахс ўз эҳтиёжларини қондириш учун вокеликни ўзгартиришга ҳаракат қиласди. Фаоллик бу эҳтиёжларни қондириш учун воқеликни ўзгартиришга қаратилган муҳим қобилиятдир.

**ФРЕЙДИЗМ**- (психоанализ) - буржуа психологияси ва психопатологиясидаги инсон хулқининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи онгсиз майл (айниқса жинсий майл) деб ҳисоблаб, онгли фаолиятнинг аҳамиятини, ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи ролини камситадиган реакцион идеалистик назария. Бу назария австриялик невропатолог, психиатр ва психолог Зигмунд Фрейд номи билан аталган. Психиатрия ва психологиядаги одам хулқининг асосиви лаззат олишга (либидо) бўлган, айниқса илк болаликда пайдо бўлган сексуал (жинсий) майл ташкил этади деб тарғиб қилувчи, одам хулқидаги ижтимоийликни, онглиликни инкор қилувчи ғайри илмий реакцвон оқим.

**ФУНКЦИОНАЛ ТИЗИМ**- психика ва шахсни ҳаёт давомида олий психик функциялар ва инсон қобилияти пайдо бўлиши ҳодисаларининг мате-риал асосини ташкил этадиган нейродинамик тизим.

**ФУНКЦИОНАЛ ПСИХОЛОГИЯ**- XIX аср охири XX аср бошлари психологиясидаги психологиянинг предмети психик элементлар ва уларнинг тузилишлари муносабатлари эмас, балки психик функциялардан иборатdir деган фикрни илгари сурган оқим. Функционал психология оқими 2 га бўлинади:

1. Психология онгнинг мазмунини эмас, балки актларни (масалан, сезилаётган сифатни эмас, балки сезги актини) ўрганиши керак, деб ҳисобловчи, онгни фақат илохий фаоллик деб талқин қилувчи Европа функционал психологияси;
2. Функция тушунчаси янги мазмун қиритиб, психология шахснинг табиий ва ижтимоий муҳитга мослашувида онгнинг ролини, шахснинг амалий ўйналишини ўрганиши керак деган Америка прагаатик психологияси.

Функционал психология интроспектик психологияга нисбатан маълум даражада илғор бўлиб, у пеихологиянинг амалиёт билан алоқасиви бироз мус-таҳкамлади. Лекин унинг соҳта методологияси психик жараёнларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб беришга имкон бермади.

**ШАРТСИЗ РЕФЛЕКС**- И.Сеченов ва И.Павловнинг псяхиканинг рефлектор назариясидаги энг асосий тушунча бўлган шартсиз рефлекс, ташқи муҳит таъсуротлари билан организмнинг уларга нисбатан қайтариладиган жавоб реакциялари ўртасидаги наслий асаб боғланишлари туфайли содир бўладнган туғма рефлекс.

**ЭЛЕКТОР ЭНЦЕФЛЛОГРАММА (ЭЭГ)** - миянинг биоалектрик фаоллигини кучайтиргич ёрдамида ёзиб оладиган маҳсус аппарат.

**ЭФФЕКТОР**- қабул қилувчи рецепторлардан фарқ қиласидиган рефлекс ҳалқасининг бажарувчи қисми (мушак, без) ёки сигналларни қабул қиласидиган хужайралар, мушак тўқималари ишини ёки турли хил безларнинг шира чиқаришини ўз зиммасига олади. Бу хужайра эффекторлар деб аталади.

**ЭФФЕРЕНТНЕРВ (АСАБ)** - асаб импульсларини марказга олиб борадиган йўли.

### **ПСИХОЛОГИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА МЕТОДЛАРИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

**АНКЕТА**- текширувчига олдиндан тайёрланган саволлар асосида ёзма жавоб беришдам иборат бўлган психологик илмий текшириш усули.

**СУҲБАТ** - психологиянииг илмий текшириш усулларидан бири. Суҳбат икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасидаги савол-жавоб тариқасида содир бўладиган бевосита фикр алмашув жараёни.

**БИОГРАФИК УСУЛ** - бу усул ёрдамида шахснинг автобиографияси (таржимаи ҳоли), унга берилган тавсифнома, тутган кундаликлари, ёзишмалари, биографик маълумотлар, хатлар, эсдаликлари ўрганилади.

Шунингдек, унинг билиш жараёнлари, қобиляти, истеъоди, таланти ва ақлий, ахлокий, иродавий сифатлари ҳам ўрганилади.

**ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ**- турли ёшдаги болаларнинг психик хусусиятлари, унинг ривожланиши ва унга хос қонуниятларни ўрганадиган психологиянинг бир соҳаси.

**ГЕНЕТИК УСУЛ** - (юнон. geneticos - тутилишга, келиб чиқишга оид)

Генетик усул психик ҳодисалар ва ҳолатларнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганадиган усул. Генетик усулнинг моҳияти шундаки, бунда ўрганилаётган психик ҳодиса жараён тарзида қаралади ва тадқиқотчи бу жа-раённинг диалектик тараққиётини ҳар томонлама текширади.

**ДЕТЕРМИНИЗМ** - (лот. determinara - белгилайман) табиат, жамият ва психик ҳодисаларнинг объектив сабаблар билан белгиланиши хақидаги таълимот, илмий психологиянинг психика, онг объектив борлик ва асаб тизими билан белгиланиши хақидаги, яъни психика ҳаёт образидир, ҳаёт образининг ўзгариши билан у ҳам ўзгаради деган тамойилдир.

**ПСИХИК РИВОЖЛАНИШ ДИАГНОСТИКАСИ** - инсон психикасининг қай даражада ривожланганлигини ва унинг индивидуал психологик хусусиятларини аниқлаш мақсадида текширадиган жараён.

**ОНГ ВА ФАОЛИЯТНИНГ БИРЛИГИ ТАМОЙИЛИ**- онг билан фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, балки улар бир-бирини тақозо килади ва бир бутунликни ташкил қилади. Онг фаолиятнинг ички режасини, унинг дастурини ташкил қилади и деган психологик тамойил.

**ТАБИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ** - психологиянинг руҳий ҳодисаларни инсон фаолиятининг табиий шароитларида ўйин, ўқиш, меҳнат жараёнида ўрганадиган илмий текшириш усули.

**МУҲАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ** - психологиянинг техник мосламапари билан уни бошқарубчи кишилар ўртасидаги ўзаро боғланиш ҳамда ўзаро таъсирини текшириш билан шуғулланувчи маҳсус соҳаси; инженерлик психологиянинг илмий вазифаси оптимал конструкцияларни психофизиологик жиҳатдан асослаш ва меҳнат унумдорлигини ортирувчи техникани лойи-ҳалашда мугахассис мұхандисларга бевосита ёрдам беришдан иборат.

**КОРРЕЛЯЦИЯ**- (ўзаро алоқадорлик, бир-бирига боғлиқлик) - экспериментдан олинган фактлар ва уларнинг бир-бирига боғликлигани борлук билан боғланиши ўлчови.

**ЛАБОРАТОРИЯ ЭКСПЕРИМЕНТИ** - психологиянинг илмий текшириш усули; у лаборатория шароитида маҳсус психологик аппаратлар ёрдамида керак бўлган шароитни сунъий равишда вужудга келтириб ўтказилади, текширилувчи кишининг нима иш қилиши лозимлиги уларга олдиндан огоҳлантирилади. Лаборатория экспериментида текширилаётган одам бу ишга бевосита муносабатда бўлади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг хусусиятлари, идрок, хотира кабиларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади.

**ПСИХОЛОГИЯНИНГ УСУЛЛАРИ-** психик ҳодисаларни ил-мий тушуниш, текшириш, ўрганилаётган ҳодисаларни аниқлаш, илмий билиш-нинг ва ҳақиқатни аниклашнинг режали йўли; ҳаракат усули ёки тартиби,

**КУЗАТИШ-** объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни режали, давошиб, системали тазимли идрок қилиш, хиссий билиошинг далиллар тўплашга, воқелик ҳақида дастлабки тасаввурлар ҳосил қилишга қаратилган фаол шакли, психологиянинг илмий текшириш усулларидан бири.

**ЎРГАТУВЧИ ЁКИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ЭКСПЕРИМЕНТ**-шахсада талаб қилинадигак психик жараёнлар ёки шахс сифатларини мақсадга мувофиқ равишда шакллантириш усули.

**ПАТОПСИХОЛОГИЯ-** психологиянинг бош миянинг заарлани-ши ёки унинг етарлича ривожланмаганлиги натижасида келиб чиқадиган психик касалликларни ўрганувчи соҳаси. Патопсихология сезги, идрок, хотира, тафаккур, малакалар, ҳиссиёт, ирода каби психик жараён ҳамда холатларнинг бузилишини психологик жиҳатдан таҳлил қиласи.


**ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ-** таълим ва тарбия қонуниятла-рини ўрганадиган психологиянинг бир соҳаси. Педагогик психология боланинг психик тараққиётини таълим ва тарбия жараёнида ўрганади,

**СОЦИОМЕТРИК УСУЛ-** психологиянинг бир усули. Социометрик усул гурух ва жамоалардаги ўзаро муносабатлар ва унинг тузилишини аниқлаш максадида ишлатилади.


**ЎЗ-ЎЗИНИ КУЗАТИШ** - шахс ўзининг фикрлари, ҳис-туйғулари ва ҳаракатларини ўзи кузатади. Ўз-ўзини кузатиш усулининг обьекти субъектнинг психик ҳолати, хусусиятлари ва жараёнлардир.

**ТЕСТ-** (инг. test - синаш, текшириш) - тест; шахснинг ақлий тараққиётини, қобилиятини, иродавий сифатларини ва бошқа психик хусусиятларини текширишда кўлланиладиган қисқа стандарт масала.

**ЭКСПЕРИМЕНТ-** тажриба - психик ҳодисаларни ўрганишнинг асосий усулларидан бўлиб, бу текширувчининг текширилувчи психикаси айrim томонларига таъсир қилиш ва фаолият шароитларини мақсадга мувофиқ ўзгартириш орқали амалга оширилади.



### 3-илова



**Семинар машғулоти мав'узлари ва режалари  
1-мав'зуу "Шарқ мутафаккирларининг психологик қарашлари"**

#### I Машғулот режаси:

1. Ал Форобий ижодида билиш жараёнлари
2. Абу Али Ибн Сино ижодида материянинг доим вужудга келиши мумкин бўлган нарсалардан аввал мавжуд бўлиши ва дунёни ҳиссий ҳамда тушунчалар ёрдамида билиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлари.
3. Аҳмад Яссавийнинг меҳр-шафқатли бўлиш ҳақидаги қарашлари.

#### II Машғулот режаси:

1. Баҳовуддин Нақшбандий ижодида ақл ва дунёқарашнинг шаклланиши;
2. Абу Райхон Беруний ижодида “Тана ва рухга оид ҳодисаларнинг талқин қилиниши”.
3. Имом ал-Бухорий ижодида шахслараро муносабатлар масаласи.

## **2- мавзу "Психологиянинг асосий ва ёрдамчи методлари"**

### **Режа:**

1. Умумий ва ҳунар таълимини ислоҳ қилиш ва шахсни маънавий томондан камол топтиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти;
2. Кузатиш усули ва усули ва унинг турлари;
3. Эксперимент усули ва унинг турлари;
4. Кузатиш ва экспериментдан олинган далилларни таҳлил қилиш;

### **Адабиётлар:**

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. "Ўқитувчи", Тошкент, 1992 йил;
2. Гамезо М.В., И.А.Домашенко "Атлас по психологии", М., 1986 год;
3. Е.А.Климов "Основы психологии". Учебник - М, 1997 год;
4. Р.С.Немов "Психология" - Кн. 1. – М. 1998 год;
5. С.Л.Рубинштейн. Основы общей психологии., М., 1989 год;
6. В.М.Каримова "Ижтимоий психология асослари". - Т., 1994 йил;
7. Э.Фозиев "Психология", Т., 1994 йил;

### **Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати.**

1. Имом Исмонл ал-Бухорий. Ал-адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари), Т., "Ўзбекистон", 1990 йил.
2. С. Мамадалиев Имом Бухорий таърифи. Т., "Чўлпон", 1996 йил;
3. О.Мусурмонова. Маънавий кадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т."Ўқитувчи", 1996 йил;
4. Муҳаммад Ҳасан ал - Ҳамассий. Қуръони Каримнинг тавсиф ва баёни нозил бўлиш сабаблари билан. Сютичник. Дамашк - Байрут, 1984 йил. Шайх Муҳаммад Муҳиддин Абдул Ҳамид СолиқулғБухори. Миср. Иккинчи босмаси. 1990 йил.
5. Умумий психология. Жамоа томонидан тайёрланган. Т., "Ўқигувчи", 1992 йил;
6. Л.П. Хохлопова. Талабалар учун психологиядан топшириқлар. Т., "Ўқитувчи", 1992 йил.
7. Бўри Зиёмуҳамемедов. Экология ва маънавият. Т. 1997 йил;
8. Э.Фозиев. Психология. Г., "Ўқитувчи", 1994 йил;
9. Э.Фозиев. Олий мактаб психологияси. Тошкент, 1997 йип.

### **Интернет сайтлари**

- 1.www.ziyonet.uz
- 2.www.pedagog.uz

**Лаборатория машғулотларининг мавзулари ва режалари.**

**1-мавзу: "Психология фанининг предмети".**

**1-топшириқ.**

Күйидаги ҳукмлардан қайси бири психиканинг табиатини идеалистик нұқтаи назардан ва қайси бири реалистик-материалистик хусусда тушунтиради?

- а) психика ўзга алоҳида бир оламдир. У ташқи сабабларга боғлиқ әмас;
- б) психика әңг юқори даражада ташкил топған материянинг - миянинг хусусиятидир;
- в) психикани фақат ўз-ўзини кузатиш орқали ўрганиш мүмкін;
- г) психика - объектив оламнинг инъикоси.

### **2-топшириқ**

Мия физиологияси бўйича тадқиқотлари билан ном чиқарган немис олими Оскар Фохтнинг ўйлашича, "Сафро жигарга ёки сийдик буйракка қандай муносабатда бўлса, фикр ҳам бош мияга деярлик шундай муносабатда". "Ўзича ўқиб файласуф бўлиб етишган, ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Петербургда истиқомат қилган, миллати немис бўлиб, асл касби кўнчи бўлган Иосиф Дицтен (1828-1838) ҳам айни шу хил ўйлаган" (К.К.Платонов). Айтингчи, ушбу матнда психология тарихидаги қайси оқим ҳақида гап боради?

### **3-топшириқ**

Россиялик психолог-идеалист А.И.Вединский бундай ёзган эди: "Бошқа кишиларнинг руҳий ҳаётини идрок қилишимиз мүмкін әмас, чунки у ҳар қандай тажриба ўтказиш имкониятида четдадир". Кўриниб турибдики, А.И. Вединский психик ҳодисаларни фақат бевосита билиш мүмкін, деб хисоблади.

1. Айтингчи, бошқа кишиларнинг руҳий ҳаётини идрок қилишимиз мүмкін әмас, деб айтилган А.И.Вединскийнинг фикри тўғрими?
2. Шу билан А.И.Вединский психик ҳодисаларни билишнинг қайси усулини инкор этади.

### **2-мавзу: "Миява психика"**

### **4-топшириқ**

Шартсиз ва шартли рефлексларнинг хусусияти ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми ҳамда объектив борлиқ сигналлари ҳақидаги билимларни текшириш ва мустаҳкамлаш.

**ЗАРУР МАТЕРИАЛ.** Турли ҳаётий далилларни ифодалаган савол ва топшириқлар:

1. Нима учун янги ўрганаётган боксчи рақибининг қўлқопи унинг кўз олдидаги пайдо бўлиши билан кўзини юмади?
2. Врач қачонлардир болага укол қилган эди. Шундан сўнг бола оқ ҳалат кийган ҳар қандай одамдан, ҳаттоқи у одам болага яхши таниш бўлса ҳам, кўрқадиган бўлиб қолди. Бунга нима сабаб?
3. Одатда институтнинг биринчи курс талабаларига ўқитувчи-маърузачи биринчи марта аудиторияга кириб келганда ўрнингиздан туриб қарши олинг, иккинчи соатга кирганда эса ўз жойингиздан қимирламанг деб

тарбия берилади. Шунга қарамасдан, танаффусдан сўнг маърузачи иккинчи марта хонага кириб келганда ҳам баъзи талабалар ўринларидан турадилар. Вақт ўтиши билан бу ҳодиоа йўқолиб боради. Бу далилнинг физиологик асоси нимадан иборат?

- 4; Маълумки, футбол ўйинини янги ўйнай бошлаган баскетболчи дастлабки пайтларда тўпни тез-тез қўлига ушлаб олади. Бу билан у ўйин қоидасини бузади. Орадан бир канча вақт ўттач, бу спортчи бундай хатога йўл қўймайдиган бўлиб қолади. Ушбу ҳодисанинг физиологик механизмини тушунтиринг?
5. Ўқувчилар мактабда юриш-туриш ҳакидаги қоидага мувофик ўқитувчининг "Дарсимиз тугади", "Кетишингиз мумкин" деган сўзини эшифтмагунларича, ўринларидан қимирламасдан ишларини давом эттиришлари лозим. Ҳатто кўнғирок эртароқ чалинганда ҳам. Ваҳоланки, дарс охирида чалинган қўнҳирок кўп вақт ўқувчишрни ҳаракатланишига ундайди, натижада улар ишни йиғишириб, синфдан чиқишига ошиқадилар. Болалар интизомини мустаҳкамлаш учун қайси физиологик жараённи ривожлантириш керак?
6. Баъзи талабалар хиёбонда сайр қилиб юрган одамларга диқкатларини бўлмаган ҳолда икки-учта бўлишиб бемалол дарс тайёрлайдилар. Баъзи талабалар эса, фақат тинчлик ҳукм сурганда китоб ўқишига одатланганлар. Юқорида айтиб ўтилган киши одатларини қандай тушунтириш мумкин?

#### **Ўтилган мавзу бўйича талабаларнинг назарий билимларини назорат қилишга доир тест намуналари:**

1. Умумий психология фани нимани ўрганади?
  - а) психик хаётнинг филогенетик тараққиётини ўрганади;
  - б) психологик қонуниятларни ўрганади;
  - в) ҳайвонот дунёсида психиканимг пайдо бўлишини;
  - г) руҳий жараёнлар, далиллар ва механизмларини ва унинг тараққиёт қонунларини ўрганади;
  - д) руҳий ҳодисалар, жараёнлар ва руҳий ҳолатларнинг пайдо бўлиши, унга хос хусусиятлар ва қонуниятларни ўрганади.
2. Психика нима?
  - а) нарса ва ҳодисаларнинг муҳим хусусияти;
  - б) дунёни умумлаштириб акс эттириш;
  - в) психика характер хусусияти де1 цакдир;
  - г) психика бизнинг сезгиларимиз, фикр ва мулоҳазаларимиз, кечинмаларимиздир;
  - д) юксак даражада ташкил топган материя (мия)нинг алоҳида хоссаси, объектив борлиқни акс эттириш жараёни.
3. Дунёни акс эттириш миянинг қайси қисмида содир бўлади?
  - а) олдинги мияда;
  - б) мия пўстлоғида;

- в) миячада;
- г) узунчоқ мияда;
- д) ўрта мияда.

4. Ҳақиқатни акс этгиришнинг муҳим шаклини аникланг?

- а) нарсаларнинг сувда акс этиши;
- б) сояда акс эттириш;
- в) ойнада ўз физиономиясининг акс этиши;
- г) онга акс эттириш;
- д) кимёвий акс эттириш.

5. Қачон психология фани фалсафа фанидан мустақил фан бўлиб ажралиб чиқди?

- а) XV аср бошида;
- б) XX аср ўртасида;
- в) XIX аср ўртасида;
- г) XVII аср охирида;
- д) XX аср бошида.

6. Онг нима?

- а) онг психиканинг юксак даражаси бўлиб, у кишининг меҳнат фаолияти ва ўзаро муносабатлар жараёни;
- б) онг инсоннинг ижтимоий фаолияти;
- в) онг ижтимоий мухит маҳсули;
- г) онг ўз олдига мақсад кўйиб, фаолият кўрсатишдир;
- д) онг меҳнат фаолияти жараёни.

7. Предметлар, расм, сўз ва маҳсус асбоблар ёрдамида шароитни сунъий вужудга келтириш орқали психик ҳодисаларнинг кучи, тезлиги ва ҳажмини қайси усул орқали билиш мумкин?

- а) педагогик-психологик эксперимент;
- б) кузатиш;
- в) лаборатория эксперимент;
- г) табиий эксперимент;
- д) генетик усул орқали.

8. Психологик тест нима?

- а) психик ҳодисалар ва ҳолатларни ўрганадиган усул;
- б) инсон психикасининг сифатлари, тараққиёт даражаси ва қобилиятларини аниқлаб берадиган стандартлаштирилган усул;
- в) болаларнинг фаолиятини ўрганадиган усул;
- г) инсон ҳаётини урганадиган, қобилия гани ривожлантирадиган маҳсус усул;
- д) психик жараёнларни, хусусиятларни ўрганадиган усул,

9. Онг ва фаолиятнинг бирлиги бу:

- а) онг ва фаолият бир-бирига қарама-қарши эмас, ўхшаш ҳам эмас, аммо улар бир-бирини тақозо қиласы;
- б) онг фаолиятда ривожланади ва фаолиятнинг мазмунини белгилайди;
- в) онг фаолият жараёни ва фаолиятни назорат қиласы;
- г) онгда борлық акс этади;
- д) фаолият жараёнида онг ривожланади.

10. Психика турмуш тарзи, у турмуш тарзи ўзгариши билан ўзгаради деган тамойилни аниқланғ.

- а) изчиллик;
- б) эгоцентризм;
- в) детерминизм;
- г) күргазмалик;
- д) системалик.

### **ФАОЛИЯТНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАХЛИЛИ Мавзұннинг асосий масалалари**

1. Фаолият хақида умумий түшүнчә;
2. Мотивлар ва фаолиятнинг мақсадлари;
3. Фаолиятнинг тузилиши;
4. Фаолиятиинг интериоризацияси ва экстериоризацияси;
5. Иш-харакатнинг бажарылыш усуллари;
6. Қайтарма афферентация ва "иш-харакатларнинг акцептори";
7. Фаолиятни ўзлаштириш. Күникма ва малакалар;
8. Фаолиятнинг асосий турлари.

#### **Мавзуу бүйіч асосий психологик түшүнчалар.**

**АВТОМАТЛАШГАН ҲАРАКАТЛАР**- күп марта тақрорланиши ёки маңсус машқ қилиш натижасыда бевосита онг иштирокисиз тез ва түғри бажарыладиган ҳаракатлар.

**АВТОМАТИЗМ** - ихтиёrsиз ски англаңмаган ҳаракатларни бажариш.

**АКЦЕПТОР** - (лот. acceptor - қабул қилувчи) - вазифаны ҳал қилишда ҳаракат натижаларини олдиндан күриш ва уни бағолашдаги психологик механизм.

**АФФЕРЕНТАЦИЯ** - (лот. afferens - олиб келувчи, ўтказувчи). Афферентация рефлекс жарёнида рецепторларда ҳосил бўлган қузғалишнинг (импульснинг) тегишли асаб марказларига етказашши.

**КҮНИКМА**- удалаш; муайян фаолият турининг муваффақиятли бажарылишини таъминловчи онгли ҳаракатлар тизими. Күникма билимлар асосида ва тақрорлаш туғайли таркиб топади. Күникма иш-харакатларни уқиб олиш, ўзлаштириш демакдир.

**МАЛАКА** - мақсадга мувофиқ ҳаракатларнинг амалга оширилиши ва бошқарилишини машқ қилиш натижасида автоматлашиб кетишидир. Малака кишининг билим ва қўникмалари асосида таркиб топади.

**МЕХНАТ**- тарихан таркиб топган, мақсадга мувофиқ йўналтирилган, бойлик яратишга қаратилган фаолият тури.

**МОТИВ**- инсонни муайян хатти-ҳаракатларга ундейдиган бош сабаб. Бу сабаб эҳтиёждир.

**ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ** - ички психик фаолиятнинг ташқи амалий фаолиятдан келиб чиқиши, ташқи ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга, нарсаларнинг образлари ва улар ҳақидаги тушунчаларга айланиш жараёни.

**ОДАТ** - кундалик фаолиятда кўп такрорланиши натижасида автоматлашган ва бажарилиши шахснинг эҳтиёжига айланиб қолган ҳаракатлар. Одатда ҳаракатлар автоматлашуви билан бирга у шахснинг эҳтиёжига айланиб, табиатига сингиб кетади. Шунинг учун одат бўлнб колган ҳаракатлар бажарилмаса, шахс нимагадир эҳтиёж сезади, ниманидир йўқотгандек булади.

**ЎЙИН**- фаолият тури (бу фаолият болаарга хосдир). Ушбу фаолият гури тарихан гаркиб топган бўлиб, ўйин орқали болалар катгаларнинг хатти-харкатлави, муносабатларини, ижтимоий воқеликни, дунёни акс этгирадилар.

**ЎҚИШ (таълим)** - билим, қўникма ва малакаларни еш авлодга бериш ва уларни ўкувчилар томонидан қабул қилиш жараёни, фаолияттури. Ўқитувчи ва ўкувчилар томонидан амалга ошириладиган фаолиятдир.

**ФАОЛИЯТ** -эҳтиёжларни кондиришга қаратилган фаоллик, яъни бу инсоннинг ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллиги. У инсон хаётининг воқелнкка нисбатан фаол муносабатининг рӯёбга чиқиш шакли.

**ҲАРАКАТ**- мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йигиндиси. Онгли фаолият таркибий қисмлари ва мотивларидан бири.

**ЭКСТЕРИОРИЗАЦИЯ** - ички психик фаолиятнинг ташқи, предметли фаолиятга, жонли мушоҳадага айланиши.

### **СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАЛАРИ ФАОЛИЯТНИ ЎЗЛАШТИРИШ**

#### **РЕЖА:**

1. Фаолиятни эгаллашда фаоллик ва ишчаилик;
2. Қўникма ва малакаларни эгаллаш усуслари;
3. Қўникма ва малакаларнинг шаклланиш қонуниятлари;
4. Педагогик фаолият ва унинг шаклланишига таъсир атувчи омиллар.

#### **АДАБИЁТЛАР:**

1. А.В.Петровский. Умумий психология. Т., "Ўқитувчи", 1992 йил;
2. Э.Фозиев. Психология. "Ўқитувчи", 1994 йил;
3. СЛ.Рубинштейн. Основы общей психологии. М., 1989 год;
4. А.В.Петровский таҳрири остида. "Умумий психология", "Ўқитувчи", 1991 йил;

5. А.НЛеонтьев. Личность. Сознание. Деятельность. М., 1974 год;
6. В.М.Каримова. Ижтимоий психолог асослари - Т., 1994 йил;
7. В.М.Каримова. Психология. Т., 2000 йил;
8. Р.С.Немов. Психология. З-томли. Биринчи китоб. М., - 1998 йил.

**Интернет сайтлари**

1.www.ziyonet.uz

2.www.pedagog.uz

**Лаборатория машғулотлари**

**1-төпшириқ**

Фаолият натижаларининг билиш малакасини шаклланишига таъсирини текшириш.

ЗАРУР МАТЕРИАЛ: Миллиметрларга бўлинган чизғич.

*Топшириқнинг божарилиши.* Экспериментатор чизғичнинг 1 см, 8 см, 15 см ўлчовларига учта аниқ кўринарли чизикча чизади. Тажрибанинг биринчи турида синалувчи қаламнинг учи билан чизғичга бириттирилган белгани биринчи кўрсаткич (1 см) дан иккинчи кўрсаткич (8 см) гача суриб боради. Сўнгра кўзини юмгани холда белгини учинчи кўрсаткич (15 см) гача суриб бориши керак. Топшириқнинг натижаси синалувчига кўрсатилмагани холда экспериментатор томонидан шартли белгилар ("+","-") ёрдамида акс эттириб борилади. Тажриба 15 марта такрорланади. Тажрибанинг иккинчи турида синалувчи тажриба натижаларини ҳар сафар кўзини очиб, кузатиб боради,

Иккинчи босқич ҳам 15 марта такрорланади. Тажриба натижалари қўйидаги жадвалда берилади.

Хатолар (мм ҳисобида)	30
	25
	20
	15
	10
	5

0 123456789

**Тажрибаларнинг сони**

Тик чизғич хатоларнинг ўсишини (мм ҳисобида) ифодалайди. Бунда хатоларнинг оғиши (“+”, “-”) биргалиқда қўшиб олинган. Горизонтал чизик тажрибалар сонини кўрсатади. Контур чизик тажрибанинг биринчи турини, пастки чизик эса тажриба иккинчи турининг натижаларини ифодалайди. Тажриба натижаларининг қиёсий таҳлили фаолият натижаларини билиш малакларининг шаклланишига ижобий таъсини кўрсатади.

**2-төпшириқ**

Ёзув намуналарини чоғиштириш усулидан фойдаланиб, ҳаракат малакаларини шакллантириш жараёнини текшириш.

ЗАРУР МАТЕРИАЛ. Тўғри чизиқли дафтар ва бир қатор сўзлар. масалан: ишлатмоқ, пахта, қиммат, катта, яшаш кабилар.

*Топшириқнинг бажарилиши.* Эксмерименттатор ўқиб берган сўзларни синаувчилар дафтар чизикларига теккизмай чизиклар орасида ёзишлари керак. Аввал ёзувни ўқувчилар кўриб туриб бажарсалар, сўнг кўзларини юмиб бажарадилар.

Тажриба якунида сўзларни ёзишда ўқувчилар неча марта чизикقا тегаб ёки чиқиб кегганлигини ҳисоблаб, қуидагн жадвал тўлдирнлади.

### **Тажрибаларнинг сони**

<b>№</b>	<b>Неча марта чизикقا теккан</b>	
	<b>Кўриб туриб ёзилганда</b>	<b>Кўзни юмиб ёзилганда</b>
<b>I.</b>	<b>0</b>	<b>6</b>
<b>2.</b>	<b>0</b>	<b>6</b>
<b>3.</b>	<b>0</b>	<b>4</b>
<b>4.</b>	<b>0</b>	<b>3</b>

Юқоридаги жадвалга асосланган ҳолда, кўзни юмиб ёзилганда ёзув малакаларнинг шаклланнеш жадвали чизнлади. Чизикка тегишни ифодаловчи сонларнинг қуий ва юқори кўрсаткчларн ўртасидагн нисбат малакаларининг шаклланнеш жараёни нитенсив равиша боришинни кўрсатади.

Чизикка	6
тегиш	4
сони	2
	0 123456

ёзилган сўзларнинг тартиб сони.

### **Талабаларнинг билимларини тест ёрдамида назорат қилиш.**

#### *1. Фаолият нима?*

- а) билишга бўлган эҳтиёж ва шу асосда шаклланадиган мотивлар;
- б) мақсадларимиз мазмуни ва уни бажариш усули;
- в) шахснинг онгида, хулқ-атворида содир бўладиган ўзгаришлари;
- г) кўникма ва малакалар жараёнининг содир бўлиши;
- д) одамнинг ташқи (жисмоний) ва ички (психологик) фаоллиги.

#### *2. Фаолият қуийдагилардан тузилган:*

- а) фаоллик кўрсатиш учун максадни аниқлашдан;
- б) амаллар ва иш-ҳаракатлардан;
- в) фаолиятни вужудга келтирадиган эҳтиёжлардан;
- г) тананинг вазнини саклаб турувчи ҳаракатлардан;
- д) ҳаракатларни бажаришдан.

#### *3. Кўникма бу -:*

- а) фаолиятда фаоллик кўрсатиш;
- б) фаолиятдаги иш-ҳаракатларни ўзлаштириш жараёни;

- в) қайта-қайта қилинадиган амалий иш;
- г) иш-харакатлар йигавдиси;
- д) фаолият жараёни.

4. Малака бу - :

- а)иш-харакатларни ўзлаштириш жараёни;
- б)иш-харакатларнинг инсон табиатига сингаб, эхтиёжига айланиши;
- в)иш-харакатларни машқ қилиш натижасида автоматлашиб кетиши;
- г)шахс фаолиятиининг эхтиёжи;
- д )иш-харакатларни бажариш усууллари.

5. Кўникма, малакаларнинг шаклланиши қонунини аникланг?

- а) пластиклик қонуни;
- б) юксалиш, тормозланиш ва пасайиш қонуни;
- в) нотекислик қонуни;
- г) интеграция қонуни;
- д) сезирлик қонуни.


6. *Фаолиятни ўзлаштириши манбаи:*

- а) меҳнат ва ўинин жараёни;
- б) ижодий иш жараёни;
- в) таълим-тарбия жараёни;
- г) қизиқиш, интилиш, фаоллик кўрсатиш жараёни;
- д) кўнинг




## **ФАОЛИЯТНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛЛАРИ**

**2-илова**



**2-илова**

## **ХАРАКАТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАСИ**



## ПСИХИКАНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ Мавзунинг асосий масалалари

1. Психика материя эволюцияси натижаси эканлиги.
2. А.Н Леонтьевининг сескаиувчанликнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги тахмини, фарази.
3. Психиканинг тарақкиёт босқичлари.
4. Олдиндан акс эттириш ҳақида тушунча.
5. Одам онгининг павдо бўлиши ва унинг тараккиёти.
6. Юксак психик функцияларнинг таркиб топиши ва тузилиши.

### **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар .**

**АНТРОПОМОРФИЗМ-** (юон. antropos - одам, кўриниши, шакл) - антропоморфизм, ҳайвонот, ўсимлик ва (стихиялар) ишончсиз табиат оламидаги ҳодисалар гўёки тафаккур, ҳиссиёт ҳамда ирода сингари инсоний хусусиятларга эгадир деган ғоянинг пайдо бўлишига асос бўлган, фангача хукм сурган тасаввур, инсон сиймосини илоҳийлаштирувчи диний тасаввур,

**ЗООПСИХОЛОГИЯ** - ҳайвонлар психикаси ривожланишини ўрганадиган психология соҳаси.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ХУЛК**, - юксак даражада ташкил топган баъзи ҳайвон (маймун, от, ит, дельфин ва...) ларда учрайдиган яшаш жараенида ҳосил қилинган ақл-фаросатга доир элементар ҳолдаги ҳаракатларнинг намоён бўлиши.

**ИНСТИНКТ** - (ички майл, интилиш) - организм хаётий эҳтиёжларининг қондирилиши муносабати билан намоён бўладиган, наслдан-наслга бериладиган тугма ҳаракатлари тизими.

**ҚЎЗҒАЛУВЧАНЛИК**- организмнинг асаб ёки эмоционал қўзғалиш қобилиятига эга бўлишидан иборат индивидуал хусусият. Барча жонли материянинг ташқи таъсирлардан қўзғалиши.

**ОНГ-** фақат инсонга хос бўлган психиканинг энг юқори даражаси, объектив воқеликни акс эттириш шакли. Юксак даражада ташкил топган материя - инсон миясининг воқеликни сезиш, идрок, хотира, хаёл, тафаккур каби шаклларвда акс эттириш қобилиятига эга бўлган хусусият. Онг психологик жиҳатдан З асосий таркибий қисмдан - ақл, ҳиссиёт, иродадан иборат. Акл шахснинг билиш жараёни, ҳиссиёт воқеликка бўлган муносабат, ирода эса фаоялик даражасини белгилайди.

**ОНГ ОСТИ ҲОЛАТИ** - шахс томонидан англаб олиимайдиган психик жараён ва ҳолат йифиндиси. У қисқа муддатли бўлиб, шахснинг тетиклишша қараб онгли ҳаракатларга айланиши мумкин. Онг ости ҳолати мия қобиҳининг минимал қўзғалувчанлик ҳолатига, бажариладиган мақсадга мувофиқ ҳаракатлардир.

**ОНГСИЗЛИК**- психик ҳодиса бўлиб, у воқеликни шундай акс эттириш шаклидирки, бунда қилинаётган ишларга ҳисбот берилмайди, иш-

харакатлар қаерда ва қанча бажарилаеи ашшгини билиш хусусияти йўқолади, хулқ-авторни нутқ орқали бошқариш бузилади. Онгиззликка психик ҳодисалардан уйқу ҳолатидаги ҳодиса (туш кўриш), сезилмайдиган, лекин хақиқатдан хам таъсир қиласиган қўзғовчиларга жавоб реакциялари, мақсад англашмайдиган айрим майллар киради.

**ПАНПСИХИЗМ-** (юон. *pan* - ҳамма нарса *psuche* - жон) - дунёда бор бўлган ҳамма нарса жонлидир деб ҳисобловчи ғайри илмий идеалистик таълимот.

**СЕЗУВЧАНЛИК-** тирик организмнинг сезиш қобилияти, сезги аъзоларининг маълум бир таъсирларга жавоб қайтариш қобилияти.

**ТРОПИЗМЛАР** - биотик омилларга махсус ҳаракатлар билан реакция қилиш усули. Тропизмлар ҳар хил бўлади. Фототропизм - тирик организмнинг ёруғлик таъсирида ҳаракатга келиши; термотропизм — тирик организмнинг иссиқлик таъсирида ҳаракатга келиши; химогропизм - тирик органшмнинг физик-кимёвий муҳитни танлаб олишга бўлган мойиллиги; топотропизм - тирик организмнинг механик кўзғовчи таъсири остида ҳаракат қилишга мойиллиги.

**ҲАЙВОНЛАР КЎНИКМАСИ** - ҳайвонларга шартли боғланишлар асосида юз берувчи ва автоматик равишда содир бўладиган ҳаракатлар, яъни бирор фаолиятнинг такрорланиб туриши натижасида аста-секин ҳосил қилинган хатти-ҳаракатлар.

### Илова\_1

#### Ҳайвонот дунёсида психика ривожланишининг асосий босқичлари

Асосий босқичлар	
I	Элементар сезувчанлик
II	Аниқ идрок
III	Нарсалар орасидаги боғлиқликни акс эттириш

## **Илова\_2**

### **Филогенезда хулқ шаклларининг ривожланиши**

Асосий босқичлар	
Тропизмлар	Биотик омилларга маҳсус ҳаракатлар билан реакция қилиш усули
Инстиктлар	Наслдан-наслга бериладиган туғма ҳаракатлар тизими
Малака	Ҳайвонларнинг индивидуал хаёти жараёнида ҳосил қилган хулқ, ҳаракатлари
Интеллектуал хулқ	Ақл-фаросатга доир элементар ҳолдаги ҳаракатлар

**Семинар машғулоти мав'зуси ва режалари  
Ҳайвонот дунёсида психиканинг пайдо бўлиши ва онг  
тараққиёти.**

#### **Режа :**

1. Психиканинг филогенездаги тараққиёти.
2. Психик функцияларнинг муҳит ва органларнинг тузилиши билан боғлиқлиги,
3. Меҳнат фаолияти жараёнида онгаинг пайдо бўлиши ва унинг ижтимоий - тарихий моҳиятга эгалиги.

#### **Адабиётлар :**

1. А.НЛеонтьев. Проблемы развития психики. М., 1978 год;
2. А.НЛеонтьев. Личность. Сознание. Деятельность. М., 1974 год;
3. А.В.Петровский таҳрири остида. Умумий психология. Т., "Ўқитувчи", 1992 йил;
4. Р.С.Немов. "Психология". М., 1998 йил. I китоб;
5. Э.Фозиев Психология. Тошкент, 1994 йил.

#### **Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

#### **Талабаларнинг билимларини тест ёрдамида назорат қилиш.**

1. Психиканинг филогенездаги тараққиетига хос хусусиятларни кўрсатнинг. инстинкт, тропизм, кўникма, интеллектуал ҳаракат;

- б) ижтимоий муҳитнинг қулайлиги;  
в) меҳнат, ўйин, жараёни;  
г) тил ва тафаккурнинг ўзига хос хусусияти;  
д) организмнинг нур, иссиклик, механик тарзда ҳаракатга келиши.
2. Сесканувчанлик нима?
- а) бошлангач шаклдаги акс эттириш қобилияти;  
б} ташқи қузғовчиларга саралаб муносабатда бўлиш;  
в) ҳаракат қишишадиган, мутлоқ секинлик холати;  
г) организмнинг муҳитда ориентировка қилишга ёрдам берувчи, сигнал ва-зифасини ўтовчи таъсир:  
д) организмнинг ҳаракатга келиши.
3. Тропизм бу - :
- а) ташқи дунёни сезгилар асосида акс эттириш;  
б) биотик омилларга маҳсус ҳаракатлар билан реакция қилиш;  
в) организмнинг кўзғовчилар таъсирига мослашуви;  
г) тугма хатти-ҳаракатлар тизими;  
д) органшмнинг онг ёрдамида бошқарилиши.
4. Инстинкт бу - :
- а) биотик омилларга организмнинг жавоби;  
б) муҳитнинг маълум жараёнларида реакция қилишнинг мураккаб шакли;  
в) ҳаракатларнинг максадга мувофиқчиги;  
г) нур таъсирида организмнинг ҳаракатга келиши;  
д) организмнинг кўзғатувчилар таъсирига берилиши.
5. Интеллектуал ҳаракатларнинг асосини нима ташкил қилади?
- а) айрим марсалар ўртасидаги мураккаб муносабатларни акс эггириш;  
б) сезиш орқали нарсаларнинг айрим хусусиятларини акс эттириш;  
в) биотик омилларга жавоб қайтариш;  
г) хотира ва тасаввурларга асосланиш;  
д) ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши.
6. Ҳайвон ва инсоннинг энг муҳим фарқи нимада?
- а) характер - хислатларида;  
б) сезги ва идрокда;  
в) тафаккур ва тилда;  
г) темпераменти, характеристида;  
д) юз ва тана тузилишида.
7. Онгнинг пайдо бўлиш шарт-шароитларини аниқлаш ?
- а) ижтимоий муҳит;  
б) ижтимоий таълим-тарбия жараёни;  
в) ўзаро муносабат ва меҳнат фаолияти жараёни;  
г) нарса ва ҳодисаларни акс эттириш;  
д) ижтимоий муносабатларга киришуви.
8. Онгнинг ривожланиши манбаи нимада -
- а) ўзаро муносабат ва меҳнат жараёни;  
б) ижтимоий муҳит ва таълим-тарбия;  
в) кийим-кечак ва тураг жойга эҳтиёж;

- г) ота-оналарнинг болаларга муносабати;
- д) ижтимоий таълим-тарбия ва ўйин жараёни.

## **Мотивация ва эмоция психологияси**

### **Мавзунинг асосий масалалари .**

I.

- 1. Мотивация соҳаларининг умумий тузилиши.
- 2. Мотив - эҳтиёжларни белгилаш натижаси.
- 3. Фаолият психологиясида мотивация муаммолари.

II

- 1. Эмоционал жараёнлар характеристикиси
- 2. Эмоционал ҳолатлар.
- 3. Инсоннинг юксак ҳислари.

III

- 1.Ирода психологияси.
- 2. Ирода акти ва унинг тузилиши.
- 3. Шахснинг иродавий хусусиятлари ва ирода сифатлари.
- 4. Иродани тарбиялаш.

### **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар .**

**АМБИВАЛЕНТЛИК ҲОЛАТИ-** (лот. ҳар томонлама кучга эга). Кишида бир обьектни ўзига нисбатан бир вақтнинг ўзида пайдо бўладиган бир-бирига қарама-қарши эмоционал-иродавий ҳолат (масалан, раشكда севги ва нафратнинг ифодаланиши).

**АПАТИЯ-** (юонон. апатия инкор юкламаси, yatos - ҳиссиёт). Шахснинг атрофидаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан пассив ёки бефарқ муносабатидан иборат психо-патологик ҳолати.

**АФФЕКТ-** (лот. affectus - руҳий хаяжон, эҳтирос, тез ва кучли пайдо бўлиб, шиддат билан ўгадиган қисқа муддатли аноционал ҳолат (кўрқинч, даҳшат, ғалаба ва бошқалар). Аффект ҳолатида ички органлар фаолияти ўзгарди, кескин ифодали ҳаракатлар пайдо бўлади, кишиининг онг доираси торая-ди, хулкини назорат қилиш қобилияти йўқолади.

**АСТЕНИК ҲИСЛАР** - кишининг фаолиятини, файрат шиҷоатини сусайтирадиган салбий ҳислар. Астеник ҳислар кўпинча киши умидсизланганда, руҳий тушкунликка учраган пайтларда рўй беради.

**БИЛИШГА ҚИЗИҚИШЛИК-** билимга берилганлик, маълумотни оширишга ҳаваснинг зўр бўлиши, шахснинг возеликдаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг хусусиятларини билишга нисбатан фаол муносабатидан иборат бўлган умумий ижобий характер ҳислати.

**ДЕПРЕССИЯ-** (лот. depressio) - тушкунлик, руҳий тушкунлик, маъюслик, ҳасталик, ожизлик каби салбий кайфиятлардан ташкил топган психо-

потологик ҳолат, депрессия баъзи бир умумий ва психик касалликларга йўлиққанда, оғир турмуш шароитларида, омадсизлик, камситиш, яқин кишишрдан жудо бўлиш ва бошқа ҳолларда рўй беради. Буидай ҳолатда киши кам ҳаракат, кам гап, кўпчиликка қўшилмайдиган бўлиб колади. Уйқуси бузилади, уйқусида алаҳсирайди, баъзан ҳатто иштаҳаси ҳам йўқолади.

**ДИНАМИК СТЕРЕОТИП-** (юнон. dinamicos-кучга оид, ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик. stereos-қатъий, tipos-из) бир хилдаги ташқи таассу-ротларнинг кўп марталаб такрорланиши натижасида бош мия яrim шарлари қобигида ҳосил бўладиган, маълум даражада қатъий шартли рефлектор ёки муваққат нерв боғланишлари системаси. Динамик стереотипнинг ҳосил бўлиши кишида муайян малака ва одатларнинг таркиб топишини, кишининг муайян ҳаёт шароитларига мослашувини таъминлайди.

**ЖИДДИИЛИК-** ташқи кучли таъсир асосида юзага келадиган психик ҳолат.

**ИЛҲОМ, ИЛҲОМЛАНИШ, РУҲЛАНИШ** - психик ҳолат тури. Унинг таркибиға стеник эмоция ва ижодий тафаккурлар киради. Стеник эмоция деганда, шахснинг ҳаёт фаолиятини, куч-ғайратини оргтирадиган барча психик ва ижобий жараёнларни фаоллаштирадиган ижобий ҳиссиёт тури тушунилади. Ижобий тафаккур - қўйилган амалий ва назарий вазифаларни янги усуслар билан ҳал қилиш, онгимизда янги тасаввур, тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш, муайян янги нарса яратиш билан бөглиқ бўлган мураккаб тафаккур жараёни.

**ИМПУЛЬСИВ ҲАРАКАТЛАР**- ташқи ёки ички майл таъсирида онгиз ёки қисман англанилган ҳолда бажариладиган ҳаракатлар. Импульсив ҳаракатлар асосан кичик ёшдаги болаларга хосдир. Баъзан импульсив ҳаракатларни нерв системаси толиққан катта кишиларда ҳам учратиш мумкин. Аксириш, эснаш, асаб тизимиға йиғилиб қолган кучни сарфлаш, яъни оёқ-қўлларни ёзиб керишиш кабиллар ҳам импульсив ҳаракатларга киради,

**ИРОДА** - шахснинг онгли ҳаракатларида, ўзини-ўзи тута билиши-да ифодаланадиган, айниқса, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, жисмоний ва руҳий қийинчиликларни енгиб чиқишида намоён бўладиган ихтиёрий фаоллигидир. Ирода ҳам бошқа руҳий ҳодисалар сингари объектив вокеликни, хусусан жамиятдаги, алоҳида кишилар хаётидаги заруриятни акс эттиришнинг махсус шаклидир. Шунинг учун ҳам ирода, ғарчи кишиларнинг ихтиёрий фаоллиги бўлса ҳам, объектив сабаблар шахснинг яшаш тартиби ва шароитлари билан белгиланади.

**ИРОДА АКТИ-** (акт - воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракат) - ирода акти, унинг иш-ҳаракатлари ва тузилишидир. Иродада ихтиёрий, онгли иш ҳара-катлари иштирок этади. Иродавий ҳаракат одам олдида турган мақсадни тақо-зо қиласди, яъни бу ҳаракат орқали одам нимага эришмоқчи эканлигини англайди. Ирода актининг характерли белгиси ҳам истакдага мақсадни аниклашдан иборат. Кейин эса иродавий ҳаракатнинг муҳим босқичи мақсадга эри-шиш йўллари қандай бўлишини, қандай ҳаракатлар бу мақсадга

олиб боришини ўйлаш, унинг мақсадга мувофикалигини чамалаб кўриш, максадга эришиш воситаларини танлаш ва уни амалга ошириш керак бўлади. Бу жараёнларнинг хаммаси ирода акти таркибига киради.

**ИРОДАВИЙ ЗЎР БЕРИШ**- муайян мақсадга эришиш йўлида уч-раган қийинчиликларни бартараф қилиш учун онгли равишда жисмоний ва ақлий кун сарфлашдан иборат фаоллик.

**ИРОДА КУЧИ**- шахснинг ўз олдига қўйган мақсадининг аниқли-гини уни амалга ошириш учун интилиши, мақсад йўлида маълум бир қарор қабул қилиш тезлиги ва уни ўз вақтида ижро этиши билан белгиланадиган ирода сифати, қийинчиликларни бартараф қилишда намоён бўладиган шахсий сифат.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҲИСЛАР**- (лот. intellectus - тушуниш, ақд демакдир.). Ҳиссий бишлиш фаолияти билан боғлиқ бўлиб, у одамнинг ҳаққоний фикрларга ҳамда сохта, ажабланарли, шубҳали, тушунарли ёки тушуниб бўлмайдиган, ҳайратда қолдирадиган фикрларга бўлган муносабатидир. Интелектуал ҳисларга ажабланиш, иккиланиш, ишонч ҳислари киради.

**ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ** - бир қанча вариантлар ичидан курай вариант танлаб олиб масалани ҳал қилиш. Танланган вариант тамойили асосида иш кўриш.

**КАЙФИЯТ**- шахснинг муайян бир тусга солиб турувчи кучсиз ёки ўртacha қучга эга бўлган, нисбатан барқарор умумий эмоционал қолати. Кайфият уни келтириб чиқарган сабаблар ёки шахснинг характер-хислатларига қараб кунлаб, ойлаб ҳам давом этиши мумкин. Кайфият бошқа эмоционал ҳолатлар каби ижобий ва салбий бўлади. Масалан: хушчақчаклик, ғамгинлик ва ҳоказо.

**ЛИМБИК ТИЗИМ**- бош миянинг ички билиш мохияти, функционал жиҳатдан баъзи бир эмоционал ҳолатлар билан боғланишни англатади.

**МОТИВЛАР КУРАШИ** - шахснинг олдида бир эмас, бир қанча мақсадларнииг тўқнашиб қишиши, унд;а шахснинг иккиланишдан иборат бўлган ҳолат. Мотивлар кураши баъзан ақл билан ҳиссиёт ўртасидаги субъектив тўқнашувлар тарзида ҳам рўй беради. Мотивлар кураши узоқ муддатли ва қисқа муддатли деб аталадиган икки турга бўлинади. Мотивлар кураши кўпинча қарорга келиш билан тугалланади, яъни мотивлардан бирини танлаб олиш орқали бартараф қилинади. Мотивлардан бирини танлаб олиш қарорга келиш деб аталади.

**МОТИВАЦИЯ**- мотивлаштириш, шахснинг нима учун маълум вақтда бошқа фикр ва ҳаракатларни эмас, фақат шу фикр ва ҳаракатни бажаришга қарор қилганлигини далиллар, қонун ва қоидалар билан асослаб бериши, тушунтириб беришидан иборат иантиқий операция. Одамни фаолиятга фаол ундовчи сабаблар мажмуи.

**МОТИВ**- одамни муайян хатти-ҳаракатларга ундейдиган бош сабаб. Бу сабаб эҳтиеждир.

**ПРАКСИК ҲИСЛАР**- (юнон. praxis) сўзидан олинган бўлиб, иш, фаолият, юмуш деган маънони англатади. Праксик ҳислар шахснинг ҳиссий

фаолияти билан боғлиқ бўлган ва меҳнат фаолиятида кечириладиган хислардир.

**СТЕНИК ҲИСЛАР** - (юон. *sthenos* - куч) - шахснинг ҳаёт фаолиятни, куч-файратини ортгирадиган, барча психик жараёнларни фаоллаштирадиган ижобий ҳиссиёт тури.

**ҲИССИЁТ**- шахснинг воқеликдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга ҳамда ўз-ўзига, меҳнатга бўлган муносабатларидан келиб чиқадиган ёқимли ёки ёқимсиз кечинмалардир. Масалан: хурсандлик, ҳафалик, ғазаб, рашк кабилар.

**ҲИССИЁТНИНГ ИМПРЕССИВ ТОМОНИ**- лог. *impressio* сўзидан олинган бўлиб, таассурот деган маънени англатади. Ҳиссиётнинг сигнал вазифаси психологияда ҳиссиётнинг импресив томони деб аталади. Яъни ҳиссиёт оламда содир бўлаётган нарсалардан сигнал беради ва таассурот уйғотади.

**ҲИССИЁТНИНГ ЭКСПРЕССИВ ТОМОНИ**- лот. *expressio* деган сўздан олинган бўлиб, ифодалаш деган маънени англатади. Ҳиссий ке-чинмалар туфайли одам организмида содир бўлган ўзгаришларга мосланиш натажасида одам овозининг ўзгариши, мимика, имо-ишора, ихтиёrsиз ва онгли харакатлар эмоционал ҳисшатларнинг экспрессив томонидир.

**ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТЛАР**- шахснинг эмоционал кучи, тезлиги ва барқарорлига билан белгиланадиган, воқеликка булган муносабатда ифодаланадиган турли ёқимли ва ёқимсиз кечинмалари. Эмоционал ҳолатларга кайфият, эхтирос, рухланиш, аффект кабилар киради.

**ЭМОЦИОНАЛ ТОН** - ҳиссий тон - сезги ёки идрок жараёнида шахснинг идрок қилаётган нарсага, ҳодисага муносабатини ифодаловчи маҳсус эмоционал бўёқ, ёқимли ёки ёқимсиз кечинма, бевосита сезги ва идрок билан боғланган ҳиссиёт.


**ЭСТЕТИК ҲИСЛАР** - гўзаллик, кулги ёки фожиа, олижаноблик ёки разиллик, нафислик ёки қўполлик кабиларга бўлган муносабатдир.

**ЭМПАТИЯ**- одамларнинг эмоционал ҳолатини олдиндан кўра билиш, кишиларнинг ички кечинмаларини тушуниш қобилияти.

**ЭМОЦИЯ**- (лот. *emotio* - ҳаяжонлантираман, изтироблайман) - эмоция термини кўп ҳолларда ҳиссиёт термини билан бир маънода ишлатилади. Эмоция шахснинг воқеликка бўлган ўз муносабатини ҳис қилишидан келиб чиқадиган унинг эҳтиёж ва қизиқишлиари билан боғлиқ бўлган ёқимли ёки ёқимсиз кечинмаларидир. (Ҳиссиёт терминига қаралсин).

## Илова 1

### Иродавий ҳаракатларнинг босқичлари



**СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАСИ**  
**Умумий мавзу : "Шахснинг эмоционал-иродавий**  
**хислатлари"**

**Мавзу : "Хиссиёт" .**

**Режа :**

1. Ҳиссиёт ва эмоциялар хақида тушунча.
2. Ҳиссиёт ва эмоцияларнинг нерв-физиологик асослари.
3. Эмоционал холатлар ва шахснинг эмоционал хусусиятлари.
4. Ақлий, ахлоқий ва эстетик ҳислар ва уларнинг шаклланиши.

**Мавзу : "Ирода" .**

**Режа:**

1. Ирода хақида тушунча.
2. Ирода акти ва унинг тузилиши.
3. Шахсиинг иродавий сифатлари ва унинг таркиб топиши.
4. Иродани тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш,

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида Тошкент, "Ўқитувчи", 1992 йил.
2. Э.Розиев. Психология. Т. Ўқитувчи, 1994 йил.
3. В.М.Каримова, Ф.А.Ақрамова. Психология. Тошкент. 2000 йил.
4. С.Л.Рубинштейн. Основўобҳей психологии. Москва, 1998 год.
5. Р.С.Немов. Психология. 2 томлик. 2 том. М., 1998 йил.

**Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**Лаборатория машғулоти:**

**"Шахс фаолиятининг эмоционал-иродавийлиги?"**

**1мавзу : "Ҳиссиёт" .**

**Топшириқ 1.**

Эмоционал холатнинг фаолият натижасига таъсирини ўрганиш.

ЗАРУР МАТЕРИАЛЛАР. Бир чизикли дафтар, қатор сўзлар, масалан: пиёла, жамоатчи, кишилар, мамлакат, шахсият, адокачи, ем-хашак, чизғич, психология, ташкилот каби.

**Топшириқнинг божарилиши:** Экспериментатор ўзи танлаган ёрдамчиси билан хонанинг икки томонига биттадан талабани чақириб ёзув намуналарни чоғиштириш методидан фойдаланиб, ҳаракат малакаларининг шаклланиш жараёнини текшира.ти. Бунда синалувчилар экспериментаторнинг ўқиб берадиган оўзларини бермиган бир чизикли дафтарнинг чизиқларига

теккизмагани холда, аввал қўзини юммай туриб, сўнгра қўзи боғлик ҳолда ёзib бориши керак.

Сўнгра ҳар иккала синалувчи ўртасида мусобақа ташкил қилиниб, юқоридаги топшириқ такрорланади. Топшириқининг натижалари қуидаги жадвалда қайд этиб борилади.

Топшириқдан кузатилгаи мақсад	Ҳар иккала тажриба		Йўл қўйилган хатоларнинг ўртача нисбати
	Кўз очик 1 2 3	Кўз боғлик 1 2 3	
Хотиржам харакатдаги ўрганиш	шароитда аниқликни		
Мусобақа харакатдага ўрганиш	шароитида аниқликни		

Тажриба натижаларини таҳлил қилиш орқали эмоционал ҳолатнинг фаолият натижасига таъсири юзасидан хулосалар чиқарилади.

## II Топшириқ

1. Қуидида берилган матнларни ўқинг, қайси бирида кўпроқ билиш жараёнлари ва қайси бирида хиссиёт ёки эмоция ифодаланаётганлигини аниқланг.
  2. Буларни сиз қамдай белгилар асосида аникладингиз?
- А. Ҳар куни ишчилар шаҳарча устида тутун бурксиган ёғли ҳавода фабрика бизиллаб, ўкириб гудок берар ва бу гудокка итоаткор бўлиб қолган, мускулларига уйқу билан ором беришга ушуролмаган ва лаблари табассумни билмайдиган кишилар, худди бир нарсадан чўчиган сувараклар каби кичкина, кўримсиз уйларидан юргурганларича кўчага отилиб чиқардилар. Улар совук тонг қоронғуси, тош тўшалмаган кўча бўйлаб, фабриканинг баланд-баланд тош қафасларига томон боришар, фабрика эса ўнларча ёғбоеган тўртбурчак кўзлари билан ифлос кўчани ёритиб, уларни лоқайд ишонч билан кутар эди. Кўчада уйкусираган одамларнинг бўғик овоз билан қий-қиришлари, шалоқ сўзлар билан сўкишлари эштилар, фабрика томони-дан эса буларни бошқа овозлар - машиналарнинг оғир садолари ва буғнинг-гулдуроси қарши олар эди.

(А.М.Горький. "Она", I боб, З-бет, Тошкент).

Б.Фофур. Очликдан силлам қуриб, илигим пучайган чоғимда ҳам сизларга ялинмайман. Ахир бу кўзлардан оққан жигар қонлари, бева-бечора, етим-есирларнинг оху-зорлари кўнглингизни юмшатмайдими? Қачонгача кимхоб чопонлар, ёғлик паловлар учун бойларга зулм пичоғини қайраб берасиз? Ахир, бу дуолар, ривоятлар ниқобига яширинган зулмдан,

жафолардан биз қурғурлар кимга дод, деймиз? Кимга? Бу ғурбатхонада нотавон йиғлаганларнинг, афсус-надомат чекканларнинг доду фарёднни ким тинглайди, ким? Гапириңг, шариат пешволари...  
(Х.Х.Ниёзий, "Бой ила хизматчи" драмасидан).

### *III. Топшириқ*

Қуйидаги матштарни ўқинг ва ҳиссиётнинг қандай индивидуал хусусиятлари (кучи, чуқурлиги, барқарорлиги) намоён бўлаётгашгини аникланг ва изоҳланг.

А.Камол И. - VIII синф ўқувчisi. Ўқитувчи уни бир партадан иккинчи партага ўтказгани учун қаттиқ хафа бўлди, узоқ мушохада қилди, бутун дарслар давомида асабий, паришонхотир, хомуш ўтиради. Кейин ҳам узоқ вакт ўзига кела олмади.

Б.Салим Б. - IV синф ўқувчisi. Дарсда икки баҳо олганига йиғлаб юбораёзди ва ўзини тутиб қолди. Аммо 1-2 соат ўтар-ўгмас, ёмон баҳосини тамоман унугди, танаффусда боягидай қувноқ ва хотиржам эди.

В.Азиза М. - VIII синф ўқувчisi. Уни қувонтириш ҳам, кайфиятини бузиш ҳам, аччиғлантириш ҳам қийин. Синфда ўқувчилар қах-қах уриб кулсалар ҳам, у индамай ўтиради. У бу йил синфда қолиши хақидаги хабарни эшилди. Аммо bemalol ўтираверди.

### **II мавзу: "Ирода".**

#### *I. Топшириқ.*

Инсоннинг қуйидаги (иродавий, импульсив, автоматик) хатти-ҳаракатлари қайси харакат турига киради?

А. Улуғ Ватан уруши йиллари эди. Фронт майдонларидан бирида жангчиларимиз қиравчи самолётимизни ерга мажбурий қўнганлишни кўриб колиб, унинг ёнига чопиб бордилар. Қарасалар экипаж аъзолари қимир этмай ётарди. Конга беланганд учувчи штурвални ушлаган холда ўтиради. Унинг оёғи тор-моэни босган бўйича қолган. Кўриниб турибдики, учувчи агар самолёт қўнаётган вақтда ҳатоликка йўл қуилса, ёнгин бўлишини ҳисобга олиб. моторни ўчириб тўхтатиш мақсадида яраланганд чап қўлини охирги марта моторни ўчирадиган тутмага урган. Орадан бир қанча вақт ўтгач, у медпунктда ўзига келиб, гирих бўлган тишлари орасидан: "Топшириқ бажарилди... Экипажнинг аҳволи қандай? Самолет бутунми?" - деганича яна хушидан кетган. Б. Ўтказилган бир неча тадқиқотларнинг кўрсатишича, агар бир вақтда ҳам чироқ ёқиб, ҳам синалавчининг кўлига электр қўзғовчи билан таъсир килинса ва бу нарса бир неча марта такрорланса, у кейинчалик электр қўзғовчи бўлмаса ҳам, чироқ ёқилиши билан қўлини торта бошлайди.

**ЎТИЛГАН МАВЗУ БҮЙИЧА ТАЛАБАЛАРНИНГ БИЛИМЛАРИНИ ТЕСТ  
ЁРДАМИДА ТЕКШИРИШ.**

1. Мотивация нима?

- а) шахс фаоллитминг манбаи;
- б) эҳтиёжларни қондиришга мойиллик;
- в) мотивларнинг қоида, далил ва қонуниятлар билан асосланиши;
- г) одамнинг хулқ-атворига қараб хатти-ҳаракатларни таҳлил қилиш.

2. Мотив бу -

- а) эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган фаолиятга мойиллик;
- б) эҳтиёжларнинг ҳиссий намоён бўлиши;
- в) шахс фаолиятининг маҳсус тури;
- г) истаклар асосида ифодаланган эҳтиёжлар тизими.

3. Эмоция бу -

- а) онгимизнинг маълум нарса ва ҳодисаларга йўналиши;
- б) ёкимли ва ёкимсиз туйғуларининг намоён бўлиши;
- в) дўстлик, ўртоқлик, уятчанлик, севги ҳисси;
- г) шахснинг ижтимоий акс эттирувчи ички ва ташқи кечинмалари.

4. Ҳиссиёт бу -;

- а) инсон психикасининг ўзига хослиги;
- б) нарса ва ҳодисаларга бўлган муносабатимиз ва улардан ҳосил бўладиган кечинмаларнинг онгда акс этиши;
- в) нарса ва ҳодисаларни, кечирилган туйғу ва ҳисларни эсда қолдириш, эсга туширишдан иборат психик жараён;
- г) кишининг яшаш шароити, таълим-тарбияси ва атрофидагиларга бўлган муносабатида намоён бўладиган иидивидуал хусусияти.

5. Эмоционал ҳолатларга нималар киради?

- а) гуманизм, қизиқувчанлик, ранжиш, уялиш;
- б) ҳиссий тон, канфият, эҳтирос, рухланиш, аффект, жиддийлик;
- в) ҳайрон қолиш, шубҳаланиш, ишонч, таажжубланиш;
- г) ҳамкорлик, дўстлик, ўртоқлик, севги.

6. Олий ҳисларни аниқланг?

- а) кайфият, ҳайрон қолиш, рухланиш;
- б) ахлоқий, ақлий, эстетик, праксик;
- в) эҳтирос, эътиқод, дунёкараш;
- г) ҳиссий тон, аффект, эмоция.

7. Ирода таърифини аниқланг -

- а) нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятларини онгда акс эттириш;
- б) мақсадга эришишда қийинчиликларни, тўсиқларни енгиш билан боғлиқ бўлган ихтиёрий, онгли ҳаракат;

- в) нарса ва ҳодисалар ўртасидага муносабатларнинг умумлашган ҳолда акс этиши;
- г) кишининг маълум бир фаолиятни бажара олишга бўлган лаёқати.
8. Иродавий жараённинг энг муҳим хусусиятини аникланг -
- а) ташаббускор бўлиш;
- б) кучли иродага эга бўлиш;
- в) ўз-ўзини тута билиш ва мустақиллик;
- г) белгиланган қарорни ижро этиш.
9. Ирода сифатларини аникланг -
- а) ҳамкорлик, самимилик, одиллик;
- б) инсонпарварлик, гуманизм;
- в) ўз-ўзини туга билиш, мустақиллик, матонатлилик;
- г) дўстлик, ўртоклик, мухаббат ва севги.
10. Аҳлоқий ҳисларга нималар киради?
- а) ҳайрон қишиш, ишонч, иккиланиш;
- б) бурч, виждон, виждоний бурч, масъулиятни ҳис қилиш;
- в) эҳтирос, аффект, кайфият, эмоция;
- г) таажжубладиш, иккиланиш, рухланиш.

### **ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ Мавзунинг асосий масалалари .**

1. Шахс хақида тушунча. Индивид, шахс, индивидуаллик.
2. Шахснинг фаоллиги ва унинг йўналиши.
3. Қизиқишлир.
4. Уз-ўзига баҳо бериш ва унинг талабчанлик даражаси.
5. Фрустация ва шахснинг келажак режалари.
6. Конформизм. Дунёқараш ва эътиқод.
7. Шахснн экспериментал тадқиқот қилиш методлари.
8. Шахснинг шаклланиши.
9. Шахс ва ўзаро шахсий муносабатлар.

#### **Мавзу бўйича амалий психологик тушунчалар**

**АУТСАЙДЕР** - бу сўз чет эл ижтимоий психологиясида ишлатилади ва гурух аъзоларининг психологик келишмовчилиги сабаблий бир- биридан юз ўгиришга сабаб бўлишини англатадиган атама.

**ГУРУХ** - бир неча кишилар уюшмаси. Гурух шартли ва реал бўлади. Шартли гурухлар одамларнинг маълум белгиларини ажратиб олиш билан бирлаштирилган гурухлардир. (ёши, жинси, миллати, касби ва....). Реал гурухлар - бу умумий макон ва замонда яшаб туриб, реал муносабатлар асосида бирлашган кишилар гуруҳи. Реал гурухлар: 1) маҳсус ташкил қилиниши ва 2) маҳсус ташкил қилинмаслиги мумкин.

**ГУРУХ БОСИМИ** - гурухнинг айрим аъзолар мулоҳазаси ва интизомига таъсир қилиши.

**ГУРУХ, УЮШҚОҚЛАРИ** - алоқа даражасини кўрсатувчи, гуруҳдаги одамларнинг бирлашиш таърифи. Гурухнинг меҳнатга қобилиятлилиги, гурух уюшқоқлигининг натажасидир. Гурух уюшқоқлиги унинг фаолияти, мақсади ва муваффакиятини белгилайдиган психологик хусусиятдир.

**ДИФФУЗ ГУРУХ** - бир-бирига боғланган, аралашган тасодифий гурухдир. Фаолият жараёнида бевосита шахслараро муносабатда пайдо бўладиган гурух.

**ДУНЁ ҚАРАШ** - шахснинг воқелик ва унга бўлган муносабатини ифодаловчи тасаввур, тушунча ҳамда қарашлари системаси, кишиларнинг фалсафий, илмий, хукукий, ахлоқий, эстетик идеал ва эътиқодларнинг йиғиндиси. Дунёқараш инсон фаолияти ва хулқининг умумий йўналишини бегилаб берадиган тизим.

**ЕТАКЧИ** - бошлиқ, йўлбошчи, етакчи; раҳбарликни амалга оширадиган, фаоллик кўрсатувчи гурух аъзоси.

**ЖАМОА** - умумий фаолият мақсадлари асосида бирлашган, жамиятнинг бир қисми хисобланган ва шу жамиял мақсадларига бўйсуга муносабатидан одамлар гурухи.

**ЖАМОА НЕГИЗИ** - умумий мулоҳазалар, кўрсатмалар ва ишлаб чиқариш карорларини шакллантирадиган жамоадаги гурух аъзолари.

**ИНДИВИД**- одамнинг инсонлик жинсига мансублиги, алоҳида тирик мавжудот, биологик турнинг намоёндаси.

**ИНДИВИДУАЛЛИК** - шахс психологик хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси.

**ҚИЗИКИШ**- одамнинг билиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларнинг ҳиссий намоён бўлиши.

**КИЧИК ГУРУХ** - фаолиятда биргаликда банд бўлган ва бевосита шахсий мулоқотга киришадиган гурух аъзолари.

**КОГНИТИВ НОСОЗЛИК**- бир обьект ҳақидаги қарама-карши билимлар (фикрлар, тушунчалар) зиддиятидан келиб чиқадиган ноҳуш ноқулайлик кўзгатувчи, дунёқараш ва зътиқодларга мос келмайдиган ижтимоий ҳолат, ҳодиса.

**КОМФОРМЛИК**- мос келувчи, мослашиш; индивиднинг гурух билан ташқи мувофиқлиги, ички норозиликка қарамай, унинг барча таъсиrlарига бўйсуниш. Комформлик психология ва социологияда икки хил маънода ишлатилади. Биринчидан, шахснинг гурух билан ҳам ички, ҳам ташқи томондан мос келиши. Иккинчидан, шахснинг гурух билан ташқи томонидангина мос бўлиб, ички томондан эса гурухнинг тутган йўлига қарама-карши бўлиб, ўз фикрида қолиши.

**КОРПОРАЦИЯ**- фақат ўз-ўзига ишлайдиган, фаолиятнинг мақсади ўз кобигига ўралган гурух. Корпорация ички мақсадлар асосида ташкил қилинган, мрхияти худбинлиқдан иборат бўлган уюшмадир.

**КЎРСАТМА** - шахснинг муайян фаолиятини (идрок, тафаккур, мақсадга мувофиқ ҳаракатлар ва х.к.) бажаришга қаратилган, аввалги тажрибаси билан

белгиланган тайёргарлиги; кишининг муайян тарзда ҳаракатга ундовчи тайёргарлик шакли.

**МАҚСАДГА ИНТИЛУВЧАНЛИК** - шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини баркарор ҳаётий мақсадларга бўйсундира олишда, мақсад йўлида ҳамиша тайёр, қатъий бўлишида ифодаланадиган характер хислати.

**МОТИВ** - (лотинча movere - ҳаракатлантираман) Мотив - муайян талабни, мақсадни қондиришга боғлиқ бўлган фаолкятга ундовчи омил, манба, сабаб. Одамни фаолиятга ундовчи асосий сабаб унинг эҳтиёжларири.

**МОТИВАЦИЯ** - мотивларни асослаш - могивлаштириш - ўзи бажаришга қарор қилган мақсадни асослаб, тушунтириб бериш, фактлар ва қонуниятлар билан исботлаш, яъни одамни фаолиятдаги фаол иштирокка ундовчи сабаблар мажмуи.

**ОБРЎ** - шахсдаги кўпчилик томонидан эътироф қилинган фазилат, кадр-қиймат, атрофдаги бошқа кишиларга нисбатан таъсирли, нуфузли шахс.

**ПСИХОЛОГИК ТУСИҚ**- муайян фаолият ёки ҳаракат бажаришга ҳалақит берадиган сабаб, хусусан, муайян шахс ёки гуруҳлар билан мулоқот қилишга ҳалақит бериш.

**РЕФЕРЕНТ ГУРУХ**,- киши ўз қарашларини, идеалларини, ишонч-эътиқодларини таркиб топтирадиган, гурухнинг фикр ва кўрсатмалари билан хисоблашадиган ва унинг берган баҳосини қадрлайдиган гурухдир.

**СОЦИОМЕТРИЯ** - Дж.Морено томонидан таклиф этилган ижтимоий психологияк усул бўлиб, гуруҳдаги шахслараро таркибини, муносабатларни ўрганиш ва ўлчаш жараёни, усули.

**ЎЗ-ЎЗИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ** - шахс томонидан ўзининг ҳолатини бошқариш, англаш ва ўзига таъсир кўрсата билиш.

**ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШ** - шахснинг баҳолаш, ўз хатти-ҳаракатлари, имкониятларини, баҳолаш тизими. Ўз-ўзини баҳолаш ўзини тарбиялаш имкониятини беради. Қимматли ориентациялар - шахсиинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий нормалар тизимига муносабати.

**ФАОЛИЯТ** - барча тирик организмларнинг хусусияти, фаолият одамнинг ички (психик) ва ташқи (жисмоний) фаоллиги. Фаолият орқали одам яшаб турган олам билан реал алоқа ўрнатади ва у орқали одам нарсаларга, табиатга ва бевосита кишиларга таъсир қиласи.

**ФРУСТРАЦИЯ**— (лотинча frustration - бекорга кузатиш, бекор умидвор бўлиш, муваффакиятсизлик). Фрустрация ~ режаларнинг издан чиқиб, мақсаднинг йўқ бўлиб кетиши. Фрустрация кишиларнинг характер-хусусиятларида, турли кечинмаларида, хагги-ҳаракатларида намоён бўлади.

**ЭМПАТИЯ**- (юонча empatheia - биргаликда дардлашмоқ). Бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушуниш ва уларга ҳамдардлик билдириш қобилияти.

**ЭҲТИЁЖ** - организмнинг ҳаётини таъминловчи зарур шароитларни акс эттиришдан иборат фаолият мотиви, қондирилмаган мухтожликни сезиш. Кишиларнинг ҳаётий зарур нарсаларга мухтожлиги.

**ЭЪТИҚОД** - амалга оширилиши шахснинг кундалик эҳтиёжига айланган интилишлар, хатти-харакатлар ва дунёқарааш тизими. Эътиқод кишининг маъдум соҳага доир мустаҳкам билимларига асослади, Эътиқодлар ҳаётӣ, илмий ва маънавий бўлиши мумкин.

1-илова

**Шахснинг тузилиши (С Л. Рубинштейн)**



#### **СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАЛАРИ**

#### **Шахснинг шаклланишиш**

**Режа :**

1. Шахс ҳақида умумий тушунча.
2. Шахс шаклланишини ҳаракатга келтирувчи кучлар.
3. Шахс шаклланишида ижтиоий муҳитнинг роли.
4. Ижтимоий таълим-тарбиянинг шахс шаклланишига таъсири.
5. Шахснинг фаолиятдаги фаоллиги ва фаолиятнинг шахс шаклланишидаги ахамияти.

#### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. Т, "Ўқитувчи", 1992 йил.
2. Э.Фозиев. Психология. Тошкент. "Ўқитувчи", 1994 йил.
3. В.М.Каримова. Ижтимоий психология асослари - Тошкент, 1994 йил.
4. В.М.Каримова, Лсихология. Тошкент, 2000 йил.
5. Е.А.Климов. Основы психологии - Москва, 1998 год.

6. Р.С.Немов. Психология. ВЗ - хкн. - КнЛ. - М., 1998год.
7. СЛ.Рубинштейн, Основы общей психологии. - М., 1998 год.
8. А.К.Мунавваров. Оила педагогикаси. Тошкент, 1994 йил.

#### **Интернет сайтлари**

- 1.www.ziyonet.uz
- 2.www.pedagog.uz

### **ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ Шахс ва унинг йўналиши**

#### **Топшириқ 1.**

Ўқувчилар аҳлоқий мулоҳазаларининг барқарорлигини, ёш ва индивидуал хусусиятларини катта ёшдаги кишилар ва тенгқурлари иштирок этган шароитда экспериментал аниклаш.

**ЗАРУР МАТЕРИАЛ.** Вазиятни ёки карама-қарши мазмунни ифодаловчи ҳикоялар.

1. Назорат иши олиняпти. Сен ишни тўғри бажардинг. Ўртоғинг материални билмас экан, у сеқдан кўчириб олишня илтимос қиласди. Шунда сен нима қалар эдинг?
2. Сен назорат ишини бажаролмаяпсан. Ўртоғинг ўзидан кўчириб олишни таклиф киляпти. Шунда сен нима қилар эдинг?
3. Бир гуруҳ ўртоқлар дарсни бузмоқчи бўлиб келишиб олдилар. Шунда сен нима қилар эдинг?
4. Танаффус вақтида бир ўртоғинг дераза ойнасини синдириб кўйди, Сен уни тасодифан кўриб қолдинг. Ўртоғинг айбни бўйнига олмоқчи эмас. Сен айборнинг исмини ўқитувчинингга айтармидинг?
5. Ўқитувчи бетоб бўлиб мактабга келолмади. Параллел синфдан бошқа ўқитувчи кириб топшириқ берди. Лекин болалар ишлаш ўрнига, ўйин билан машғул бўлдилар. Бу вақтда сен нима қилган бўлардинг?
6. Сен ёмон баҳо олдинг. Бунинг учун ота-онанг жазолашини биласан. Олган баҳойингни уйдагиларга айтармидинг?

*Топшириқнинг божарилиши.* Ҳар бир синаувчилар ҳар хил ёшдаги ўқувчилар бўлиши мумкин) учта ҳикоя билан таништирилади. Ҳамма ҳикоялар аҳлоқий талаблар жиҳатидан ухшаш бўлмоғи зарур, шунингдек, мазмунан бир оз фарқ килиши мумкин.

1. Биринчи ҳикоя ўқилишида синалаёттан одамга унинг жавобини ҳеч кимга билдирамаслиги айтилади.
2. Иккинчи ҳикоя ўқитилишида эса синалаётган кишинииг мулоҳазалари бир ҳафтадан сўнг бутун синфга етказилиши айтилади;
3. Учинчи ҳикоя ўқтилаёттанда эса жавоби ўқитувчиларга ва ота-оналарга билдириш айтилади.

Ҳар бир ҳикоя билан танишиб чиқилгандан сўнг экспериментатор керак бўлган жавоб вариантларини айтади. Ўқувчи шулардан биттасининг остини чизиб куйиб, "ҳа", "бўлса керак" дейди. Масалан, биринчи ҳикояни ўқиб бўлиб, у қуидаги тўрт вариантдан бирининг остини чизиб қўймоқ керак.

Ҳикоянинг номи	Кўчирираман		Кўчирирмайман	
	ҳа	бўлса керак	ҳа	бўлса керак

*Бажарилгаи топшириқ натижаларини ишилаб чиқши.* Барча мулоҳазалар икки гурухга бўлинади: яъни ахлоқий нормаларга мос мулоҳаза (масалан "Назорат ишини қўчиришга бермайман" деган мулоҳаза) ва ахлоқий нормаларга нолойиқ мулоҳаза ("Кўчиришга бераман"). Ёш категорияларга кўра, бу икки гурух мулоҳазаларнинг микдорий солиштирилиши ўқувчиларнинг ахлоқий мулоҳазалари қайси томонга қараб ўзгараётганлигини аниқлашга ёрдам беради, яъни ахлоқий нормалар талаби (томони)гами ёки ахлоқий нормаларни бузиш томонигами.

Биринчи хикоя мулоҳаза бўйича мезон бўлиб қолади. Иккинчи ва учинчи ҳикояларга жавоб беришда четта чиқиладиги бўлса, яъни катталар *тазиқида* ёки тенгдошлар *тазиқида* бўлинса, унда ўқувчиларнинг ахлоқий мулоҳазалари етарли даражада қарор топмаганлигини кўрамиз.

Мулоҳаза хусусиятлари (қанча ва қандай мулоҳазалар мустаҳкам ёки бекарор, номустаҳкам бўлиб чиқди) ва сиialаёғганларнинг хусусиятлари (канча ўқувчи ҳар бир ёшда мустаҳкам, барқарор ёки мустаҳкам эмас бўлиб чиқди) таҳлил килинади.

### *Топшириқ 2,*

Инсон ўз-ўзини англашининг кўп қиррали томонларини топиш.

**ЗАРУР МАТЕРИАЛ.** Шахснинг айрим сифатларини тавсифловчи сўзлар: таъсирчанлик, мағрурлик, кўполлик, кўролмаслик, унутувчанлик, қасос-корлик, хафахонлик, эҳтиёткорлик, ҳозиржавоблик, илашимлилик, бепарволик ўзб билармонлик, мулоҳазакорлик, қатъиятлилик, ўзини тута билишлик, эҳтирослик, кўрқоклик, тиришқоқлик.

*Топшириқнинг бажаршиши..* Синалувчи берилган сўзлардан 5 қатор сўзлар гурухини тузади, Сўзларнинг қаторлари синалувчининг ўзи ҳақидаги қуийдага тасаввурларни тавсифлаб бериши керак;

Хозирги "мен" (хозирги вақтда мен ўзимни қандай деб ҳисоблайман);

Динамик "мен" (мен ўз олдимга қандай бўлишим кераклиги ҳақида қандай мақсад кўйдим);

Идеал ҳолдаги "мен" (ўзлаштириб олинган ахлоқ нормаси ва намуналарига мувофиқ ҳолда мен ўзимнинг қандай бўлишимни биламан);

Қелажак ёки эҳтимол тутилган "мен" (ўзимнинг фикримга кўра мен ким бўлиб етишмоғим керак);

Тасаввур қилинадиган "мен" (мен бошқаларга қандай бўлиб кўринишга инталаман).

Синалувчи биринчи қаторга хозирги вақтда ўзига кам даражада хос бўлган хусусиятларни ёзади. Сўнгра қозирги вақтда синалувчининг ўзига анчагина кўпроқ даражада хос бўлган хусусиятларни ёзади ҳамда шу тартибда ишни давом этгтираверади. Қаторнинг охирига синалувчи учун энг

муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган (ўзига хос) хусусиятни ифодаловчи сўзларни ёзади. Худди шу тарзда қолган қаторлар ҳам тўлдириб борилади.

1 - қатор	2 - қатор	3 - қатор

*Бажарилган топшириқ натижаларини ишилаб чиқши.* Беш қатор сўзларни ёзиб бўлингач, улар асосида график тузилади. Абсцисса ўқи бўйича шахснинг айрим хусусиятларини ифода этувчи сўзлар ажратиб қўйилади. Ордината ўқи билан эса, синалувчининг турли "мен"лари бўйича тасаввур қилган хусусият даражалари ажратиб ёзилади. Ишга тааллукли бўлган нуқталарни бириттириш ёрдамида шахснинг ўз-ўзини англашга оид бешта чизиқни ҳосил қиласиз.

### *Топшириқ 3.*

Ўз-ўзини баҳолаш савиясининг миқдорий ифодасини топиш.

**ЗАРУР МАТЕРИАЛ.** Шахснинг айрим фазилатларини тавсифловчи сўзлар: саранжомлик, бесаранжомлик, сермулоҳазалик, тажанглиқ, зеҳнли бўлиш, ғурурли бўлиш, қўрслик, хушчақчақлиқ, ғамхўрлик, ҳасадчилик, уятчанлик, самимилик, изланувчанлик, инжиқлик, ишонувчашшқ, сусткашлик, хаёлпарастлик, ваҳимачи бўлиш, қасоскорлик, матонатлилик, нафислик, bemalollik, асабийлик, журъатсизлик, ўзини тута билмаслик, жозибадорлик, жшзакилик, эҳтиёткорлик, илтифотли бўлиш, харакатчанлик, гумонсирашлик, принципиаллик, шоироналик, кўролмаслик, очик чехралиқ, шилқимлик, бемаънилиқ, дадиллик, ишга берилиб кетиб ўзини унутиб юбориш, вазминлик, ачинишлик, номуслилик, чидамлилик, кўрқоклик, қизиқувчанлик, саботлилик, кунгилчанлик, бепарволик, ташаббускорлик.

*Топшириқнинг бажарилшии.* Ўз-ўзини баҳолаш савиясининг миқдорий ифодасини топишда куйвдаги усулдан фойдаланилади.

Синалувчи олдин юқорида келтирилган сўзлар орасидан ўзида мавжуд бўлган хислатларни ифодаловчи сўзларни топади. Сўнгра ўзида қандай хислатлар бўлишими хоҳловчи сўзларни топади.

Синалувчи берилган сўзларни дикқат билан кўриб чиқади, сўнгра уларни икки қаторга (хар қаторга 10-20 гача сўз) ёзиб чиқади. Биринчи қаторга ўзининг идеалига мос, иккинчи қаторга эса ўзида бўлмаслигани ифодаловчи сўзларни ёзади. Иккинчи қаторни шартли равишда "анти идеал" деб атаси мумкин. Биринчи қатордаги сўзлар "ижобий" кўпликни, иккинчи қатордаги сўзлар "салбий" кўпликни ташкил этгади. Улар мезон бўлиб ҳисобланади.

Сўнгра синалувчи "ижобий" ва "салбий" кўпликлар орасидан ўзвда бор хислатларга мос бўлган сўзларни топади. Бунда синалувчи мазкур хислатларнинг қандаи ифодаланганлиги даражасини эмас, балки унинг ўзинда бор ёки йўклигини кўзда тутмоги зарур ("Ха" ёки "Йўқ").

*Бажарилган топширик натижаларини ишлаб чиқиши.* Синаловчи танлаб олган фазилатлар сони ҳар бир кўплик учун саналиб чиқлади ва тегишли мезон қаторидан умумий сўзлар сонига тақсимланади. Агар ижобий кўплик бўйича коэффициент бирга яқин бўлса, бу синаловчи ўзини ортиқча баҳолаб юборгани ва ўзига танқидий муносабатда бўлмаганидир. Салбий кўплик бўйича коэффициентнинг, ижобии кўплик бўйича коэффициентнинг ижобий кўғшик бўяича нолга яқинлиги ўзига етарли баҳо бермаганидигидир.

Коэффициентнинг 0,5 га яқин бўлиши синаловчининг ўзига хос нормал, ўрта баҳо беришини, шу билан у ўзини ортиқча баҳолаб юбормасдан, ўз-ўзига танқидий ёндашганлигини кўрсатади.

**Ўтилган мавзу бўйича талабаларнинг билимларини тест ёрдамида текшириш**

1. Шахс таърифини аниқланг:

- а) одамнинг инсонлик жинсига мансублиги;
- б) ижтамоий тажрибани ўзлаштириш;
- в) жамият аъзоси сифатида одамлар билан муносабатда бўладш~ан конкрет инсон;
- г) инсон шахсининг характерли томони, ўз-ўзини англаш жараёни.

2. Индивид - бу:

- а) эхтиёжларни қондиришга ҳаракат қиласиган одам;
- б) одамнинг инсонлик жинсига мансублиги;
- в) инсон психикасининг муҳим хусусияти;
- г) ўз-ўзини англаган ва ўзига баҳо берадиган одам.

3. Индивадуаллик - бу:

- а) шахснинг хаёт давомида ортгаргаи тажрибаси;
- б) чақалоқ, тилни ва оддий малакаларни ўзлаштира олмайдиган одам;
- в) шахс психологик хусусиятларининг қайтарилмайдиган бирикмаси;
- г) айрим психологик жараёнларнинг хар бир шахснинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари.

4. Шахс тузилишидаги биологик омилларни аниқланг:

- а) шахс шаклланипшии ҳаракатга келтирувчи куч;
- б) инсоннинг жисмоний ривожланишига хос хусусиятлари;
- в) ирсият, мия ва нерв тизими хусусиятлари;
- г) тараққиётнинг ўзига хос қонуниятлари.

5. Фрустрация деб:

- а) инсоннинг ташқи таъсирларга мослашуви;
- б) гуруҳ манфаатларини хохловчи ва ундан ажralмаслик;
- в) у ёки бу муаммони ҳал қилишда ўз фикр мулоҳазаларини баён эта билмаслик;
- г) мақсадга эришиш йўлида учрайдиган ёки енгиб бўлмасдек туюладиган психологик ҳолат.

6. Конформлилик - бу:

- а) индивиднинг гурух фикрларига ташқи томондангина кўшилиб, ички томондан эса қушилмай ўз фикрида қолиши;
- б) ўз фикрларини тасдиқлашга ҳаракат қилиши;
- в) инсоннинг ҳақиқат шартларига мослашуви;
- г) гуруҳларга қўшилишни хоҳлаши ва ундан ажралмаслига.

7. Шахс тараққиётини ҳаракатга келтирувчи кучларни аникданг:

- а) ижтимоий муносабат ва инсоннинг фаолиятдаги фаоллиги;
- б) ижтимоий мухит, таълим-тарбия ва фаолиятдаги инсоннинг фаоллиги;
- в) ўзаро муносабатлар;
- г) ижодий фаолиятда фаоллик кўрсатиш.

8. Қизиқиш - бу:

- а) инсон хатти-ҳаракатлари тизими;
- б) мазмун жиҳатидан фаркланадиган эҳтиёжлар;
- в) шахснинг қарашлари, тамойиллари ва уига интилитчи;
- г) инсоннинг билиш жараёни билан боғлик бўлган эҳ<sup><</sup> иёкларини эмоционал намоён бўлиши.

9. Эътиқоднинг таърифларингтаҳлил қашшинг:

- а) эҳтиёжларнинг намоён бўлиши;
- б) шахснинг ўз қарашлари, тамойиллари, дунёқарашларига мос ҳаракат қилишга ундовчи эҳтиёжлар тизими;
- в) англамаган фаолият мотивлари;
- г) шахс дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари.

10. Дунёқараш - бу:

- а) эътиқод шаклида намош бўладиган эҳтиёж;
- б) истаклар сифатида ифодаланадиган эҳтиёжлар;
- в) билиш фаолияти билан боғлик бўлган эҳтиёжнн маълум усулда қондиришга тайёргарлик;
- г) инсоннинг теварак-атрофдаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келтиб чиқадиган қарашлар тизими.

## **МУЛОҚОТ**

### **Мавзунинг асосий масалалари**

1. Мулоқот ва унинг кўп режали характеристи.
2. Турли гипдали мулоқот ва киши тафаккури.
3. Нутқ тўғрисида тушунча.
4. Нутқнинг вужудга келиши ва уни идрок қилиш.
5. Нутқнинг ўсиши

## **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар**

**АФАЗИЯ**- (юнон. a- инкор юкламаси, phosia — нутқ)- Афазия - бош мия ярим шарлари қобишинг айрим қиоилари заарланиши натижасида нутқнинг қисман ёки тўлиқ издан чиқишидан иборат психологик нуқсон.

**БЕЛГИ**- хиссий идрок қилинадиган нарса, ҳодиса ва воеа бўлиб, у мулоқот жараёнида бошқа нарса ва ҳодисаинг ўршши босади. Масалан: - йўл йўқ, ~> белгиси йўл ўнг томонга бурилади мазмунини билдиради.

**БЕЛГИЛАР СИСТЕМАСИ (ТИЗИМИ)** – белгилар бирлашмаси бўлиб, умумий қоидалар, уларнинг бир-бирига боғланиши билан амалда ифодаланади.

**ДИАЛОГИК НУТҚ**- бир неча сухбатдошлар (кишилар) орасида фаоллик билан мулоқотда бўладиган нутқ тури.

**ИНТЕРАКТИВ МУЛОҚОТ** - (интерактив инглиз сўзи - таъсир кўрсатиш). Йнгерактив мулоқот сухбатдошига насиҳат қилиш, маслаҳат бериш, огохлантириш, рағбарлантириш, амр-фармон бериш орқали таъсир кўрсатишидир.

**КОММУНИКАЦИЯ**- алоқа қилиш, фикр алмашиниш, ўзгаларнинг фикрини тушуниш ва уларга ўз фикрини тил воситаси орқали тушунтира олган қобилияти.

**МОНОЛОГИК НУТҚ** - бир кишининг нутқи. Фикр алмашув жараёнида фақат бир одам сўзлаб, бошкалар фақат уни идрок эгади.

**МУЛОҚОТ**- икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро тил ёрдамида муносабатда бўлгаш, информгшиялар алмаишш жараёни.

**МУЛОҚОТ ТРЕНИНГИ**- (тренинг- инглизча "машқланиш") шахснинг умумий коммуникатив тайёргарлигини шакллантириш ва такомиллаштириш мақсадида қўлланиладиган машқ.

**НУТҚ**- тил ёрдамида кишиларнинг мулоқотда бўлиш жараёни, Кўпинча фаолиятнинг асосий тури сифатида ҳам қаралади, Нутқ ифодалаш, бирор нимани билдириш, таъсир кўрсатиш восигасидир. Нутқ - алоқа воситаси, тафаккур қуроли, алоқа жараёнинг ўзгинаси.

**ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ** – ўқитувчи, тарбиячи ва ўқувчилар билан ўзаро муносабат тури. Бунда педагог (ўқитувчи, тарбиячи) болаларнинг ёшига кўра ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро муносабатда бўлади, уларга таълим-тарбия беради, уларнинг дунёқарашларини шакллантирадилар.

**ПЕРЦЕПТИВ МУЛОҚОТ** - ўзгалар нутқини идрок қилиш. Образни, ўзгаларнинг нутқини турли кишилар турлича идрок қдладилар, яъни баъзилар нутқи тўғри, мазмунига чукур тушуниб идрок қилса, баъзи бирорлар уни тескари тушуниши мумкин. Баъзиларга бир оғиз сўз, кўз қарашининг ўзи кифоя қилса, баъзи бирорларга бир неча марга тақрорлаш ҳам етмайди.

**СЕМАНТИКА** - маъно (суз, ибора маъноси). Суз, жумла ва матннинг мазмуни.


**ТИЛ** - (психологияда) - сўз белгилари тизими, кишиларнинг ўзаро фикрлашуви, сўзлар ёрдамида алоқа боғланишдан иборат ижтимоий ҳодиса,



кишиларнинг бир-бирларини тушуниш қуроли, муроқот воситаси, воқеликни идрок қилиш шакли.

Тилнинг асосий вазифаси:

1. тил ҳаёг кечириш, ижтимоий тажрибатарни билиш, уни ўзлаштириш воситаси эканлиги;
2. тил коммуникация (алоқа) усули эканлиги;
3. тил ақлий фаолият, яъни идрок, хотира, тафаккур, хаётнинг қуроли эканлиги. Бу функциялар ичида энг муҳими унинг коммуникация (алоқа) усули эканлигидир. Тилдан биз нут фаолиятида фойдаланамиз. Тил - алоқа воситаси.

**ЭГОЦЕНТРИК НУТҚ** - нутқ фаолияти, мактабгача тарбия ёшдаги болалар ўйин жараёнида ўз-ўзи билан сўзлашади. Эгоцентрик нутқ ташқи нутқнинг ички нутқда айланишида оралиқ звено деб тасаввур килишдир.





**СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАЛАРИ  
"ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА НУТҚНИНГ РИВОЖЛЯНИШИ"**

**РЕЖА:**

- Бола нутқида фонетика ва грамматикани ўзлаштиришнинг босқичлари.
- Тил вазифаси ва семантиканинг ривожланиши.
- Таълим жараёнини ўзлаштиришда товуш ва грамматик тахяилнинг ўрни.
- Нутқ ва шахснинг билиш фаолияти,

## **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. Тошкент, 1992 йил.
2. Ёш психологияси ва педагогик психология, М.ПДавлетшин, таҳририда, Т., 1974 йил.
3. Н.И.Жинкин. Психологические основы развития речи ("В защиту живого слова" тўпламида) М., 1966 год.
4. А.НЛеонтьев "Слова в речевой деятельности" "Наука" М., 1966 год.
5. Э.Фозиев. Психология. Тошкент, 1994 йил
6. В.М.Каримова., Ф.ААкрамова. Психология. Т., 1981 йил.
7. ВА.Кругецкий. Педагогик психологиянинг асослари. Т., 1976 йил.
8. М.В.Воҳидов. Психология. Т., 1981 йил.

### **Интернет сайtlари**

- 1.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 2.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## **ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ**

### ***Топшириқ I.***

Ассоциацияларни эркин кечиришга доир.

А. Талабаларга фикрларига келган ўнта сўзни тезлик билан айтиш вазифаси топширилади. Экспериментатор айтилган сўзларни ва уларнинг айтилиш тезлигини кузатиб боради. Бу пажриба нутқ билан тафаккурнинг узвий боғлиқлигини ва фикрнинг нутқда ифодаланишини исботлайди. Сўзларни фикр ва фикр манбаларига қараб гурухлаш мумкин. Келтирилган сўзлар манба жиҳатдан қанчалик тор бўлса, фикр манбага шунчалик умумлашган, воқелик онгимизда шунчалик чуқур акс этган бўлади.

Б. Экспериментатор ҳар бир талабага навбати билан 10 тадан сўз айтиб (кутубхона, касб, соғлик, автоматлаштириш, тезлик, интенсив, дифференциация каби) ҳар бир сўзни эшлиши билан фикрига келган биринчи сўзни айтиб жавоб қайтаришини талаб килади.

Тажриба натижасининг таҳлили талабаларнинг сўз кўзғовчисига берган жавобининг мувофиқлиги, билимдонлиги, умумлаштириш даражаси хакидаги маълумотни беради.

### ***Топшириқ II.***

а) ўзбек тилидаги унли ва ундош товушларнинг маъно салмоқлари бир хил эмаслигини аниқлашга доир.

Экспериментатор доскага ундош товушлари тушириб қолдирилган сўзларни ёзади.

масалан: -е-и; о-о-о; у-и-о; -е-у-н-а кабилар.

Талабалар тушириб қолдирилган ундош товушлар иштироқида сўзлар тузишлари керак. Шубҳасиз, талабалар берилган сўзларни аниқлашда қийналадилар.

Экспериментатор, айнан, шу сўзларнинг унли товушлари ўрнига чизиқчалар чизиб ундош товушлари асосида беради.

Масалан: с-м-л-т;-зб-к-ст-н;с-зг-; р-сп-бл-к кабилар.

Тажриба натижасида талабалар ўзбек тилида, рус тилида бўлгани каби, сўз ясалишида маъно салмоғи асосан ундош товушлар орқали берилишинн тушуниб оладилар.

б) экспериментатор куйидаги сўзлар иштирокида карточкалар тарқатади. Масалан: юз, ок, дам, чирой, от кабилар.

Талабалар берилган сўзларнинг синонимларини (юз, афт, жамол, башара) ва омонимларини (юз - сон, юз - от каби) топишлари керак:

в) паст; қаттиқ, катта, енгилтаклик каби сўзлар иштирокида тузилган карточкаларга жавоб берилган сўзларнинг антонимларини топишлари ксрак.

### *Топшириқ III.*

Талабалар сўз бойлигининг фаоллик даражасини аниқлаш.

**ЗАРУР МАТЕРИАЛ.** Синалувчининг 300 сўздан кам бўлиаган нутқ намунаси. Бунга синалувчининг муайян мавзу юзасидан ёзган иншоси, расм ёки кинофильмга ёзган такризидан намуна сифатида фойдаланиш мумкин.

*Топшириқнинг бажарилиши.* Экспериментатор барча синалувчиларга муайян бир мавзуда иншо ёки муайян бир расм, ёки бўлмаса, кинофильмга такриз ёзишни буоради. Вақтни тежаш мақсаднда талабаларнинг аввалги ёзган иншоси ёки бошқа иш коғозларидан фойдаланиш мумкин. Сўнгра матндаги сўзлар қуйидагича таҳлил қилинади:

1. Нутқ намунасидаги сўзларнинг умумий сони.
2. Матнда фақат бир мартагина қўлланилган сўзларнинг сони.
3. Нутқ намунасининг биринчи юзлиги, иккинчи юзлига ва учинчи юзлигига учраган сўзларнинг сони.

Тажриба натижаларини жадвалда қўйидагача ифодалаш мумкин:

Синалувчи нинг исми, фамилияси	Нутқ, намунаси нинг тури ва сони	Сузлар нинг умумий сони	Турли сўзлар нинг сони	Фақат бир мартагина қўлланилган сўзларнинг сони	Синалувчи нинг тутган ўрни
				1	2
		-			

### **МАВЗУ БЎЙИЧА ТЕСТ НАМУНАЛАРИ:**

1. Мулокот - бу:
  - а) ҳаётий муҳим масалаларни бошқа одамлар билан ҳал қилиш жараёни;
  - б) инсоннинг амалий ва назарий фаолиятшиш ташкил қилиш усули;
  - в) эътиқод, дунёқараш ва идеалларнинг шаклланиш жараёни;

- г) болаларда ақлий, ахлоқий хисларнинг пайдо бўлиш жараёни.
2. Педагогик мулоқот тат, рифини аникланг: -
- педагогик кузатувчашшк, ташаббускорлик билан боғлиқ бўлган жараён;
  - педагог ва ўкувчиларнинг ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш усули;
  - таълим-тарбияни бошқариш жараёни;
  - ўкувчилар жамоаси билан муносабат.
3. Мулоқотнинг муҳим томонларини кўрсатинг: -
- сухбатлашиш;
  - нутқ фаолияти;
  - бир-бирини тушуниш, ҳиссий муносабат;
  - биргаликда ҳаракат қилиш, идрок қилиш ва маълумотлар алмашиш.
4. Тарихий шаклланган мулоқот воситаси бу: -
- оғзаки нутқ;
  - ёзма нутқ
  - тил;
  - ички нутқ.
5. Инсониятнинг маданий тажрибасини наслдан наслга қолдириш, уни ўзлаштириш ва синаш воситасини аникланг.
- онг;
  - мехнат фаолияти;
  - тил;
  - ўкув фаолияти.
6. Коммуникатив муносабатларда кенг фойдаланштадиган нутқ:
- ички нутқ;
  - оғзаки нутқ;
  - ёзма нутқ;
  - афазиялар.

### **ДИҚҚАТ**

#### **Мавзунинг асосий масалалари.**

- Дикқат психик фаолиятнинг йўналиши ва тўпланиши сифатида.
- Дикқатнинг физиологик механизми. Ориентировка фаолияти ва диккат.
- Дикқат турлари ва уларнинг қиёсий тавсифномаси.
- Дикқат хусусиятлари (сифатлари),
- Ўқиш жараёнида дикқатнинг шаклланиб бориши.

#### **Мавзуу бўйича асосий психологик тушунчалар .**

**ДИҚҚАТ** - психик фаолиятнинг маълум бир объектга йўналтирил иши ва унинг устига тўпланиши.

**ДИҚҚАТНИНГ КЎЛАМИ** - айни бир вактда одамнинг дикқат доирасига сифиши мумкин бўлган нарсалар миқдори.

**ДИҚҚАТНИНГ КЎЧИШИ** дикқатнинг нарсадан иккинчи бир нарсага, бир фаолиятдан бошқа бир фаолиятга ўгиши.

**ДИҚҚАТНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ** - айни бир вақтда дикқатимизнинг бир неча нарсага қаратилиши, бўлиниши.

**ДИҚҚАТНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ**- диққатнинг узок вақтгача маълум объектга қаратилиб, унинг устида тўпланиб туриши.

**ДОМИНАНТА** - бош мия пўстидаги ҳамиша кўзғалишнинг устун ва хукмртшик қиуувчи гоксак даражадаги кўзғалиш маркази, А. А. Ухтомскийнинг таълимотига мувофиқ доминанта принципи (тамойили) диққатнинг физиологик аюсини ташкил этади.

**ИНДУКЦИЯ**- И.П.Павлов томонидан кашф этилган нерв тизими физиологияси қонуни. Индукция конунига мувофик бош мия пўстининг бир жойида майдонга келган кузғолиш жараёнлари бош мия пўстининг бошқа жойларида тормозланиш жараёнини юзага келтиради, аксинча, бош мия пўстининг айрим жойида юзага келган тормозланиш жараёни бош мия пўстининг бошқа жойларида кучли кўзғолишнинг пайдо бўлишига олиб келади.


**ИХТИЁРСИЗ ДИҚҚАТ** - тўсатдан таъсир этиб, бирон сабаб туфайли бизнинг хоҳишимиздан ташқаридаги ҳосил бўладиган диққат.

**ИХТИЁРИЙ ДИҚҚАТ**- олдиндан белгиланган қатъий бир мақсад асосида ва онгли равища диккатимизнинг маълум бир нарсага қаратилиши, йўналиши ва унинг устида тўпланиши.

**ИХТИЁРИЙ ДИҚҚАТДАН СҮНГТИ ДИҚҚАТ** - психик фаолият, онгнинг муайян объектга аввало ихтиёрий равища қаратилиши, сўнгра унинг ахамияти тушунилган сари ўз-ўзидан ихтиёрсиз диққатга ўтиш жараёнидаги диққат тури.

**МАРКАЗЛАШГАН ДИҚҚАТ**- фақат биргина нарсага қаратилган ва унинг устида тўпланган диққат.

**ПСИХОФИЗИОЛОГИК ИНДИКАТОР** - психофизиологик манба. Диққатнинг нерв- физиологик манбаи. Академик И.П.Павлов таълимотига биноан, оптимал (хукмрон) кўзғалиш ўчоғидан иборат. Ухтомский таълимотига биноан, у доминанта тамойилидан иборатdir.



## **СЕМИНАР МАШФУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАЛАРИ:**

1. Диққат ҳақида тушунча
2. Диққатнинг физиологик механизмлари.
3. Диққат турлари
4. Диққатнинг хусусиятлари
5. Диққатнинг таълим жараёнида шаклланиши ва унда ўқитувчининг тутган ўрни.

### **ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. "Умумий психология" Педагогика олий билимгоҳларинингталабалари учун дарслик. А.В.Петровский таҳририда. Тошкент, 1992 йил.
2. Н.Ф.Добринин "Произвольное и непроизвольное внимание". Москва, 1985 год, 18-том.
3. Р.С.Немов. Психология. Москва, 1990 йил.
4. Нейрофизиологические механизмы внимания. (Под ред. Е.Д.Хомской). М.МДУ нашриёти, 1979.
5. Гальперин, С.А.Кабильницкая. Экспериментальное формирование внимания. Москва, МДУ наш. 1974.
6. И-В.Страхов. Воспигания внимания школьников. (Хрестоматия по вниманию). Москва, МДУ наш., 1976.
7. К.Даминов. У.Отавалиева. Х.Иброҳимов. Психологиядан семинар ва лаборатория машғулотлари. Тошкент, 1994 йил
8. Л.П.Хохлова. Талабалар учун психологиядан топшириклар. Тошкент., 1992 йил.

### **Интернет сайtlари**

- 1.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 2.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

## **ЛАБОРАТОРИЯ МАШФУЛОТИ**

### **Топшириқ I.**

Иструкция. Талабаларга қуидагича топширик берилади.

- Ҳозир мен сизларга бир сония ичдиа бир қанча ёзилган сонларни курсатаман. Уида қандай сонлар ёзилганлигани диққат билан кўриб олинг. Мен расмни кўрсатиб бўлгач, мазкур сонларни бирғбирига қушинг ва натижасини ёзинг.

Кейин ичда "бир, икки..." деб санаб, бир сония ичдиа талабаларга ичига рақамлар ёзилган учта турли геометрик фигуналарнинг расми кўрсатилади. Улар қуидагича бўлиши мумкин: квадрат - саккиз, учбурчак - уч, айлана - тўққиз.

Талабалар натижани чиқариб бўлишгач, улардан қайси фигура ичига қандай сон ёзилганлига сўралади.

Кўлга киритилган материаллардан диққат хусусиятларининг (ҳажми ва бўлиниши) намоён бўлиши тўгрисида ва диққатда установканинг роли хақида холоса чиқарилади.

## **Топшириқ II**

1. Синалувчи ҳарфларни алфавит тартибіда айтади ва ҳар бир ҳарфдан сүнг маълум бир сонни ҳам қўшиб айтади. Бунда А. ҳарфига бирни, ундан кейинги ҳарфларга уч сонини қўшиб, яъни а - бир, б - тўрт, в - етти, г - ўн, д - ўр уч ва шу тарзда "ф" ҳарфигача айтилади. Сарфланган вақт доскага ёзиб қўйилади. Мазкур тажрибани яна икки-учта талаба такрорлайди.

2.

а) синалувчи доскага 1 дан 20 гача бўлган сонларни еза бошлайди ва бир вақнинг ўзида бу сонларни овоз чиқариб тескарисига - 20 дан 1 га караб ўқийди ва ҳоказо.

б) синалувчи китобдан бўйор нарсани овоз чиқариб ўқийди ва айни пайтда доскага бошка .бир нарсани (масалан: + - + - + - -ва қ.з.) ёзади.

Қолган талабалар бу ҳар иккала ишнинг қай даражада осон ва баббаравар бажарилишини кузатиб борадилар. Мазкур тажрибани яна 2-3 талаба такрорлайди.

Экспериментатор диққатнинг бўлинишига доир бу тажрибалар яқунини талабалар хамкорлигига умумлаштиради.

## **Топшириқ III**

Диққатнинг барқарорлигини Бурдоннинг коррекцион жадвали ёрдамида аниқлаш.

Инструкция. Тажрибанинг номи эълон қилингач, ҳар бир талабага илгари тайёрлаб қўйилган Бурдон жадвалидан иккитадан тарқатилади. Жадваллардам бириюшг юқори қисми ўнг бурчагага "Синов тажриба", иккинчисининг шу жойига эса "Асосий тажриба" деб ёзилган бўлади.

### **Синов тажриба учун**

### **БУРДОН ЖАДВАЛИ**

#### **АМКЗ**

ГХБКШЗПЮВРБХПАЕТДЖСГРВ  
ХСЮГИКВПДРГМАИТКОБЕМФОИ  
ЮШДЗЖВПЕПЧНВСЖУЛХЮРХБЯЗ  
ШИОСВЧЕХТЕСПМНОРЖХШНАЕЧ  
ЮПЖВЛЮФОПВАКЧМКЧЭШАЖКЯ  
ДХИСВПБЮЖРСПВЮШАТХСГМК  
РАТЮДДРГРЛВРГАМКЕТНЗОУ  
БХФПЛЖШИСЮДЮХВТУЧПИХ  
СФНПДСРКГ

Талабаларга синов тажриба учун тайёрланган жадвал ва қаламнинг кўлга шинниши айтилгач, бажарилиши керак бўлган иш тартиби тушунтирилади:

"Олдингизда ҳарфлар ёзилган қоғоз гурибди. Сизлар бу ҳарфларни диққат билан кўздан кечириб, уларнинг ичидан АМКЗ ҳарфларини топиб, вертикал чизиклар билан ўчириб чиқасизлар. "Бошланглар" дейилгандан сўнг ишга киришасизлар ва "тўхтанглар" деганимизда ишни тўхтатасизлар".

Талабалар томонидан берилган айрим саволларга жавоб қайтарилигач, синов тажриба бошланади. У бир дақиқача давом этади. Кейин асосий гажрибага ўтилади.

1. Инструкция такрорланади. Бунда ҳам юқоридагига ўхшаб АМК!5 ҳарфлари вертикал чизиклар билан ўчирилиши зарурлига таъкидланади.
2. Талабаларга тажрибанинг ҳар бир дақиқаси ўтгач "Чизиқча кўйинг" деган бўйруқ берилади деб огоҳлантирилади. Буйруқ берилган пайтда қайси ҳарфга келган бўлсангиз шу ҳарф устига чизиқча кўйишингиз зарур деб уқтирилади.
3. Асосий тажрибадан синов тажрибадан фарқли ўлароқ 8-10 дақиқа давом этади. Иккинчи, тўртинчи ва олтинчи дақи қаларда қўшимча қўзғовчи ҳам, (масалан қалам билан столга бир маромда уриш орқали ишга солинади. Асосий тажриба тугагач, натижа қўйидагича тартибда ишлаб чиқилади:

1. Асосий тажрибанинг ҳар бир минути бўйича қўйидагича кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилади:
  - а) ўчирилиши лозим бўлган ҳарфларнинг умумий сони;.
  - б) улардан ўчирилмай қолган ёки нотўғри ўчирилган ҳарфларнинг миқдори.
2. Мазкур кўрсаткичларнинг 1,3,5,7, ва 2,4,6,8, минутлар бўйича жами.

Дикқатнинг биринчи, учинчи, бешинчи ва иккинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи барқарорлик даражаси ҳисоблаб чиқилади. Бунинг учун дастлаб тўғри ўчирилган ҳарфлар сони айриб ташланади ва ҳар бир минутда кўздан кечирилган матндаги ўчирилиши керак бўлган ҳарфларга нисбатан тўғри ўчирилган белгилар фоизи (%) ҳисоблаб чиқилади. Натижа (% фоиз ҳисобида) дикқатнинг қўйидаги барқарорлик нормасига асосланиб кўрсатилиши мумкин.

Энг яхши кўрсаткич	-81-100
Яхши кўрсаткич	- 61 - 81
УЎртacha кўрсаткич	- 41 - 61
Паст кўрсаткич	- 21-40

Дикқатнинг барқарорлигини аниқлашда синаувчига қўшимча қўзғовчи орқали таъсир кўрсатилган иккинчи, тўртинчи, олтинчи, саккизинчи минутлардаги кўрсаткич, айниқса, характерли ҳисобланади. (Тажриба "Практикум по психологии" Ленинград, 1970, китобидан олинади).

#### *Топшириқ 4.*

Дикқатнинг кўчиши. Дикқатнинг кўчиш хусусиятини қора-қизил ранглар ёрдамида текшириш.

ЗАРУР МАТЕРИАЛ: Қора қизил жадвал

Қора ранг (Сатрдаги 1дан 25 гача ва қизил ранг сатрдаги 1дан 24 гача) бўлган рақамлар логик эсда олиб қола олинмайдиган қилиб, тасодифий комбинацияларга бўлинган.

Тажрибанинг бориши: Синалувчига дастлаб (1-серия) сонлар миқдори ортиб борувчи қора тус сатрдаги 1 дан 25 гача бўлган рақамларни кўрсатиш таклиф қилинади. Бунга қанча вақт кетганлиги секундомер ёрдамида аниқланади ва синалувчининг берган жавоби баённомага ёзиб борилади. Кейин (2-серия) синалувчи сонлар миқдори камайиб борувчи қизил ранг сатрдаги 1 дан 24 гача бўлган рақамларни ўқииди. Ва, ниҳоят, синалувчига (3-серия) қора тус сатрда сонлар миқдорининг ортиб, қизил ранг сатрда эса камайиб боришини навбатма-навбат кўрсатиш таклиф қилинади. Баённома ёзиб борувчи иш характеристери ва унга кетган вақтни ҳамда йўл қўйилган баъзи хатоларни ҳисобга олиб боради.

Топшириқ натижаларини ишлаб чиқиши. Баённома ёзиб борувчининг ёзуви асосида учала серия топшириқни бажаришга кетган вақт ва йўл қўйилган хатолар қуидаги жадвалга ёзилади.

Кўрсаткичлар	I -серия	2-серия	Биринчи - иккинчи серия	3-серия
Вақт				
Хатолар				

3-серияда, гарчи 1 ва 2-сериядаги фашшят турлари айнан бажарилган бўлса-да, бунда сарфланган вақт дастлабки вақт миқдорига teng эмас. Ҳар икки вақт миқдори орасадаги фарқ синалувчи диққатининг бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши учун кетган вақтни кўрсатади.

#### **МАВЗУ БЎЙИЧА ТЕСТ НАМУНАЛАРИ:**

1. Диққатнинг таърифи: -
  - а) нарса ва ҳодисаларни яхлит акс эттириш;
  - б) нарса ва ҳодисаларни умумлаштириб акс эттириш;
  - в) ҳар кандай фаолиятнинг зарурий шарти;
  - г) психик фаолиятнинг муайян объект устига йўналиши ва тўпланиши.
  
2. Диққат турлари - бу:
  - а) диққатанинг қўчиб туриши;
  - б) ихтиёрий, ихтиёrsиз ва ихтиёрийдан кейинги;
  - в) тилақ, истак, орзу, идеал;
  - г) барыарор, бекарор, кучли ва кучсиз.
  
3. Диққат хусусиятлари - бу:
  - а) ихтиёрий, ихтиёrsиз;

- б) ташқи ва ички;
  - в) сезгарлик, сенсибилизация, синестезия;
  - г) күчиб туриши, бўлиниши, кўлами, кучи, барқарорлиги.
4. Барқарор диққатни аникланп -
- а) диққатнинг бир нарсадан иккинчисига ўтиши;
  - б) бир вақтда диккатнинг бир неча объектларга бўлиниши;
  - в) диққат обьектига кўп нарсаларни кирита олиши;
  - г) узоқ муддатгача диққатни муайян обьектта қаратиб туроши.
5. Диққатнинг нерв-физиологик асосини таҳлил қилинг:
- а) анализаторлар комплекси;
  - б) муваққат боғланишлар тизими;
  - в) оптимал кўзғалиш ўчоги;
  - г) шартли рефлекслар.
6. Ташқи диккат нима? -
- а) онгимизнинг бир обьект устига йўналиши;
  - б) манбаи бизнинг онгимиздан ташқарада бўлган диққат;
  - в) манбаи бизнинг тасаввурларимиз, фикрларимизда бўлган диққат;
  - г) фикрларнинг ташки обьектларга булинишидаги диққат.

### **СЕЗГИ ВА ИДРОК Мавзунинг асосий масалалари .**

1. Сезги ва унинг инсон фаолиятидаги ахамияти.
2. Сезгилар таснифи.
3. Сезгилар психофшиологияси.
4. Сезги хусусиятлари ва конуниятлари.
5. Идрок ва унинг образларини предметлиги, яккол мазмуни, тузилиши, константлиги.
6. Фазо, вақт ва ҳаракатни идрок қилиш.
7. Идрокнинг индивидуал хусусиятлари.
8. Иллюзия ва галлюцинация.
- 9.

### **МАВЗУ БЎЙИЧА АСОСИЙ ПСИХОЛОГИК ТУШУНЧАЛАР**

**АДАПТАЦИЯ-** мослаимоқ - сезги аъзоларининг қўзгатувчилар таъсирига мослашуви.

**АНАЛИЗАТОР - НЕРВ-ФИЗИОЛОГИК АППАРАТ** - бирон нарса ва ҳодисанинг таъсирини бевосита акс эттириш. У уч кисмдан иборат: 1) рецепторлар; 2) ўтказувчи йўл; 3) марказ.

**ИНТЕРОРЕЦЕПТОР** - (лот. interior - ички, гесіреге - кабул қилмоқ) - интерорецепторлар; ички аъзоларда жойлашган рецепторлар.

**КОМПЕНСАТОРЛИК-** (лот. тенглаштироқ, ўрнини қопламок). Бир сезги аъзосининг вазифаларини иккинчи сезга аъзоси ўз зиммасига олиши. Бирор

психик функция ишдан чиқса, унинг ўрнини бошка функция тўлдириши ҳолати.

**ПРОПРИОРЕЦЕПТОР-** (лот. proprius - ўз-ўзини, гесертор - қабул қилувчи). Мускул, пай ва бонламларда жойлашган сезгилар. Проприорецептор ёрдамида хосил қилинган сезгиларни ҳаракат сезгилари ёки кинестезик сезгилар, мувозанат сезгилари деб юритилади.

**РЕЦЕПТОР** - ташқи таъсирларни қабул қилувчи нерв толалари. Нарса ва ҳодисаларнинг организмга бўлган таассуротларини бевосита қабул қилиб оловчни нервлар.

**СЕЗГИ-** атрофимиздаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсир этиши натижасида уларнинг айрим белги ва хусусиятларини онгимизда акс этиши жараёни.

**СЕЗГИРЛИК-** организмнинг қўзровчилар таъсирини сеза билиш қобилияти.

**СЕНСИБИЛИЗЛИЧИЯ** - (лот. sensibilis - сезувчи). Бирон қўзғатувчининг таъсир этиши натижасида сезги аъзолари сезгирлиганинг ортиши.

**СИНЕСТЕЗИЯ** - (юнон. sineisthes - биргаликда сезиш). Бир анализаторнинг қўзғалиши таъсири остида бошқа анализаторга хос сезгининг хосил бўлиши. Икки сезгининг бир сезги бўлиб қўриниши.

**ЭКСТЕРОРЕЦЕПТОР** - организмнинг сиртида жойлашган сезгилар. Бунга қўриш, эшитиш, ҳид билиш, таъм билиш, туйиш сезгилари киради.

**ПСИХОФИЗИОЛОГИЯ** - аниқ физиологик усуллардан фойдаланиб, психология билан физиология ўртасидаги муаммоларни ўрганувчи соҳа, Психофизиологиянинг маълумотлари психик ҳодисаларнинг моддий асосини очишга ёрдам беради.

**АППЕРЦЕПЦИЯ**- идрок жараёнининг шахсни аввалги билими ва тажрибаларига, қизиқиши, эҳтиёжи, одатига боғлиқлигини, яъни психик ҳаётининг барча мазмуни билан белгиланиши.

**АУДИОВИЗУАЛ ИДРОК**- бир вақтнинг ўзида қўриб, эшитиб идрок қилиш жараёни.

**БАДАН БИЛАН СЕЗИШ** - объектив оламдаги нарсаларни, уларнинг баъзи белгиларини тери ҳамда мускул ҳаракат сезгиларининг мураккаб йиғиндиси орқали акс эттиришдан иборат идрок тури.

**ГАЛЛЮЦИНАЦИЯ** - алахсираш, босинқираш, валдираш. Галлюцинация реал вокеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг анализаторларга бевосита таъсирисиз онгимизда турли образларнинг хаёлий равишда пайдо бўлишидан иборат психопатологик ҳодиса.

**ИДРОК** - сезги органларига бевосита таъсир этаётган нарса ва ҳодисаларни яхлитлигича акс эттириш жараёни.

**ИДРОКНИНГ ТАНЛАБ ОЛИШ ХАРАКТЕРИ** - шахснинг тажрибаси ски йўналишини аниклашдаги идрок сифати.

**ИДРОКДАГИ ИЛЛЮЗИЯ** - (лот. illusio - хато, адашиш, янглишиш). Идрок жараенида адашиш, яъни сезги органларимизга таъсир этиб турган

нарса ва ҳодисаларни нотўғри ёки бузиб идрок қилишдан иборат психик ҳодиса.

**ИДРОКНИНГ ПРЕДМЕТЛИЛИГИ** - идрокнинг предметлиги идрок хусусия гидир. У ташки оламдан олинган маълумотларни шу оламнинг ўзига қаратишда ифодаланади.

**ИДРОКНИНГ ЯХЛИТЛИГИ**- идрок жараёнида барча психик жараенлар, психик ҳолатлар ва психик хусусиятларнинг иштирок этишидан иборат қонуният. Идрокнинг яхлитлига инсоннинг предмет фаолияти жараёнида шаклланади.

**КОНСТАНТЛИК** - (лот. konstans - доимий, ўзгармас). Идрок қилаётган нарсанинг физик ҳолати ўзгарса ҳам, кўз тўр пардасидаги образларнинг ўзгараслигини ёки нисбий турғунлигини кўрсатувчи қонун.

**КУЗАТУВЧАНЛИК**- шахснинг кузата билиш қобилиятидан иборат индивидуал хислати. Кузатувчан одам (кузатаётган) нарса ва ҳодисаларининг кам сезиладиган томоиларини ҳам зийраклик билан тез фахмлаб олади.


**ПЕРЦЕПТИВ ИДРОК**- объектив воқеликни сезги аъзоларимиз орқали бевосита акс эттириш, апперцепцияга нисбатан "соф идрок". "Идрок" ва "Апперцепция"га қаралсин.

**ПЕРЦЕПТИВСИСТЕМА** (тизим) - идрок босқичини таъминловчи анализаторлар йигиндиси.

**СЕНСОРИКА**- сезги ва идрокни умумлаштирувчи тушунча.

## 1-илова





**Мавзу бўйича семинар машғулоти мавзуси ва режалари:**

1. Сезги ва идрок хақида тушунча.
2. Сезги ва идрокнинг физиологик механизмлари.
3. Сезгилар таснифи ва сезги турлари.
4. Сезгининг асосий хусусиятлари ва қонуниятлари.
5. Идрок ва унинг хусусиятлари.
6. Фазо, вақт ва ҳаракатни идрок қилиш.

**Фойдаланиладиган адабиётлар:**

1. Умумий психология. Педагогика олий билимгоҳларининг талабалари учун дарслик. А.В.Петровский таҳририда, Тошкент, 1992.  
Р.С.Немов. "Психология". Москва, 1990.
- Б.Г.Ананьев. "Теория ощущений". Л. ЛДУ нашриёти, 1981.
- А.РЛурия. "Ощущение и восприятие". Москва МДУ наш. 1978.
- Хрестоматия по ощущению и восприятию. Москва. МДУ, 1975.
6. К. Даминов, У.Отавалиева, Х.Иброҳимов. "Психологиядан семинар ва лаборатория машғулотлари". Тошкент, 1994.
7. А.П.Хохлова. Талабалар учун психологиядан топшириклар. Тошкент, 1992.

**Интернет сайлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТИ**

**Топшириқ 1.**

Тери (бадан) билан ҳамда ушлаб кўриб сезишга тавсифнома бериш.

Топширик қуидаги тартибда бажарилади. Синалувчиларга бир қўлини экспериментатор томонга узатиб, юзини ўгириб туриш таклиф қилинади. Шундан кейин:

- а) синалувчининг панжалари орқасига;
- б) синалувчининг панжалари ёстикчаларига;
- в) синалувчининг кафти орқасига

калит, ўчиргич каби буюилар куйилади. Бундай иш бажарилаётган вақтда хар доим синалувчиларга бир хил: "Бу буюм хақида нималар айта оласиз?" деган саволлар берилади. Бугомнинг қаерга қўиилгани ва синалувчиларнинг жавобларини тажрибада иштирок этаётган барча талабалар хар гал ўз дафтарларига ёзиб борадилар. Сўнгра, талабага ўтказилган тажрибалар асосида синалувчиларда хосил бўлган алоҳида-алоҳида ва бир-биридан ажратилган ҳолдаги ("қандайдир енгил", "юмшоқ", "совук темир" каби) сезгилар асосида нарсанинг ўзини билиш кийин эканлигини таҳлил қилиб, тушунтирилади.

Синалувчиларга предметни панжалари билан пайпаслаб кўриш таклиф этилади. Бунда синалувчиларга юкоридаги уч тажрибада берилган саволшардан фойдаланиш ҳам мумкин. Синалувчиларнинг аксарияти вазифани бажаришда аниқ жавоблар айтадилар. Ҳар бир буюм комплекс қитиковчи бўлиб хисобланади. Уни идрок килинаётганда фақат тери сезгилари иштирок этиб қолмай, кинестетик анализаторлар ҳам қатнашадилар.

## **Топширик 2.**

### **Сезги чегараларини аниклаш.**

АСБОБ ВА МАТЕРИАЛЛАР. Сургичли ва кўз билан ўлчаш чизғичи (Петров чизғичи... расм), баённома.

### **Баённома**

Тажриба кўрсаткичлари	Тажрибалар	
	1	2
Берилган		
Синалувчининг		
Кўрсаткичи		
Хатолари		
Ўртача хато		
Фарқ чегараси		

Ишнинг бажарилиш усули. Синалувчи кўз билан ўлчаш чизғичи рўпарасига 2-5 метр масофага ўтказилади. Кўз билан ўлчаш чизғичининг шкаласи экспериментатор томонга каратилган бўлади.

*Ишнинг бориши.* Экспериментатор бир томондаги сургачни ўртадаги белгидан маълум бир масофага суриб қўяди, иккинчи томондашсини эса, анча узоқроқقا суриб қўяди. Сўнгра синалувчидан сургични ўртадаги белгига нисбатан "кўз билан чамалаб" тенглаштириш таклиф қўшнади. Шундан кейин экспериментатор сургични аста-секин иккинчи томондагига тенглаштириш учун сура бошлайди. Синалувчига ҳар икки сургич орасидаги масофа тенглашгандек булиб кўрингач, ишни тўхтатиш уқтирилади. Ишнинг натижаси баённоманинг "синалувчининг кўрсаткичи" графасига синалувчи томонидан ёзиб кўйилади.

Тажриба тамом бўлгач, экспериментатор тажрибада синаш учун белгилаб олинган масофанинг узунлигини эълон қиласи. Бу рақамлар баённоманинг "берилган" деб ёзилган графасига қайд этилади. *Тажрибанинг якуни.* Бунда синалувчи сезгирилик чегарасининг фарклари ҳамма маълумотлар тўшшинган умумий баённомага ёзиб кўйилади ва синалувчига оралиқларни канчалик аниқлай олганлиги ва унинг бу соҳадаги сезгирилиги канчалик ривожланганлиги айтиб берилади. Бундай экспериментни якка тартибда ва жамоа бўлиб ўтказиш мумкин.

Ҳамма маълумотлар тўпланади.

Синалувчи	Фарқ чегараси
1.	
2.	
3.	
4.	

## II. МАВЗУ: «ИДРОК» Топширик 1.

*Идрокнинг хусусияти.* Тажрибани ўтказиш учун 5-6 буюм (ўчирғич, бўр, пахта, ҳалқа, отвёрка, кнопка) зарур бўлади. Тажрибада истаган талаба қатнашиши мумкин. Бошқа талаба эса ("котиба") синалувчининг берган маълумотларини қуидаги жадвалга ёзиб боради.

№	Буюм	Синалувчининг жавоби		
		1-босқич	2-босқич	3-босқич

1.				
2.				
3.				

Синалувчи аудиторияга ўгирилиб туриб кўзини юмади. Кўлларини астга каратиб олдинга узатади ва юзини ён томонга буради.

Тажрибанинг 1-босқичи: ўқитувчи буюмларни аудиторияда ўтирганларнинг ҳаммасига (синалувчидан ташқари) кўрсатади. Сўнгра эксперимент учун танлаб олинган буюмлар синалувчининг кафти орқасига кетма-кет қўйилиб, хар гал иима қўйилгани тўғрисида сўраб борилади.

Тажрибанинг 2-босқичи хам тажрибанинг биринчи босқичидагидек давом эттирилади, аммо буюомлар кафт устига қўйилади. (Бунда экспериментатор синалувчининг қўл билан бирон ҳаракат қилишига йўл кўймайи.).

Тажрибанинг 2-босқичи хам тажрибанинг биринчисидагидек бажарилади, энди талаба буюмни пайпаслаб (силаб) қўришига ижозат берилади. Тажрибанинг бу босқичини амалга оширишдан олдин котибаталаба ишга киришади - синалувчининг биринчи ва иккинчи тажриба босқичларидаги берган жавобларини ўқиб беради.

Тажрибалар натижалари асосида қўйидагича хулоса чиқарилади.

1. Бизнинг сезувчи аъзоларимизга нарсаларнинг таъсири натижасида сезги ва идрок хосил бўлади.
2. Сезгиларда нарсаларнинг жиҳатлари ва сифатлари акс этади.
3. Идрок - борлиқни бизнинг онгимизда бир бутун буюм шаклида акс этишидан иборатдир.
4. Идрокни сезгилар йиғиндиси деб бўлмайди. Идрокда нарсаларнинг сифаглари орасидаги фарқлар, у билан муомала, шахснинг ўтмиш тажрибаси ҳамда нарсаларнинг контури катта роль ўйнайди.

## Топшириқ 2.

Нарса контурининг тактиль ва қўриш идроклари учун аҳамияти. Тажрибани ўтказиш учун қўйидагилар керак бўлади:

- a) темир ёки қаттиқ картондан ўткир ва ўтмас қиррали қилиб ясалган бир неча трафарет (... расмга қаранг);
- b) мазкур трафаретларнинг қалин қоғозга туширилган расмлари.

Тажриба 4-5 талаба иштирокида ўтказилади. Ҳар бир талаба билан ўтказиладиган тажриба икки босқичдан иборат бўлади.

Тажрибанинг 1-босқичи: синалувчи қоғоз ва қалам қўйиб қўйилган стол ёнига ўтиради. Кўлларини стоп тагига узатади. Унинг кўлига тайёрланган трафарет берилади (у трафаретга карамаслиги керак). У трафаретни аста пайпаслаб (силаб) кўради, холос. Синовчи синалувчининг

қўлидан трафаретни қайтиб олади ва олдида турган қоғозга унинг шаклини чизишини айтади. Расм чизиб бўлингач, уни олиб куйилади.

Тажрибанинг 2-босқичи. Синалувчига тажрибанинг биринчи босқичида чиздирилган расм - трафарет кўрсатилади. Бир минутдан сўнг расмни олиб қўйиб, тоза қоғозга кўрсатилган фигуранинг расмини чизиб бериш таклиф қилинади. Тажрибанинг бориши қўйидаги баённомага қайд этиб борилади.

Акс этиш Хусу- сияти	Тактиль-мотор сезгиларида акс этиши		Кўриш сезгиларида акс этиши	
	Расмнинг хусусияти	Синалувчи хатти- харакатининг хусусияти	Расмнинг хусусияти	Синалувчи хатти- харакатининг хусусияти
1.				
2.				

Тажриба натижаси тахлил қилиниб, хулосалар чиқарилади.

- Нарсаларнинг тактиль-мотор ва кўриб идрок қилишдаги асосий вазифани улар контурларинингтўғри акс этиши ўйнайди.
- Шу нарсаларни тактиль-мотор идрок қилишда синалувчининг хатти-харакат ва қиликлари хам муҳим ўрин тутади.
- Кўриш ва тери орқали билиш идроклари давомида синалувчиларнинг индивидуал хусусиятлари кўриниб колади.

#### **Мавзу бўйича тест намуналари**

- Сезги-бу:
  - нарсаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини яхлит акс эттириш;
  - нарса ва ҳодисаларнинг айрим белги ва хусусиятларини, ички аъзоларда руи берадиган айрим ўзгаришларини акс эттириш;
  - дунёни умумлаштириб акс эттирпш;
  - сезиш жараёнида туғиладиган хуш ва нохуш туйғуларни акс эттириш.
- Сезги қандай жараён: -
  - мураккаб;
  - конкрет (яққол);
  - абстракт;
  - сада.

3. Сезгилар таснифини аникланг.
  - а) фазо, ҳаракат ва вакт;
  - б) кўриш, эшитиш, ҳид ва маза билиш;
  - в) экстерорецептор, проприорецептор, интерорецептор;
  - г) мускул - ҳаракат ва статик сезгилар.
4. Сезпиларнинг асосий хусусиятлари - бу:
  - а) сифати, тезлиги, давомийлиги, жойлашган ўрни;
  - в) фазо, вақт ва ҳаракат;
  - г) объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг бош мия пўстида акс этиши.
5. Анализатор - бу:
  - а) сезги аъзоларининг бир тури;
  - б) сезги ҳосил бўлишда зарур бўлган анатом-физиологик аппарат;
  - в) афферент нерв, рецептор;
  - г) бош мия пўстидаги махеус марказ.
6. Адаптация - бу:
  - а) қўзговчи таъсири остида сезгиларнинг ўзгариши;
  - б) аъзоларнинг мухитга мосланиши;
  - в) кучли қўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг заифлашиши;
  - г) сезги аъзоларининг қузговчилар таъсирига мослашиши.
7. Идрок таърифини аникланг: -
  - а) нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини яхлит акс эттириш;
  - б) бутун организмдаги сезгилар йиғиндиси;
  - в) анализаторларга таъсир этган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг белги ва хусусиятларини мияда яхлит бир бутунлигича акс эттириш;
  - г) воқеликни илгари эгаллаган тажриба ва малакала<sup>^</sup>р асосида акс эттириш.
8. Идрокнинг мураккаб турларига нималар киради?
  - а) вақт, фазо ва ҳаракатни идрок қилиш;
  - б) куриш, эшитиш, ҳид билиш идроки;
  - в) оғриқни, мувозанат ўзгаришини сезиш;
  - г) тери-ҳаракатни идрок қилиш.
9. Идрокнинг мазмунига кўра турларини аникланп -
  - а) кўриш, эшитиш, ҳид билиш;
  - б) апперцепция, иллюзия, галлюцинация;
  - в) вақт, ҳаракат ва фазони идрок қилиш;
  - г) ихтиёрий ва ихтиёrsиз идрок.
10. Иллюзия бу: -
  - а) қўзғовчилар таъсирига мослашиш;
  - б) ўзига таъсир этиб турган оламни нотўгри идрок қилнш;
  - в) нарсалар образининг нисбатан тургунлиги;
  - г) предметли яққол образларни яратиш.

## **ХОТИРА**

### **Мавзунинг асосий масалалари.**

1. Хотира ва унинг назариялари.
2. Хотира жараёнлари: эсда олиб қолиш, эсда сақлаш ва унутиш, эсга тушириш.
3. Хотиранинг индивидуал психологик фарклари.
4. Хотира, шахс ва фаолият.
5. Хотирани ўстириш шартлари.
6. Хотира ва тафаккур хақида П.П.Блонский таълимоти.

### **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар.**

**АМНЕЗИЯ**- (юонча a - инкор юкламаси, mneia - хотира) - хотира фаолиятининг қисман бузилиши ёки тўлиқ йўқотилишидан иборат психопатологик нуқсон: Амнезия ҳолатцда киши баъзан ўз исми ва фамилиясини унутиб кўйиши ҳам мумкин. Амнезия ҳолати турли касалликлар (мас: менингит) ёки бош мия кобигининг заарланиши натижасида содир бўлади.

**ВАҚТ ЎТКАЗИБ ЭСГА ТУШИРИШ** - идрок қилинган нарса ва ходисаларни орадан бир қанча муҳлат ўтказиб, онгимизда руҳий таассуротлар алмашгандан кейин, эсга туширнишдан иборат хотира жараёни. Вақт ўтказиб эсга тушериш - хотиранинг мазмунини ташкил қилади.

**ИХТИЁРСИЗ ЭСДА ҚОЛДИРИШ** - идрок қилинган нарса ва ходисаларни, уларнинг айрим белги ва хусусиятларини, улар хақидага фикр ва тушунчаларни олдиндан аниқ мақсад қўймаган ҳолда эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

**ХОТИРА ТАСАВВУРИ** - аввал идрок қилинган, турмуш тажрибамизда учраган нарса ва ходисаларнинг образларини қайта тиклашдан иборат тасаввур тури.

**КУРУВ ХОТИРАСИ**- кўрув аъзоси ёрдамида идрок қилинган нарса ва ходисаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда эсга тушеришдан иборат хотира тури.

**МАНТИКИИ ЭСДА ҚОЛДИРИШ**- материалларнинг маъносига тушуниб, унинг алоҳида қисмлари ўртасида мантикий боғланишлар ҳосил қилган ҳолда эсда қолдириш. Мантикий эсда қолдириш - эсда қолдиришнинг энг тежамли ва маҳсулдор туридир.

**МАЪНОСИГА ТУШУНИБ ЭСДА ҚОЛДИРИШ** - идрок қилинган материалнинг мазмунини тушуниб, унинг аҳамиятини ва айрим қисмлари ўртасидаги сабаб ҳамда оқибат боғланишларини анлаган ҳоида эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

**МЕХАНИК ХОТИРА** — муайян материални унинг мазмуни, моҳияти, ички мантикий боғланишларини тушунмаган ҳолда фақат муҳим бўлмаган ташқи белгиларига асосланиб эсда қоллириш, мустаҳкамлаш ва эсга тушеришдан иборат хотира тури.

**МУСТАҲКАМЛАШ**- эсда қолдирилган муайян материални турли усуллар билан онгимизда янада мустаҳкамлашдан иборат хотира жараёни.

**МУСИҚА ХОТИРАСИ**- аввал идрок қилинган мусиқа - эшитиш образларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва кейинчалик қайта эсга туширишдан иборат хотира тури.

**ОБРАЗЛИ ХОТИРА** - яққол мазмунни, яъни нарса ва ҳодисаларнинг яққол образларини, уларнинг, яққол хусусият ва боғланишларини эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ҳамда эсга туширишдан иборат хотира тури. Образли хотира анализаторларнинг номига кўра кўрув, эшитув, тери, туюш каби турларга бўлинади. Образли хотиранинг алоҳида бир тури Эйдетизмдир (нарса ва ҳодисаларнинг образини аниқ, ёрқин эсга туширишдир).

**ОПЕРАТИВ ХОТИРА**- одамнинг шу пайтдаги иш-ҳаракатлари учун хизмат қилувчи хотира жараёни. У инсон бажараётган ҳар бир яққол ҳаракатлардан эришиладиган натижанинг шарт-шароитидан бири сифатида намосн бўлади.

**ПРОФЕССИОНАЛ ХОТИРА** (касбий хотира) - бевосита ўз касбига доир нарса ва ҳодисаларни, фикр, ҳиссиёт, ҳаракатларни эсда қолдириш,,мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат хотира тури.

**СЎЗ-МАНТИҚ ХОТИРАСИ**- муайян фикрларни, фикрлар ва сўзлар ўртасидаги мантиқий боғланишларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш ва эсга туширишдан иборат, фақат инсонларга хос бўлган хотира тури. Сўз-мантиқ хотираси кўпроқ тафаккур, айниқса, мавхум тафаккур билан боғлиқ.

**ТАНИШ**- аввал эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни такрор идрок килиш орқали эсга туширишдан иборат хотира жараёни. Танишнинг аниклиги ва тезлиги, тўлиқ ва тўликсизлиги эсда қолдиришнинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

**ТЎЛИҚ УНУТИШ** - эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни зарур пайтда мутлақо эсга тушира олмасликдан иборат хотира жараёни.

**ТЎЛИҚ ЭСЛАШ**- аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг белги ва сифатларини ҳатто идрок қилинган шароитни қўшиб эсга туширишдан иборат хотира жараёни.

**УЗОҚ ВАҚТ УНУТИШ** - аввал идрок қилинган ёки эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни нисбатан узоқ вакт эсга тушира олмасликдан иборат хотира жараёни.

**УНУТИШ**- аввал идрок қилинган ёки эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни зарур пайтда эсга тушира олмасликдан иборат хотира жараёни. Аввал идрок килган нарса ва ҳадисаларни чала-чулпа эслаш, эсга тушириш жараёни.

**УНУТУВЧАНЛИК**- идрок қилинган ёки эсда қолдирилган нарса ва ҳодисаларни ўз вақтида эсга тушира шшасликдан иборат хотира нуқсони. У баъзи психологик сабаблар ёки дикқатни муайян объектга тўплай олмаслик натижасида содир бўлиши мумкин.

**УНУТИШ ТЕЗЛИГИ** - шахснинг муайян материални эсда қолдириш билан эсга тушириш ўртасида ўтган вақт бирлиги билан белгиланадиган

индивидуал хотира хусусияти. Унтиш тезлиги материалнинг амалда такрорланишига, шахснинг касби, қизиқиши ёки индивидуал хусусиятига боғлиқ.

**ҚИСМАН УНУТИШ**- зарур пайтда аввал идрок қилинган ёки эсда қолдирилган материалларнинг ҳаммасини эмас, балки айрим бўлакларинигина эсга тушира олмасликдан иборат хотира жараёни.

**ФЕНОМЕНАЛ ХОТИРА**- идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, уларнинг боғланиши, муносабатларни фавқулотда тез ҳамда аниқ эсда қолдириш ва эсга туширишдан иборат нодир хотира қобилияти.

**ҲАРАКАТ ХОТИРАСИ**- хар турли ҳаракатларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш зарур пайтларда эсга туширишдан иборат хотира тури.

**ХОТИРА** - идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни ёки инсон тажрибасвда бор бўлган нарсаларни эсда қолдириш, мусгаҳкамлаш ҳамда зарур вақтда эсга туширишдан иборат психик жараён. Хотиранинг нерв-физиологик асослари бош мия ярим шарлари қобигида муваккатараб боғланишларининг ҳосил бўлиши, мустаҳкамланиши ва кейинчалик фаоллашувидир.

**ХОТИРАНИНГ МАЗМУНИ**- вақт ўғказиб эсда қолдирилган нарса ва ҳодисалар, хис-туйгулар ҳамда ҳаракатлар йиғиндисидан иборат хотира хусусияти.

**ХОТИРАНИНГ ҲАЖМИ** - хотиранинг ҳажми материалларни идрок килгандан кейинроқ, орадан вақт ўтказмасдан, уни эсга тушириш билан белгиланади.

**ИХТИЁРИЙ ЭСДА ҚОЛДИРИШ** - идрок материалларни мақсадга мувофиқ унинг муҳимлигани анлаган ҳолда иродавий ва асабий куч сарфлаб эсда қолдиришдан иборат хотира жараёни.


**ЭСЛАШ**- аввал идрок қилинган нарса ва ҳодисаларни, ҳолатларни бевосита такрор идрок қилмаган ҳолда эсга туширишдан иборат хотира жараёни. Эслаш - эсга туширилган материалларнинг ҳажмига қараб тўлиқ ва тўлиқсиз бўлиши мумкин.


**ЭСДА ОЛИБ ҚОЛИШ**- идрок қилинган материалларни, нарса ва ҳодисаларни онгимизда қолдиришдан иборат хотира жараёни.

**ЭСДА ҚОЛДИРИШ ТЕЗЛИГИ**- шахснинг муайян материални идрок қилиш билан эсда қолдириш ўртасидаги вақт бирлиги билан белгиланадиган, индивидуал хотира хусусияти. Эсда қолдириш тезлиги шахснинг қизиқишига, қобилияти ва истеъдодига, билим даражасига, ёшига ва бошқа индивидуал хусусиятига боғлиқ. Эсда қолдириш тезлиги - хотиранинг сифат кўрсаткичи. Маълум бир материал қанчалик тез эсда қолдирилса, хотира шунча сифатли ҳисобланади.

**ЭМОЦИОНАЛ ХОТИРА**- воқеликдаги нарса ва ҳодисалардан, ўз-ўзимизга булган мунбасабатимиздан келиб чиқадиган ёқимли ва ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш.

## 1-илова





**Мавзу бўйича семинар машғулоти мавзуси ва режалари:  
“Хотира ва унинг таълим жараёнида ривожланиши”.**

**Режа:**

1. Хотира ва унинг жараёнлари ҳақида умумий тушунча.
2. Хотиранинг таълим жараёнидаги аҳамияти.
3. Хотиранинг таълим жараёнида ривожланиши ва уни ривожлантириш йўллари.

**(Мунозора учун мавзу: "Сиз хотирангизни қандай тарбиялайсиз?")**

**Адабиётлар.**

1. Ёш психологияси ва педагогик психология. Давлетшин М.Т. таҳририда. Тошкент, 1974.
2. Ёш психологияси ва педагогик психология. Петротский А.Л. таҳририда М. 1979.
3. А.В. Крутецкий. Педагогак психология асослари. Тошкент, 1976. 4
4. А.В. Крутецкий, Ўкувчиларнинг таълим-тарбия психологияси. М, 1976. 51
5. Э.Фозиев. Хотира психологияси. "Ўқитувчи". Т., 1995. 6
- К. Турғунов. Психология терминларининг ўзбекча-русча изоҳли луғат Тошкент. 1974.

**Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**Лаборатория машгулоти.**

**1-ТАЖРИБА**

**ЭСДА САҚЛАШНИНГ ТЕКШИРУВЧИ УСТАНОВКАСИГА БОҒЛИҚЛИГИ**

**Серия “А”**

- |         |          |
|---------|----------|
| 1. тенг | 6. дўст  |
| олма    | айик     |
| 2. соат | 7. миср  |
| коса    | дарё     |
| 3. метр | 8. хона  |
| тоға    | нота     |
| 4. лола | 9. мода  |
| бода    | қора     |
| 5. эшик | 10. зона |
| қуён    | дона     |

**Серия “Б”**

- |         |          |
|---------|----------|
| 1. киши | 6. ранг  |
| дада    | бўёқ     |
| 2. қора | 7. олим  |
| экин    | бехи     |
| 3. Олма | 8. укки  |
| Миср    | кеча     |
| 4. Барг | 9. ҳаво  |
| атр     | машқ     |
| 5. тепа | 10. олис |
| ғўза    | ўрок     |

**Инструкция:** Биринчи қатор сўзларни ўқийман (Серия "А"). Эсда қолдирган сўзларни тартибига қарамай ёзинг.

Текшириш: Педагог ўқийди. Талабалар түғри эсга туширганларини белгилайдилар.

Инструкция. Иккинчи қатор сўзларини ўқиман (Серия “Б”) “О” ҳарфи билан бошланадиган сўзлардан эсингизда қолганини ёзинг. Охирида эсингизга тушган бошқа сўзларни ҳам ёзинг.

Текшириш: ким қанча сўзни түғри ёзади.

Сўраш: Серия “А” дан ким қанча сўз, серия “Б” дан “О” ҳарфи билан бошланадиган сўздан бошқа қанча сўз эсланди?

Ҳисоблаш: Иккала бўйича ҳам түғри ёзилган сўзларнинг ўртача арифметик ҳисобни аниқлаш.

## 2-ТАЖРИБА

### **Ихтиёрсиз эсга тушириш ва узоқ муддатга эсда саклаш**

*Инструкция:* 2 жуфт гап ўқилади.

*I жуфт:* Менинг укам мактабда ўқийди.

Мен мактабда ўқишни ҳоҳлайман.

*II жуфт:* У менга оғайни эмас, шунчаки таниш.

Таниш бўлмаганда ўзим билардим.

*Вазифа:* Энди худди шу қоида асосида икки жуфт жумла тузинг. (Гапиринг, эшииттириб ёзиш мумкин эмас).

*Текшириш:* Кефинги дарсда. Мен ўқиб берган жумлаларни ёзинг. Қанча сўз эслаб қолибсиз? Ўзингиз тузган жумладан-чи?

*Хулоса:* Материални узоқ муддатга эсда қолдириш учун унинг мазмунини тушуниб олиш зарурдир.

## 3-ТАЖРИБА

### **Маъносига тушуниб идрок қилишнинг хотирадаги роли.**

*Инструкция:* Олдингизга дафтар очиб, унга 1-дан 15 гача номер қўйинг. Мен жуфт сўзлар ўқийман. Эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Кейин мен биринчи қатор сўзларни ўқийман. Сиз унинг ёнидаги сўзни эслаб ёзинг.

Серия “А” (Бир-бирига боғланган сўзлар)

- |                       |                      |
|-----------------------|----------------------|
| 1. Қўғирчоқ – ўйнаш   | 9. хўрор - қичқириш  |
| 2. товук – тухум      | 10. сиёҳ – дафтар    |
| 3. пичноқ – кесиши    | 11. сигир - сут      |
| 4. от – арава         | 12. паравоз - юриш   |
| 5. китоб – ўқитувчи   | 13. олма - шарбат    |
| 6. капалак – пашша    | 14. лампа – кечқурун |
| 7. чўтка - тиш        | 15. қор - қиши       |
| 8. барабан - мусиқачи |                      |

**Серия “Б”(Бир-бирига боғланмаган сўзлар)**

- |                      |                      |
|----------------------|----------------------|
| 1. қўнғиз – кресло   | 9. ботинка - самовар |
| 2. таршер – пиёла    | 10. графин - туфли   |
| 3. компас – клей     | 11. гугурт - чорва   |
| 4. шиқилдоқ – отишма | 12. тарелка - дарё   |
| 5. сандық - болға    | 13. дўппи - асалари  |
| 6. дафтар – трамвай  | 14. балиқ - аланга   |
| 7. сукунат – диван   | 15. appa - қуймок    |
| 8. хаскаш - шамол    |                      |

*Тажриба натижаси қуийдаги жадвал асосида таҳлил қилинади*

<i>Бир-бирига боғланган сўзлар</i>		<i>Бир-бирига боғланмаган сўзлар</i>	
<i>I-қатор сўзлар</i>	<i>II-қатор сўзлар</i>	<i>I-қатор сўзлар</i>	<i>II-қатор сўзлар</i>

*Текшириши:* учун “Б” сериядаги сўзлар яхши эсланмади? Сиз иккинчи сериядаги сўзларни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилдингизми?

*Инструкция:* Экспериментатор 15 қатор I-II нчи қаторини 5 сек. Пауза билан ўқиёди. 10 секунддан сўнг I қаторнинг биринчи бўлими ўқилади. Талабалар иккинчи қатор сўзлардан эсга тушганини ёзадилар.

*Текшириши ва хулоса:* Бир-бирига боғланган сўзлар бир-бирига боғланмаган сўзларга нисбатан эсда яхши олиб қолинади.

**ІІ МАШГУЛОТ  
I ТАЖРИБА**

**Хотира жараёнида турли ассоциацияларнинг аҳамияти.**

**Материал (50 жуфт сўз)**

- |                          |                       |
|--------------------------|-----------------------|
| 1. бармоқ - тирноқ       | 26. бош - соч         |
| 2. лолақизғалдоқ - қизил | 27. кўмир - қора      |
| 3. чўл - қўнғироқ        | 28. гугурт - очлик    |
| 4. мактаб - танбех       | 29. ширин - аччиқ     |
| 5. шамол -бўрон          | 30. ёмғир - лой       |
| 6. соат - стрелка        | 31. шаҳар - кўча      |
| 7. қанд - ширин          | 32. ғилдирак - юмалоқ |
| 8. дераза - ҳарф         | 33. қалин - оломон    |
| 9. баланд - паст         | 34. мукофот - нафрат  |
| 10. порох - портлаш      | 35. қуёш - ёруғлик    |
| 11. кўз - қорачиг        | 36. поезд - вагон     |
| 12. ўт -яшил             | 37. бўтакўз - зангор  |
| 13. мева - шам           | 37. тутун - қоида     |

- |                      |                       |
|----------------------|-----------------------|
| 14.мукофот - жазо    | 39. узун - калта      |
| 15.аёз - совуқ       | 40. иш - чарчаш       |
| 16.китоб - сахифа    | 41. институт - аудит  |
| 17.устара - ўткир    | 42. пат – енгил       |
| 18.дафтар - елкан    | 43. папирос - абажу   |
| 19.ёруғ - қоронгу    | 44. мардлик - қўрқоқ  |
| 20.ёз — иссиқ        | 45. ўқиш - билим      |
| 21.уй - том          | 46. қўл - кафт        |
| 22.қор - оппоқ       | 47. йўл - узок        |
| 23.девор - чирок     | 48. паровоз - симёғоч |
| 24.сукунат - ҳаракат | 49. совуқ - иссиқ     |
| 25. заҳар – ўлим     | 50. яра - оғриқ       |

Бутун бўлак: № 1, 6,11,16, 21, 26, 31,36, 41, 46;

Предмет хусусият: № 2, 7,12,17, 22, 27, 32, 37, 42, 47;

Одатдан ташқари бирикма: № 3,8,13,18,23,28,33,38,43,48;

Контраст: № 4, 9,14,19,24,29,34,39,44, 49;

Сабаб-оқибат: № 5,10,15,20,25,30,35,40,45,50;

*Инструкция:* Дафтарингизга 1 дан 50 гача тартиб номерлари куийб чиқинг. Мен сизларга 50 жуфт сўзларни бир марта ўқиб бераман. Сўнг мен биринчи сўзларни ўқиб бераман, сиз эса тегишли номерга иккинчи сўзларни ёзиб боришингиз керак.

*Текшириш:* Мен жуфт сўзларнинг иккинчисини ўқийман. Агар сиз иккинчи сўзни тўғри ёзган бўлсангиз, унда "+" қўйинг, нотўғри ёки умуман ёзмагай бўлсангиз, унда "-" қўйинг.

*Ҳисоблаш:* Ҳар бир сўз бирикмаси бўйича (бугун бўлса, предмет, хусусият...) тажрибада иштирок этган барча сўзлар учун ўртacha арифметик миқдор ҳисоблаб чиқлади.

*Хулоса:* Материал яхши эсда олиб қолиниши учун, аввал воқелиқдаги объектив алоқаларни аниқ ва тўла акс эттирадиган боғланишлар тизимини танлаб олиш керак.

### **П ТАЖРИБА**

#### **Хотиранинг танланиш ҳарактери .**

#### **Материал .**

- |             |             |             |               |
|-------------|-------------|-------------|---------------|
| 1. муҳаббат | 6. жудолик  | 11. имтиҳон | 16. стипендия |
| 2. гугурт   | 7. курак    | 12. совуқ   | 17. карам     |
| 3. учрашув  | 8. касаллик | 13. дўстлик | 18. кўриниш   |
| 4. токча    | 9. доска    | 14. мих     | 19. қувур     |
| 5. мактаб   | 10. сессия  | 15. девор   | 20. фишт      |

*Инструкция:* Мен сизларга бир неча сўзлар ўқиб бераман. Уларни кандай эсда олиб қолганингизни бир марта ўқиганимдан сўнг текшириб кўраман.

Үқиб бўлиб, эсда олиб колган сўзларингизни ёзиб кўйинг.

**Текшириши:** Секин-аста ўқинг ва тўғри эсга туширган сўзларингизга “+” кўйиб чиқинг.

**Ҳисоблаш:** Гуруҳдаги 20 сўздан қанчаси эсга тушурилганлиги ҳисоблаб чиқилади. Қайси сўзлар бошқаларидан кўра яхшироқ эсда олиб қолинди? Нима учун?

**Хулоса:** Ҳамма сўз хам бирдек эсда яхши қолмайди. Эмоционал кучли ёки аҳамиятли материаллар яхши эсда олиб қолинади.

(Тажрибалар Б.Мамажонов ва бошқаларнинг "Умумий психологиядан амалий ишлар" китобидан олинган).

### **Мавзу бўйича тест намуналари**

1. Куйидаги қоидаларнинг қайси бири хотираға берилган?
  - а) олдин қабул қилинган тасаввурларни эсда саклаш;
  - б) инсоннинг билим ва тажрибаларини эгаллаш, эсда саклаш, эсга туширишдан иборатбилиш жараёни;
  - в) ўтмишдаги воқеаларни амалий фаолиятда қўллаш жараёни;
  - г) дунёни умумлаштириб мияда акс этгириш жараёни.
2. Психик фаолиятига кўра хотира турини аниқланг:
  - а) ихтиёrsиз, ихтиёрий;
  - б) харакат, эмоционал, образли, сўз-мантиқ;
  - в) қисқа муддатли, узоқ муддатли, оператив;
  - г) сезган, идрок қилган буюмларни хотирлаш.
3. Фаолият мақсади тарзига кўра хотира турини аниқланг.
  - а) ихтиёрий, ихтиёrsиз;
  - б) харакат, эмоционал, образли;
  - в) қисқа ва узоқ муддатли;
  - г) оператив, сўз-мантиқ.
4. Эсга тушириш жараёнларини белгиланг:
  - а) ихтиёрий эсга тушириш;
  - б) бевосита идрок қилган ва эсда саклаган материалларни эсга тушириш;
  - в) эслаш, таниш ва хотиралаш;
  - г) маъносига тушуниб эсда олиб қолиш.
5. Хотира жараёнини аниқланг:
  - а) ўтмиш меросини ўрганиш ва тажриба орттириш;
  - б) эсда олиб қолиш, эсда саклаш, эсга тушириш;
  - в) маъносига тушуниб, тушунмай эслаш;
  - г) воқеликнинг бўлиб ўтган жойи, вақтини хотирлаш.
6. Тасаввурлар; табиат ва ҳаёт манзаралари, товуш, ҳид, таъм билан боғлиқ бўлган хотира турини аниқланг:
  - а) харакат хотираси;

- б) эмоционал хотира;
- в) образли (эйдетик) хотара;
- г) сўз-мантиқ хотираси.

7. Хотиранинг индивидуал фаркларини ифодалаб беринг:
- а) эсда узоқ вақт саклаш даражаси;
  - б) ихтиёрий эсда олиб қолиш даражаси;
  - в) эсда қолдириш ва эсдан чиқариб қўйиш тезлиги даражаси;
  - г) эсда қолдириш, эсда сақлаш даражаси.

8. Эслаш деб нимага айтилади?

- а) бир марта идрок қилган материални эсга тушириш;
- б) икки ёки бир неча марта идрок қилган материални эсга тушириш;
- в) кўрган материални эсга тушириш;
- г) тасаввурларимиздаги материални эсга тушириш.

## **ХАЁЛ**

### **Мавзунинг асосий масалалари .**

1. Хаёл хақида тушунча

Хаёл турлари ва уларнинг ўзаро алоқаси, хаёлнинг махсус тури сифатида орзу хақида тушунча.

2. Хаёлий образлар яратиш тушунчаси.

3. Хаёл ва шахс.

4. Инсон ижодий фаолиятида хаёлнинг тутган ўрни ва ахамияти.

### **Мавзуу бўйича асосий психологик тушунчалар .**

**АГГЛЮТИНАЦИЯ** - (agglutinare - ёпиштиру) - хотира тасаввурларини бир-бирига қўшиб, ёки улардан фойдаланиб, янги нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат хаёл фаолияти.

**ГИПЕРБОЛИЗАЦИЯ** - тасаввур шаклларини ўзлаштириш жихатидан агглютинацияга якин туриб, гиперболизация нарсаларни катталаштириш ва кичиклаштириш, шунингдек, нарсалар сисмининг микдорини ва уларнинг ўринини алмаштириш билан ҳам характерланади.

**ИХТИЁРСИЗ ХАЁЛ** - олдиндан белгиланган мақсад қўимаган холда, идррк қилмаган ҳамда турмуш тажрибамиизда учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образини яратишдан иборат хаёл тури. Ихтиёrsиз хаёлнинг асосий сабаби маълум бир шароитдаги қондирилмаган эҳтиёжлардир.

**ИХТИЁРИЙ ХАЁЛ** - мақсадга мувофик иродавий ва асабий фаоллик кўрсатган холда, аввал идрок қашшнмаган. турмушда учратмаган нарса ёки ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат хаёл тури.

**ИЖОДИЙ ХАЁЛ** - мустақил равишда янги образлар яратиш бўлиб, бу иш кўп холларда бирон бир ижодий фаолият жараёни таркибиға киради. Қандайдир бирор янги машина, янги конструкция яратиш, уларни тайёр чизмалар асосида тасаввур қилишга қараганда қийин ишдир, чунки ижодий

фаолият-тамомила ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, янги, биринчи бор дунёга келган оригинал маҳсулот яратиш фаолиятидир.

**РЕПРОДУКТИВ ҲАЁЛ** - (лотинча ге - бошқатдан, productio-ишилаб чиқариш, маҳсулот) бирор нарсанни унинг оғзаки ёки шартли ифодаси, чизма, схема кабилар асосида тасаввур қилишдан иборат хаёл фаолияти; тасаввур хаёлининг бир тури. Репродуктив хаёлнинг асосий шарти муайян соҳадаги билимлар бўлиб, шахс нарсанинг образини яратишда ўшанга таянади.

**ОРЗУ**- хаёлнинг муҳим шакли бўлиб, инсоннинг орзуларида унинг энг муқаддас тилаклари ва интилишлари ифодаланади. Орзу хаёлнинг бошқа образларидан фарқ қилиб, келажакнинг, тилакдаги ниятнинг образини яратишдир.

**ТИПИКЛАШТИРИШ**- хаёл образини яратишнинг асосий усули, тасаввурларни қайтадан ўзгартириш бўлиб, бунда янги образ умумлашган характер олади. Типик образда муҳим хусусиятлар ёки белгилар ажратилган бўлади. Бу усул адабий асардаги қаҳрамонлар образини яратишда қўлланилади.

**ҲАЁЛ** - мавжуд тасаввурларимизга асосланиб, аввал идрок килинмаган, турмуш тажрибамида учрамаган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яраташдан иборат ақлий жараён, хаёлнинг асосий манбаи шахснинг эҳтиёжи.

**ҲАЁЛНИНГ РЕАЛЛИГИ**- онгимизда объектив воқеъликка тўғри келадиган ёки амалга оширилиши мумкин бўлган нарса ва ҳодисаларнинг образларини яратишдан иборат хаёл сифати.

**ҲАЁЛ ТАСАВВУРИ**- онгимизда мавжуд образларга, яъни хотира тасаввурларига асосланиб биз аввал идрок қилмаган, турмуш тажрибамида учратмаган нарса ва ҳодисаларнинг янги образларни яратишдан иборат, тасаввур ти-

**ҲАЁЛИЙ ҲАРАКАТЛАР**- муайян иш-харакатларини бевосита бажармасдан туриб, уларнинг образларини яратиш, бажарилиш тартиби ва айrim бўлакларига хос тасаввурларнинг хосил бўлиши. Фаолиятнинг турли соҳаларига хос бўлган малакаларнинг таркиб топиши ва ривожлантирилишида хаёлий ҳаракатларнинг аҳамияти катга.

## СЕМИНАР МАШГУЛОТ МАВ'УСИ ВА РЕЖАЛАРИ

### "ҲАЁЛ"

Режа :

1. Хаёл тўғрисида тушунча.
2. Хаёлда муаммоли вазият ва масалани хал қилишда унинг аҳамияти.
3. Хаёл турлари.
4. Хаёлнинг аналитик-синтетик характеристи.
5. Хаёлнинг бадиий, илмий ва педагогик фаолиятдаги аҳамияти.

## **Тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати:**

1. И.Чуковский. От двух до пяти, М., "Детская литература", 1968 г.
2. Л.С.Выготский. Воображение и его развитие в детском возрасте. Авторнинг "Развитие высших психических функций" деган китобидан М., РСФСР ПФА нашриёти, 1960.
3. А.В.Петровский таҳрири оствда "Умумий психология" "Ўқитувчи" Т., 1992 й.
4. Е.А.Климов. Основы психологии. - М., 1998.
5. СЛ.Рубинштейн "Основы общей психологии". М., "Прос-е", 1989 г.
6. Р.С.Немов. Психология. В 3-х кн. - Кн. 1. - М, 1998.
7. Э.Фозиев, Психология "Ўқитувчи" Т., 1994.

### **Интернет сайтлари**

- 1.www.ziyonet.uz
- 2.www.pedagog.uz

## **ХАЁЛ ТУРЛАРИ:**


### *Пассив хаёл*

1. ихтиёрсиз
2. ширин
3. туш қўриш
4. галлюцинация

### *II. Фаол хаёл*

1. Ихтиёрий
2. тикловчи
3. ижодий
4. орзу

1-илова



3-Илова

## **ХАЁЛ ЖАРАЁНИ:**

- |                 |                   |
|-----------------|-------------------|
| 1. аналитик     | 5. синтетик       |
| 2. синтетик     | 6. агглюцинация   |
| 3. акцентировка | 7. типиклаштириши |
| 4. схемализации | 8. қиёслаш        |

### **Мавзу бўйича тест намуналари**

1. Хаёл-бу:

- а) объектив дунёдаги воқеликнинг онгимизда умумлашган ҳолда акс этиши;
- б) сезган, идрок қнлган образлар хусусиятни акс эттириш;
- в) тажрибамизда учрамаган иарса ва ҳодисалар образини мавжуд тасаввурларимиз асосида миямизда яратиш жараёни;
- г) инсон ижодий фаолиятининг зарурӣ шарти, борлиқни акс эттириш жараёни.

2. Ижодий хаёл усуллари:

- а) орзу-фантазия, идеал;
- б) олдиндан қандайдир мақсадга қаратилмаган ва муайян мақсадга қаратилган хаёлдир.
- в) агглютинация, таъкидлаш, катталаштириш, кичиклаштириш;
- г) туркумлаштириш.

3. Хаёлнинг нерв-физиологик механизmlарини курсатинг.

- а) ярим шарлар пўстида муваққат боғланишларнинг тикланиши ва қўшилиши;
- б) муваққат боғланишларнинг ҳосил бўлиши;
- в) кучли қўзгалиш ўчоғининг вужудга келиши;
- г) динамик стреотип.

4. Туш кўриш қайси психик жараен:

- а) диқкат, сезги, идрок;
- б) хотира, тасаввур;
- в) тафаккур, нутқ;
- г) хаёл.

5. Хаёлнинг муҳим хусусиятларини аниқланг:

- а) эсда сақлаш, эсга тушириш, эслаш;
- б) тормозланиш ва қўзғалиш;
- в) хотира тасаввурларини анализ ва синтез қилиш;
- г) умумлаштириш.

6. Орзу қандай хаёл эканини кўрсатинг:

- а) фаол, қайта тикловчи хаёл;
- б) ихтиёрий, ширим хаел;
- в) пассив, ихтиёrsиз хаёл;
- г) фаол, ижодий хаёл.

## **ТАФАККУР**

### **Мавзунинг асосий масалалари.**

1. Тафаккур ва хиссий билиш
2. Тафаккур жараён сифатида
3. Тафаккур мотивацияси
4. Муаммоли вазият ва масала ечиш
5. Тафаккур турлари
6. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари.

### **Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар**

**АБСТРАКЦИЯЛАШ-** (лот. abstractio - узоқлаштириш, мавхумли алмаштириш); нарса ва ҳодисаларнинг белшларинн, хусусияг ва сифатларини фикран ажратиб олиб, уни мустақил фикр обьектига анпантришдан иборат ақлий жараён. Масалан, билиш жараёнида табиат жамият ва айрям инсонларга хос бўлган "гўзаллик" белгисини ажратиб олиб, уларнинг гўзаллиги тўғрисида эмас, балки умуман гўзаллик тўғрисида фикр юритилади.

**АБСТРАКТ ТАФАККУР-** мавхум тафаккур, умумий ва мавхум тушунчалар ёрдамида пайдо бўладиган тафаккур тури. Абстракт тафаккур орқали нарса ва ҳодисаларнинг бевосита идрок қилиниши мумкин бўлмаган хусусиятлари, ўзаро муносабатлари аниқланади, қонуниятлар очилади, "Қиймат", "иффат" каби абстракт тушунчалар ҳосил қилинади.

**АБСТРАКТ- МАНТИҚИЙ ТАФАККУР-** мавхум мантиқий тафаккур; нарса ва ҳодисаларнинг белгаларини, сифат ҳамда хусусиятларини сабабоқибат боғланишларини акс эггарувчи тафаккур тури.

**АВТОРИТАР ТАФАККУР-** обрўга асосланган тафаккур; муайян фикр тўғрилигини ёки ёдгонлигини обьектив далиллар билан исботлаш ўрнига шахс-нинг ижобий ёки салбий сифатлари биланганча чекланиб қолишдан иборат тафаккур шакли: фикрни исботлашда бошқа шахслар обрўсидан фойдаланиш. А.Т. кўпинча кишининг муайян соҳа бўйича билим даражасининг чекланганлигидан ва мустақил фикрлаш қобилиятининг етарлича ўсмаганлиидан далолат беради.

**АМАЛИЙ ТАФАККУР-** воқеликни ўзгартиришга ёки инсон эҳти-ёжлари учун зарур бўлган реал нарсалар яратишга қаратилган тафаккур тури.

**АНАЛИЗ ЁКИ ТАХЛИЛ** - тафаккур жараёни, (юнон. analysis -бўлиш) - таҳлил, нарса ва ҳодисаларни фикран таркибий қисмларга ажратишдан иборат бўлган ақлий жараён. Масалан, психологиядан онг ҳодисаси таҳлил қилинар экан, у ақл, ирода ва хиссиёт деб уч таркибий қисмга бўлинади. Анализ жараёнида бутуннинг бўлакларга нисбатан муносабати аниқданади.

**АНАЛОГИК ХУЛОСА ЧИҚАРИШ** - бир нарса ёки ҳодиса ҳакида уларнинг бошқа нарса ва ҳодисаларга ўхшаш белгиларига асосланниб, янги хукм ҳосил қилишдан иборат хулоса чиқариш тури. Масалан, "Ўтган йили ноябр ойида кўп ёмғир ёқкан". Ноябр бошланди, демак, "Ёғингарчилик

бўлади". Аналогик хulosса чиқариш чин бўлиши ҳам мумкин, елғон бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун бу йўл билан чиқарилган хulosса кўпинча тахминий характерга эга бўлади; ноябр ойида ёғингарчилик бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

**ГИПОТЕЗА** - (юнон. hypothesis- асос, тахмин) - гипотеза, габиат, жамият ва инсон тафаккури соҳасидали муайян ҳодисани тўлиқ тушунтариш ёки исботлаш учун етарли далилларга эга бўлмаган илмий фараз, тахмин. Гипотеза илмий текшириш методларидан, воқеликни билиш шаклларидан биридир.

**ДЕДУКЦИЯ**- (лот. deduktia - келтириб чиқариш) дедукция; умумийдан яккаға қараб бориш ёки бир канча маълум умумий ҳукмлардан янга, якка бир ҳукм келтириб чиқаришдан иборат хulosса чиқариш тури, мантикий тафаккур шакли.

**ДИСКУРСИВ ТАФАККУР-** (лот. diskusus - мулоҳаза юритиш) Индукциядан фарқ килиб, бир-бирлари билан узвий равиица боғланган лицшоҳа-залар юритишдан иб^орат мантикий тафаккур жараёни.

**ЖУЗЪИЙ ҲУКМ**- фикр обьекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларнинг айrim бўлаклари ёки баъзи бирларигагина тааллуқли бўлган ҳукм тури.

**ИЛМИЙ ТАФАККУР-** назарий тафаккурнинг воқкеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг боғланиш ҳамда муносабатларини, қонуниятларини, айниқса сабаб ва окибат боғланишларини очишга қаратилган энг юксак шакли. Илмий тафаккур жараёнида, одатда, илмий тахминлар кўйилади, муоммолар хал қилинади.

**ИНДУКЦИЯ**- (лот. inductio - келтириб чиқариш) - индукция: жузъ-ий ёки якка ҳоллардан умумийга, айrim далиллардан умумлашмаларга қараб борадиган, индуктив хulosса чиқаришга асосланган мантикий билиш усули, та-факкур шакли.

**ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ**- икки ёки ундан ортиқ якка ҳукмларнинг бир-бири билан мантикий боғланишидан умумий ҳукм ҳосил қилишдан иборат хulosса чиқариш тури.

**ИХОДИЙ ТАФАККУР**- қўйилган амалий ва назарий вазифаларни янга усуллар билан хал қилиш, онгимизда янги тасаввур, тушунча ва ҳукмлар ҳосил қилиш, муайян янга нарса яратиш билан боғлик бўлган мураккаб тафаккур жараёни.

**ИНСАЙТ**- масаланинг ечиш йўлини кутилмаганда, тўсатдан, бир он-даёқ кашф этиш, топиш.

**КЛАССИФИКАЦИЯ**- (лот. clasis - туркум, тўда, fakere - қилмок) - нарса ва ҳодисаларни уларнинг энг муҳим белгиларига қараб фикран турларга еки жинсларга бўлишдан иборат аклий жараён.

**КОНКРЕТЛАШ**- (лот. koneretus - куюқ, қаттиқ) - конкретлаштириш; умумий, мавҳум белги ёки хусусиятларни якка обьектларга татбик қилиш билан ифодаланадиган ақлий жараён. Масалан: "қиймат"ни - "одамнинг киймати", "товарнинг қиймати" деб конкретлаштирилади.

**КОНКРЕТ ТАФАККУР** (яққол тафаккур) - конкрет тафаккур бевосита идрок ёки тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги, яъни аниқ образларга асосланган тафаккур, яъни объектав воксликдаш бевосота идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тафаккур. Масалан, кўраётган, эшиштаётган ёки мазаси татилаётган нарсалар ҳақидаги тасаввур.

**КОНКРЕТ- ОБРАЗЛИ ТАФАККУР-** идрок қилинаётган эмас, балки тасаввур қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги тафаккур, конкрет-образли тафаккур ёки хаёл тасаввурига асосланади.

**КОНСТРУКТИВ – ТЕНИК ТАФАККУР** – воқееликни ўзгартиришга, хусусан техникавий масалаларни ҳал килиш, масалалар яратишга қартилган амалий тафаккур тури.

**КЎРГАЗМАЛИ – ҲАРАКАТЛИ ТАФАККУР** - амалий тафаккурнинг бевосита идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар ҳақида ҳаракатлар ёрдами билан амалга ошириладиган фикрлаш тури. Масалан: дурадгорлик фаолиятидаги тафаккур.

**МАНТИКИЙ ТАФАККУР**- мантиқ қонун-қоидаларига мувофиқ ҳолда тўғри фикрлаш.

**МУАММОЛИ ВАЗИЯТ**- инсоннинг маълум психологик ҳолатини характерлайди, инсоннинг олдида янги фаолият мақсадлари пайдо бўлганда, уни тафаккурни ишга солишга янги чора ва тадбирларни топишга ундейди. Бунда фаолиятнинг аввалги восита ва усуслари янга мақсадларга эришиш учун етарди бўлмайди.

**МУРАККАБ ТАФАККУР**- муайян масалани тафаккур операцияла-ридан (рондаланиб, атрофлича мулоҳаза юритиб, бир канча вақт давомида босқичма-босқич ҳал қилишдан иборат ақлий фаолият. Мураккаб тафаккур илмий-техникавий, ижодий ишларда яккол кўринади. Мураккаб тафаккур жараёни ойлаб, йиллаб ҳҳам чўзилиши мумкин.

**ОДДИЙ ТАФАККУР** - маълум бир ақлий масала юзасидан савол қўйилиши биланоқ, кўп ўйлаб ўтирмасдан унга жавоб қайтаришдан иборат тафаккур тури,

**СИНТЕЗ**- (юнон. synthesis - қўшиш, бирлаштириш) синтез; фикр обьекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларнинг таркибий қисмлари, сифат ҳамда хусусиятларини фикран ёки амалий равишда бир бутун қилиб қошишдан иборат бўлган ақлий операция. Масалан: нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини қўшилишидан яхлит бир тушунча ҳосил бўлади. Синтез тафаккур ҳамда хаёл-нинғ ижодий фаолиятини ташкил қиласди. Синтез бевосита анализ билан ва умум-лаштириш, таққослаш, системалаштириш каби ақлий операциялар билан боғлиқдир.

**СИСТЕМАЛАШТИРИШ** ~ (юнон. systema - қисмлардан ташкил топган бутун нарса) - фикр обьекти ҳисобланган нарса ва ҳодисаларни замон, макон ва мантиқ жихатдан маълум тартибда жойлаштиришдан иборат ақлий операция.

Масалан: тарихий воқеаларни хронологик тартибда жойлаштириш.

**ТАФАККУР-** шахснинг объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муҳим хусусиятлари, боғланиш ҳамда муносабатларини бевосита уму-лашган хОлда акс эттиришдан иборат бўлган ақлий жараён. Тафаккур объектив воқеликни акс эттиришнинг энг юксак шаклидир. Тафаккур воқеликни сезиш, идрок ва тасавурларга қараганда янада чуқур, тўлиқ ва кенг билишга имкон беради. Тафаккур инсон миясининг алоҳида вазифасидир, миянинг иккиласми сигнал системасига асосланган рефлектор аналитик - синтетик фаолиятининг рўёбга чиқиш шаклидир. Тафаккурнинг нерв-физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигаал системаларининг ўзаро муносабатидир.

**ТАФАККУР ОПЕРАЦИЯЛАРИ-** фикрлаш жараёнида қўлланиладиган турли ақлий усуслар.

**ТАНҚИДИИ ТАФАККУР-** хulosа чиқариш, исботлаш ва инкор қилиш каби мантиқий операцияларда хақиқатни аниклаш учун хизмат қиладиган тафаккур.

**ТАФАККУРНИНГ МАЗМУНДОРЛИГИ-** фикр обьекти ҳисобланган нарса ва ҳодисалар ҳақидаги чин ҳукмлар ва тушунчалар йифиндиси билан ифодаланадиган ақл сифати.

**ТАФАККУР ТЕЗЛИГИ-** маълум бир назарий ёки амалий масалани узил-кесил ҳал килиш учун кегган вақт бирлиги билан белгиланадиган ақл сифати.

**ТАФАККУР СИФАТЛАРИ-** фикрнинг мазмунлилиги, кенглиги, мустақиллиги, ихчамлиги, танқидийлиги, тезлиги кабилардан иборат ижобий индивидуал фарқлари; тафаккур сифатлари асосан шахснинг қобилиятига, билим ва маданий давриясига боғлиқдир. Тафаккур сифатларини асосан ақ сифатлари деб юритилади.

**ТАФАККУРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ** - назарий ва амалий маса-лаларни ўзгаларнинг ёрдамисиз ҳал қилиш қобилиятидан иборат ақл сифати.

**ТАФАККУРНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ-** қисқа вақт бирлиги ичida янги, оригинал фикрлар яратиш ёки муҳим илмий, амалий масалаларни тўғри ҳал қилиш билан белгиланадиган тафаккур сифати.

**ХУЛОСА ЧИҚАРИШ-** бир қанча ҳукмларнинг мантиқий боғланиши натижасида ҳукм ҳосил қилишдан иборат тафаккур шакли. Хулоса чиқаришда мавжуд ҳукмлар асос бўлиб, унда янги ҳукм чиқарилади. Улардан ҳосил бўлган янги ҳукм эса хулоса чиқариш деб аталади.

**ТУШУНЧА** - нарса ва ҳодисадарнинг муҳим белгиларини, боғланишларини, мохиятини ҳукмлар орқали фикран кенг ва чуқур акс этгиришдан иборат фикр шакли, психик маҳсул.

#### **Семинар машғулоти мавзуси ва режаси:**

1. Фикр юритиш операциялари
2. Тафаккурнинг асосий шакллари.
3. Тафаккур турлари ҳакида тушунча.

4. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари.

**Адабиётлар:**

1. Э.Фозиев. Тафаккур психологияси. Тошкент. "Ўқитувчи". 1990.
2. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. "Ўқитувчи", Т., 1992.
3. С.А.Рубинштейн. О мышлении и путях его исследования. М., 1958.
4. Л.С. Выготский. Мышление и речь. "Избранные психологические исследования". М., 1958.
5. Тафаккур гулшани. Ш.Абдураззоқова таржимаси. Тошкент, 1989.
6. В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова. Психология. Т., 2ШЮ.
7. В.М. Каримова ва б.қлар. Мустақил фикрлаш. — Т., 2000.
8. В.Каримова, Р.Суннатова. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма - Т., 2000.

**Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

*2-Илова*

**Лаборатория машғулоти.**

**Топширик 1.**

Фикрий масалаларни ечишда тасаввурнинг роли.

1. Китоб жавонига икки томлик асарлар туплами кўйилган. Биринчи том 300 сахифалиқ, иккинчиси эса 200 сахифалиқ. Жавонда китоб курти пайдо бўлиб, китоблардан биринчи томининг биринчи сахифасидан иккинчи томининг охирги сахифасигача кемириб ташлади. Китоб қурти китобларнинг неча сахифасини кемирган?

Саволга 500 сахифа деб берилган жавоб тўғри эмас. Саволга тўғри жавоб бериш учун китобни жавонга қандай терилганини (тартибини) аник билиш олиш лозим. Китоб қурти бирорта сахифани ҳам кемирган эмас. Чунки би-ринчи томнинг биринчи сахифаси, иккинчи томнинг охирги сахифаси билан ёнма-ён турибди.

2. А шаҳардан Б шаҳаргача 120 км. А шаҳардан чиққан поезд соатига 30 км тезлик билан Б шаҳар томон юра бошлади. Шу вактда Б шаҳардан чиққан капалак соатига 60 км тезлик билан А шаҳар томон учиб кела бошлади. Капалак Б шаҳардан чиқиб А шаҳар томон учар экан, А шаҳридан чиққан поезд билан учрашиб Б шаҳри томон учиб кетар ва яна Б шаҳридан чиқиб поездгача учиб келар ва Б шаҳри томон учиб қайтар эди.

Шу жараён А шаҳридан чиққан поезд Б шаҳрига етиб келгунга қадар давом этди. Айтингчи, капалак неча км йўл босди?

Агар ишни капалакнинг учишини ва унинг Б шаҳри томон келаёт-ган поезд билан неча марта учрашганлигини тасаввур қилишдан бошласак, иасалани ечолмаймиз.

Масала оддий арифметик хисоблаш йўли билан ечилади. Поезд соатига 30 км тезлик билан юrar экан, Б шаҳарига 4 соатдан сўнг етиб келади.

(120:30) капалак соатига 60 км тезликда учар экам, 4 соат давомида фазода бўлганлиги учун у 240 км масофани учеб үгди.

Иккала масала ечиштаги, талабаларга масалани ечиш йўлларининг таҳлили заминида ҳар бир масалани ҳал килишда тасаввур қандай рол ўйнаганлигини аниқлаш топширилади.

Фикрий масалаларни ҳал қилишда тасаввур ижобий ва салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиши уқтириш билан талабаларга мусгақил равиица ҳар икки масалага аналогик мисоллар ўиласб топиш ва ечиш вазифаси топширилади.

## Толшириқ II.

Фикр юритиш операциялари ва асл сифатлари таҳлилига доир.

А. Тушунчадарни таққослаш жараёнининг кечимини текширбаш. Тажриба материали сифатида бир неча жуфт тушунчалар берилади, автобус ва троллейбус, булбул ва саъва, от ва сифат, сезга ва идрок, эгоизм ва эгоцешризм, хайвонот ва ўсимлик каби. Экспериментатор ҳар бир жуфт тушунчани ўқигач, уларни таққослашни, яъни ўхшаш томонлари ва тафовугларини аниқлашни топширади. Кунда синаувчи мумкин қадар кўпроқ белгани аниқлашга харакат қилиши зарур.

Топшириқнинг сифати текширилганда ўхшаш ва фарқ белгиларининг сони ҳисобга олинади. Таққослашнинг сифати синаувчининг билим даражасига боғлиқ эканлиги аниқланади. Текшириш натижалари жадвалда акс эттирилади, агар ўхшаш ва фарқ кўрсаткичлари 20 дан ошик бўлса, таққослаш 5 балл билан баҳоланади. Агар қиёсий белгилар 10-15та бўлса 4 балл, 10 дан кам бўлса, 3; 5 дан кам бўлса 2 балл билан баҳоланади.

## Жумбок

а) икки киши дарё ёқасига келди, соҳилда бир дона қайиқча бўлиб, унга фақат бир киши сиғиши мумкин. Йўловчилар шу қайиқчада нариги соҳилга чиқиб олиб йўлларида давом этадилар.

Айтингчи йўловчилар қандай қилиб нариги соҳилга чиқиб олдилар?

б) берилган сонларнинг жойлашиш қонуниятини аниқланг ва етишмаётган сонни топиб ёзинг.

7	9	5	11
4	15	12	6
13	8	11	-

в) қаламнинг учини қоғоздан узмаган ҳолда қандай қилиб учта тўғри чизиқ орқали квадратнинг тўрт нуқтасини кесиб ўтиб, бошланғич нуқтага қайтиш мумкин?

## ТАФАККУР - ЖАРАЁН СИФАТИДА:

- |                  |                     |
|------------------|---------------------|
| 1. анализ        | 5. умумлаштириш     |
| 2. синтез        | 6. конкретлаштириш  |
| 3. солишириш     | 7. системалаштириш  |
| 4. абстракциялаш | 8. классификациялаш |

Тафаккурни логика (мантиқ) да ўрганиш									
Түшүнчә				Хүкм			Холоса чиқарииш		
Уму- мий	якка	Конк- рет (як- қол)	Абст- ракт (мав- хум)	Уму- мий	якка	жузъий	Индук- тив	Дедук- тив	Анало- гик

### Тафаккурнинг турлари:

#### I. Шаклига кўра:

1. кўргазмали - ҳаракатли
2. кўргазмали - образли
3. абстракт - мантикий

#### II. Ечилиши лоэзим бўлган масаланинг характеристига кўра:

1. назарий
2. амалий

#### III. Очилиш даражасига қараб:

1. мунозара

2. интуицияга асосланган

#### IV. Янгилик ва оригиналлик даражасига кўра:

1. репродуктив

2. унумли, серунум

### АҚЛНИНГ МУҲИМ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

#### Тафаккурнинг мустақиллиги:

жамият тажрибасидан фойдаланиш, ўз

фикrlарига тобе бўлиб қолмаслик

бошқалар ва ўз баъосига объектив қараш

анализ, солиширишга қобилиятлилик,

муҳим хусусиятни топа билиш

масалани ечиш йўлларини топа билиш

энг яхши йўлни топа олиш қобилити.

#### Фикрнинг эпчиллиги:

#### Синковлик:

## **Мавзу бўйича тест намуналари**

1. Қуйидаги қоидалардан қайси бири тафаккур жараёнига тегишли?
  - а) нарса ва ҳодисаларнинг айрим сифат ва хусусиятларини акс эттириш;
  - б) воқеликни сезги ва идрок, тасаввурлар орқали акс эггариш;
  - в) теварак атрофдаги нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муҳим белги ва хусусиятларини, улар ўртасидаги боғланиш ва муносабатларни умумлаштириб акс эттириш;
  - г) олдин идрок килишдан ҳосил бўлган туйғулар, фикр ва мулоҳазаларни акс эттириш.
3. Ҳиссий билиш жараёнига нималар тааллуқлилигани аниқланг.
  - а) фикрларни муҳокама қилиб нарса ва ҳодисаларни билиб олиш;
  - б) дунёвий фикрларни амалий фаолиятда акс этгириш;
  - в) воқеликни албатт нутққ иштирокида бевосита акс эттириш;
  - г) нарса ва ҳодисаларни сезги, идрок ва тасаввурларда акс эттириш.
3. Фикр юритиш жараёшшини аниқданг.
  - а) тушунча, хукм;
  - б) индуктив, дедуктив, хулосалаш;
  - в) аналогия;
  - г) анализ, синтез, умумлаштириш, абстрактлаштириш.
4. Тушунча - бу:
  - а) тушунча сўздан ташкари мавжуд бўлиб, у сўзда мустаҳкамланади ва ифодаланади;
  - б) тушунча тасаввур сингари нарсаларнинг умумий муҳим белгиларини акс эттаради;
  - в) тушунча сўзларда мавжуд бўлиб, аммо баъзи тушунчалар сўздан ташкарида бўлиши мумкин.
  - г) тушунча — воқеликни акс эттиришdir.
5. Борликни бевосита акс эттириш қандай амалга оширилади?
  - а) тасаввурлар орқали;
  - б) идрок ва тасаввурлар орқали;
  - в) тушунча, хукм, хулоса чиқариш;
  - г) таққослаш, анализ ва синтез орқали.
6. Объектларнинг айрим бечгиларини ўхшашибигига қараб хулоса чиқариш: -
  - а) индуктив хулоса чиқариш;
  - б) аналогик хулоса чиқариш;
  - в) дедуктив хулоса чиқариш;
  - г) силлогизм.

7. Тафаккур турларини аниқланг: ~
  - а) анализ, синтез, солишириш, абстракциялаш;
  - б) тушунча, хукм, хулоса чиқарнш;
  - в) конкрет, абстракт, назарий, амалий;
  - г) мустақиллик, танқидийлик.
  
8. Тафаккурнинг индивидуал хусусиятлари:
  - а) мустақиллик, серташаббускорлик, тезлиги, маҳсулдорлиги;
  - б) ижодий, ихтиёрий, конкрет ва абстракт;
  - в) конкрет, абстракт, жузъий;
  - г) классификация, системага солиш, умумлаштириш,

**Шахснинг индивидуал психологияк хусусиятлари  
Темперамент .**

**Мавзунинг асосий масалалари .**

1. Темперамент шахснинг индивидуал психологик хусусияти интеграцияси эканлиги.
2. Темперамент хақидаги классик назариялар.
3. Темпераментнинг турлари ҳақида Абу Али Ибн Сино карашлари.
4. И.П.Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти темпераментнинг физиологик асоси эканлиги.
5. Темперамент типлари ва уларнинг психологик тавсифномаси.
6. Темпераментни тадқик қилиш усууллари.

**Мавзу бўйича асосий психологик тушунчалар**

**АБУЛИЯ** - (юонон. *ābulia* - қатъиятсизлик, журъятсизлик) -иродасизлик; муайян психологик сабабларга кўра ироданинг бўшашиши, кучизланиши ёки тўлиқ йўқолишидан иборат ҳолат.

**МЕЛАНХОЛИК** - ҳаракатлари суст, юксак сензитивлик хусусиятига эга бўлган, аразчанг, фаоллиги суст, ўзига ишонмайдиган, тортичоқ, гайратсиз, қагъиятсиз, ишёқмас бўлган темперамент типидир.

**ИНТРАВЕРТИРОВАНЛИК** - термин Айзенк томонидан шахснинг темперамент типларини белгилашда ишлатилган. И. образларга, тассавурларга ва ўтмиш хамда келажак билан боғлиқ бўлган икки сифат.

**ОЛИЙ НЕРВ (АСАБ) ФАОЛИЯТИНИНГ ТИПЛАРИ**- олий нерв (асаб) фаолияти хусусиятларининг барқарор комплекси (кучи, мувозанати, ҳаракатчанлиги)ни белгилайдиган нерв (асаб) тизими хусусиятлари йигандисидир; асаб жараёнлари (кўзғалиш ва тормозланиш)нинг муайян индивид олий асаб фаолиятини сифатлайдиган муҳим ва барқарор хусусиятлари йиғиндиси. О.Н.Ф.нинг 4 типи мавжуд:

1. Кучли, мувозанатли, ҳаракатчан (чакқон) тип.
2. Кучли мувозанатли, инерт (сусткаш) тип.
3. Кучли, мувозанатсиз (шиддатли) тип.
4. Кучсиз тип.

**САНГВИНИК ТИП-** ушбу типга кирувчи шахслар серҳаракат, тез таъсириланувчан, нарсаларга тетик ва зўр қўзғалиш билан жавоб берадиган, юксак реактивликга эга бўладилар, бирор фаолиятга ғайрат ва фаоллик билан киришиб, тез совиб кетишлари ҳам мумкин. Ҳиссиётлар, кайфиятлари, қизиқишилари ва интилишилари жуда ўзгарувчан, малакаларини тез ўзлаштирувчи, ақли ихчам бўлади.

**СЕНЗИТИВЛИК**— одамнинг психик реакцияни вужудга келтирмоқ учун зарур бўлган ниҳоятда кучсиз ташқи таассурот кучи ёки эҳтиёжларни қондирмасликнинг билинар-билинмас даражасидан таъсириланиши.

**ТЕМПЕРАМЕНТ**- шахснинг эмоционал қўзгалувчанлиги ва умумий ҳаракатчанлиги билан сифатланадиган индивидуал хусусиятлари йиғиндиси. Темперамент кишинингҳиссиётга берилиш кучи, барқарорлиги ва тезлигига кўринадиган индивидуал психологик хусусиятдир.

**ФЛЕГМАТИК**- осойишта, ўзини оғир вазмии тутадиган барқарор кайфиятли, сензитивлиги суст, эмоционаллига юксак, фаоллиги оз, чидамли, матонатли, ҳаракат ва нутқ темпи суст, фаросатсиз каби сифатлар хос бўлган темперамент типи.

**ХОЛЕРИК**- юксак реактивлик, фаоллик, эмоцияларга тез берилиувчанлик, кайфияти кескин ўзгарувчан, суст сензитивлик, мувозанатсизлик, ўзини тута олмаслик, бетоқат ва серзардалиги билан характерланадиган темперамент типи.

### **Семинар машғулоти мав'уси ва режалари:**

#### **Режа:**

1. Темпераментнинг умумий характеристикаси.
2. Темпераментнинг физиологик асослари.
3. Темперамент типларининг психологик характеристикаси.
4. Темпераментнинг келнб чиқиши ва ривожланиши.
5. Таълим жараёнида темперамент хусусиятларини ҳисобга олиш (баҳслашув учун)

#### **Адабиётлар:**

1. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. "Ўқитувчи" нашр., Т., 1992.
2. В.М.Мерлин. Очерк теории темперамента М., "Пресс-е"., 1964.
3. Мерлин В.С. Очерк интегрального исследования индивидуальности - М., 1986.
4. А.Г.Ковалев. Психология личности, X боб. М., "Прес", 1970.
5. В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова. Психология. Т., 2000.
6. Немов Р.С. Психология - В 2-х кн. Кн.1. - М., 1998.
7. С.А.Рубинштейн. Основы общей психологии "Прес-е" М. 1989.
8. Популярная психология. Хрестоматия Б.В.Мироненко. М., 1990.

#### **Интернет сайтлари**

- 1.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 2.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**Мавзу бўйича тест намуналари:**

- 1) Берилган таърифлардан қайси бири темпераментга тааллуқли?
  - а) темперамент одамнинг ижтимоий муносабатларида намоён бўладиган хусусият;
  - б) ҳиссийтнинг секин, лекин кучли кўзғалганлиги;
  - в) нерв системасининг кўзғалиш тезлиги, тормозлашуви;
  - г) одамнинг якка хусусияти.
2. И.П.Павлов олий нерв фаолияти типларини тушуниш асосига шуларни киритади:
  - а) нерв хужайраларнинг кучини, унинг мувозанатлилиги ва эпчиллигини;
  - б) кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг иррадиация ва концентрациясини;
  - в) нерв хужайралари индукциясини;
  - г) нерв жараёнларининг стереотиплигини.
3. Одам олий фаолиятининг маҳсус типлари нималар билан характерланади?
  - а) биринчи ва иккинчи сигнал системасининг ўзаро муносабати билан;
  - б) асаб жараёнларининг системалилиги билан;
  - в) асаб жараёнлариминг манфий индукцияси билан;
  - г) асаб жараёнларининг мусбат индукцияси билан.
4. Асаб тизимиning кучли, мувозанатлилиги, эпчил типи қайси темпераментга мос келади?
  - а) флегматик;
  - б) холерик;
  - в) меланхолик;
  - г) сангвиник.
5. Асаб тизимиning кучли, мувозанатли, кам харакатчан, сусткаш типи қайси темпераментга мос келади?
  - а) холерик;
  - б) сангвиник;
  - в) флешиагик;
  - г) меланхолик.
6. Темпераментнинг муҳим психологик хусусиятлари нималардан иборат?
  - а) серзитивлик, фаоплик, реактивлик, реакция темпи, силлиқлик, фригадлик, экстравертлик, интровертлик, эмоционал кўзғалувчанлик;
  - б) нерв хужайрапарининг кучи, мувозанатлилиги, эпчиллиги;
  - в) эпчиллик, харакатчанлик, фаоллик, кучи, бўшлик;
  - г) фаоллик, экстраверсия, интроверсия, бўшлик, харакатчанлик, кучи, мувозанатлилига.

## Асаб тизими типларининг тэмпераметта муносабати 1-Илова

Асаб тизими типлари		Кучли			Кучсиз
	'	Кучли, шиддатли	Тирик, жонли	Сусткаш	
Асаб жараёнларининг	Кучли мувозанатли харакатчан	Кучли мувозанатсиз	Кучли мувозанатли харакатчан	Кучлм мувозаатли сусткаш	Куччи муюзаатсиз харакатчан ёки сустсаш
Тэмперамент		Холерик	Сангвиник	Флегматик	Меланхолик

## Тэмперамент ва психик реакция муносабати

Тэмперамент	Реакция	
	тезлиги	кучи
сангвиник холерик флегматик меланхолик	тез тез секин секин	ўртча ҳаддан ташқари кучли кучсиз

### **ХАРАКТЕР**

#### **Мавзунинг асосий масалалари.**

1. Психологияда характер муаммолари.
2. Характернинг тузилиши.
3. Характер хислатлари.
4. Экстраверсия ва интроверсия тўғрисида тушунча.
5. Характерда акцентуация холати.
6. Характерни тарбиялаш.

#### **Мавзу бўйича амалий психологик тушунчалар**

**АКЦЕНТУЛДИЯ ҲОЛАТИ** - (лотинча - ургу демакдир) Акцентуация инсондаги айрим характер ҳислатларнинг яққол кўзга ташланиши (кайфиятнинг кескин ўзгариши, ташвишланиш, қатъиятсизлик, тез чарчаш, таъсиранчиклик).

**ИНТРОВЕРСИЯ**- (лот. intro - ички, versto - бурмоқ, қаратмоқ, йўналтироқ демакдир). Интроверсия - шахснинг ўз фикрлари, сезгилари, кечинмалари ва ҳис-туйғуларига таяниши. Интровертларга ўзининг ички дунёси, кизиқишлигини юқори кўйиш, тортичоклик, кишиларга

аралашмаслик, ичимдан топлик, ижтимоий пассивлик, ўзини мухокама қилишга мойиллик, ижтимоий мослашувга қийналишлар киради.

**СИМПТОМОКОМПЛЕКС** - психик хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги тизими. Симптомокомплексни анализ қилиш орқали характер тизимининг нима билан белгиланганлигини аниклай оламиз.

**ГЕНИЙЛИК**— муайян жамият ёки бутун бир миллат ҳаётида тарихий аҳамиятга эга бўлган, ижодий фаолиятда намоён бўлувчи, юксак даражада ривожланган, фавқулодда истеъдод инсон ақл-заковати тараққиётининг салтанати ҳисоблаиган нодир индивидуал хусусият. Генийларда одатда барча ижобий сифатлар мужассамлашган бўлади.

**ФРУСТРАЦИЯ**- (лот. frustration - бекорга қузатиш, бекор умидвор бўлиш, муваффақиятсизлик) - режалари издан чиқиб, мақсаднинг йўқ бўлиб кетиши. Фрустрация - кишининг характер хусусиятларида, турли кечинмаларида, хатти-харакатларида намоён бўлади. Фрустрация кишининг мақсадга эришиш йўлида учрайдиган, объектив равишда енгиб бўлмайдиган ёки субъектив равишда шундай туюладиган қийинчиликлар туфайли пайдо бўладиган психологик ҳолатдир.

**ХАРАКТЕР**— ижтимоий муҳит таъсирида таркиб топиб, шахснинг атрофдаги воқеликка ва ўз-ўзига, жамиятга, жамият мулкига, меҳнатга, ўқиш фаолиятига бўлган муносабатида ифодаланадиган, унинг муайян шароитлардаги хатти-харакатларини белгилаб берадиган, барқарор индивидуал психик хусусиятлар йигандиси.

**ХАРАКТЕР СТРУКТУРАСИ (тузилиши)** - характернинг айрим хусусиятлари бир-бирига боғлиқ, бир-бирига тобе яхлитликни ҳосил қиласди. Бу яхлитлик характернинг структурасидир. Агар биз характернинг бир ёки бир неча хусусиятларни билсак, бизга номаълум бошқа хислатларни хам айтиб бера олмиз. Масалан: одамнинг такаббур ва шухратпарастлиши билсак, унинг қора кўнгилли эканинн тахмин қиласми. Агар одам камтаринлик хислатига эга бўлса, уни кўнгилчан деб тахмин қиласми.

**ХАРАКТЕР ХИСЛАТЛАР** - одамнинг иш-харакатларини белгиловчи чуқур ва фаол майл. X.X киши ҳаётида уни табиатига сингаб кетган, муайян бир қолипга тушган ва кишининг кўзига яққол ташланадиган хислатлардир.

#### **Характернинг таркиб топиши:**

1. характер ва ирсият
2. характернинг таркиб топиши қонуниятлари
3. характер ва темперамент
4. характер ва фаолият
5. такқлидчанлик
6. характер ва қайд қилинган кўрсатма
7. турли вазиятлар, муаммолар

**Семинар машғулоти мавзуси ва режалари:**

**Режа:**

1. Характер ҳақида тушунча
2. Характер таркиб топишининг қонуниятлари
3. Характернинг шаклланиши
4. Тарбия ва кишининг ўзи характерини ўзи тарбиялаш, (мунозаря учун)
5. Миллий характерга этнопсихологик ёндашиш (мунозара учун)

**Тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. А.Т.Ковалев. Психология личности. М., 1970.
2. В.М.Каримова, ФА.Акрамова. Психология. Т., 2000.
3. НДЛевитов. Психология характера. М., "Просвещение". 1969.
4. В.С.Мерлин. Структура личности. Характер, способности, самосознание. - Перль, 1999.
5. Р.С.Немов. Психология. - В 2-х кн. Кн. 1. - М., 1998.
6. Умумий психология. А.В.Петровский таҳририда. Т., 1992.
7. С.А.Рубинштейн. Основы общей психологии. "Просвещение", М., - 1989.

**Мавзу бўйича тест намуналари.**

1. Характер-бу:
  - а) одамнинг айрим пайтларда мардлик, салобатлилик, ростгўйлик кўрсатишидаги якка хусусият;
  - б) кишиларга хос бўлган характер хислатлар;
  - в) кишининг хулқ-атворида, унинг хатти-харакатларида намоён бўладиган туғма хусусият;
  - г) олий нерв фаолияти билан боғлиқ бўлган ва унинг ҳаётида шаклланиб, унинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга, меҳнатга, жамият мулки (нарсалар, предметлар)га бўлган муносабатида ифодаланадиган якка хусусият.
2. Характернинг қандай хислатлари унинг хар томонлама тараққиётида намоён бўлади?
  - а) характернинг кучида;
  - б) характер хислатларининг тўлалигида;
  - в) аниклигига;
  - г) бир бутунлигига.
3. Темперамент ва характер:
  - а) ўзаро боғлиқ, аммо айнан бир хил эмас;
  - б) бир-бирига тобе бўлмаган хусусиятларга эга;
  - в) моҳниятига кўра айнан бир хил хусусиятларга эга;
  - г) ўзаро боғлиқ эмас, бир хил хусусиятларга эга эмас.
4. Характер хислатларига:
  - а) характернинг насл, ижтимоий муҳита боғлиқлиги;
  - б) ирода, ақл-фаросат ва ҳиссиётга боғлиқлиги;

- в) қатыяятлик, матонат, ўзини тута билишга хос хусусиятлар;
- г) ўз-ўзига, атрофдагиларга бўлган муносабат.

5. Характернинг нерв физиологик асоси - бу:

- а) олий нерв-фаолиятининг умумий типи;
- б) анализаторлар комплекси (йифиндиси);
- в) бош мия пўстида муваққат боғланишлар тизими;
- г) нерв хужайраларининг индукцияси.

6. Қуйидагилардан қайси бири характер тузилишини кўрсатади:

- а) характернинг ирода, ҳиссиёт ва ақл-фаросат томони;
- б) характернинг кучи ва мустакшшиги;
- в) характер хусусиятларининг фаоллига;
- г) жамоага, айrim одамларга, ўз-ўзига, меҳнатга, нарсаларга бўлган муносабат.

## ҚОБИЛИЯТЛАР

### **Мавзунинг асосий масалалари.**

1. Қобилият тўғрисида тушунча.
2. Қобилиятларнинг сифат ва миқдор характеристикаси.
3. Қобилиятларнинг тузилиши.
4. Умумий ва маҳсус қобилиятлар.
5. Талант ва унинг келиб чиқиши.
6. Лаёқатлар қобилиятнинг табиий шарт-шароитлари эканлиги.
7. Қобилиятнинг таркиб топиши.
8. Иктидорли болаларни танлаш муаммоси.
9. Қобилиятлар ва ёшларнинг касб танлаш муаммолари.

### **Мавзу бўйича асосий психологияк тушунчаларнинг изоҳли луғати**

**ДИФФЕРЕНЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ** - психологиянинг шахснинг индивидуал ҳамда муайян гурухларга оид бўлган психологик фаркларини ўрганадиган маҳсус соҳаси.

**ЗЕҲН-** шахснинг маҳсус қобилиятларининг таркиб топиши ва ривожланиши учун асос бўладиган анатомик-физиологик имкониятлари; тұғма истеъдод нишоналари.

**ИСТЕЪДОД** - инсон қобилиятлари тараққиётининг энг юксак даражасини таъмиловчи тұғма табиий имкониятлар (куртаклар) йифиндиси. Истеъдодга инсон мияси ярим шарлар қобигининг тузилиши хусусиятлари, асаб тизимининг хоссалари (муваққат боғланишларининг хосил бўлиши ва мустаҳкамланиш тезлиги, дифференцировкалар ҳосил бўлиши тезлиги, асаб жараёнларининг чаққонлиги кабилар), муайян анализаторларнинг тузилиши ва ишлаш хусусиятлари каби табиий куртаклар киради. Бу куртаклар

ҳаммада ҳар хил бўлади ва психик сифатларнинг шаклланиши учун қандай имкониятлар яратади. И.нинг ривожланиши шахснинг яшаш шароитларига, айниқса таълим-тарбияга боғлиқдир.

**КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТ**- ўзаро алоқа қилиш, фикр алмашинув, ўзгаларнинг фикрини тушуниш ва уларга ўз фикрини тил воситаси орқали тушунтира олиш қобилияти.

**ЛАЁҚАТ** - қобилият тараққиётининг дастлабки табиий шарти сифатида намоён бўладиган мия тузилишининг, сезги аъзолари ва харакатнинг морфологик ҳамда функционал хусусияти,

**МАХОРАТ**- масалани ижодий тарзида ечиш учун зарур бўлган ҳар қандай меҳнат операциясини ихтисосли равишда амалга ошириш учун психологик тайёргарлик. Махорат бунда нима қилиш керак ва қандай қилиш керак деган муаммо айни бир вақтнимг ўзида бирданига ҳал қилинади. Махорат ижодий масаланинг моҳиятини англашdir.

**ОЛИГОФРЕНИЯ**- эмбрионнинг она қорнидага тараққиёт бузилиши натижасида содир бўладиган туғма эси пастлик, психик функцияларнинг етарли ривожланмаслиги.

**ТАЛАНТ**- муайян фаолиятнинг муваффакиятли ва ижодий равишида бажарилишини таъминлайдиган қобишият ҳамда истеъдодлар йигиндисидан иборат, турмуш жараёнида таркиб топган индивидуал хусусият. Талант фаолиятнинг турли соҳаларига оид бўлиши мумкин. Талантли кишилар одатда юксак ижодий, кенг мазмунли, танқидий ва маҳсулдор акл эгалари бўлиб уларга зийраклик хусусияти хосдир.

**ТЕСТ** - шахснинг ақлий тараққиётини, қобилиятини, иродавий сифатларини ва бошқа психик хусусиятларини текширишда қўлланиладиган қисқа стандарт масалалар. Ҳозирги кунда боланинг қандай фаолиятга иқтидорлилигани аниклашда ундан кенг фойдаланилмоқда.

**ҚОБИЛИЯТ**- шахснинг муайян фаолият турини муваффакиятли бажаришга бўлган лаёқат даражасини ифодалайдиган, турмуш жараёнида хосил килинган индивидуал хусусиятлари йигиндиси. Қобилиятлар билим, кўникум, малака орттириш хусусиятига баглиқ бўлади, лекин билим, кўникум, малака орттириш қобилият эмас, балки уларни ўзлаштиришдаги лаёкати, маҳоратида намоён бўлади. Қобилият факат фаолиятда намоён бўлади.

**ҚОБИЛИЯТНИНГ СИФАТ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ** -шахснинг қобилиятлари нимага нисбаган намоён бўлишини, қандай индивидуал психологик хусусиятлар фаолият жараёни муваффакиятининг зарурий шарти эканлиги билан характерланади. М: Ўқитувчи ташаббускорлик, талабчанлик, меҳрибонликни ҳис қилиш, кузатувчанлик, кашфиётчилик, жавобгарлик каби шахсий сифатларга эга бўлигаи керак.

**ҚОБИЛИЯТНИНГ МИҚДОР ХАРАКТЕРИСТИКАСИ** -шахснинг билим, кўникум ва малакаларни қанчалик тез, енгил ва мустаҳкам эгаллаш билан характерланади.

**ФРЕНОЛОГИЯ** - инсон психик хусусиятлари билан унинг мия қутиси тузилиши ўртасида боғланишлар бор деб даъво қилувчи сохта таълимот. Австриялик врач Галлям томонидан тавсия қилинган.

**ЭТНОПСИХОЛОГИЯ**- (юонон. ethos - халқ) - этник психологик -халқ психологияси: турли қабилалар ва миллатларнинг ижтимоий-тарихий тараққиёт билан белгиланган психик тузумини қиёсий ўрганишдан иборат фан соҳаси. Этнопсихологияда қиёсий илмий текшириш асосан халкларнинг моддий ва маънавий мадапияти, ижтимоий ҳаёти ва ижтимоий онг шакллари, тил хусусиятлари хақидаги маълумотлар асосида олиб борилади. Этнопсихология текширишлари инсон психикасининг тарихий тараққиёти хақида турли назариялар яратиш имкониятини беради.

### **ҚОБИЛИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИГА ҚАРАБ ТУЗИЛИШИ.**

#### **Педагогик қобилиятнинг тузилиши:**

- |                       |                       |
|-----------------------|-----------------------|
| 1. Дидактик. Академик | 5. Авторитар          |
| 2. Перцептив          | 6. Коммуникатив       |
| 3. Нутк               | 7. Педагогик хаёл     |
| 4. Ташкилотчилик      | 8. Диккатни таксимлаш |

## **СЕМИНАР МАШГУЛОТИ МАВЗУСИ ВА РЕЖАЛАРИ**

**Қобилияларнинг таркиб топиши.**

**Режа:**

1. Қобилият хакида тушунча.
2. Қобилиялар шаклланишининг таълим-тарбия жараё'нига боғликлиги.
3. Иктидорли болаларни танлаш.
4. Қобилиялар ва ёшларнинг касб танлаш муаммолари.
5. Қобилияларнинг шаклланиши.

**Тавсия этиладиган адабиётлар :**

1. М.В.Гамезо, И.АЛомашенко. Атлас по психологии. М., 1986.
2. М.ТДавлетшин. Укувчиларда қобилиятнинг таркиб топиши. "Ўқитувчи".Т., 1965.
3. В.М.Каримова, Ф.А.Акрамова. Психология. Т,, 2000.
4. В.А.Крутецкий. Педагогик психологиянинг асослари. Т., 1976. С Л.
5. Рубинштейн. Основы общей психологии. "Просвещение". М., -1989.
6. А.Крутецкий. Психология математических способностей школьника. М., 1968.
7. Немов Р.С. Психология, В 2-х кн. Кн. 1. - М., 1998.
8. Умумий психология, А.В.Петровский таҳририда. Т., 1992.

**Интернет сайтлари**

- 1.[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- 2.[www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**Мавзу буйича тест намуналари .**

1. Қобилият – деб:

А) кишининг вокеликка булган муносабатида вужудга келадиган ва унинг хулк.-атвори, хатти-харакатида таъсир колдирадиган, муҳим баркарор психик хусусият мажмуи;

Б) шахснинг мазкур фаолиятини муваффакиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва бунингучун зарур бил им, куникма ва малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чикадиган фаркларда намоен буладиган индивидуал психологик хусусият;

В) одамнинг узи билган ва бажараётган нарсага уз муносабатини бошдан кечириш ва муваффакиятини белгилаш жараёни;

Г) ҳис-туйғуларнинг пайдо булиш тезлиги ва кучида, хамда кишинингумумий ҳаракатчанлигига намоен бўладиган индивидуал психологик хусусият мажмуи.

2. Истебдод нима?

а) ишининг муайян фаолиятга лаёкати;

- б) инстинкт;
- в) кўникма, малака, билим;
- г) қобилияларда намоен буладиган тугма хусусият.

3. Лаёкат – бу:

- а) шахснинг якка хусусияти;
- б) лаёкат қобилиятнинг шаклланиши жараёнига таъсир килади;
- в) одамнинг анатом-физиологик хусусияти бўлиб, қобилияларнинг ривожланиши учун дастлабки маълум шарт-шароитларни яратадиган тугма имконият;
- г) лаёкат тасавурлар туплами булиб, хали онгда шаклланиб булмаган фикр ёки образларга айланмаган хусусият;

4. Талант -:

- а) кишида ҳали мудраб ётган имконият;
- б) назарий ва амалий масалаларни, янгилик ва прогрессив ахамият касб этадиган нарсалар яратишга кодирлик;
- в) бир фаолиятда бир иеча қобилияларнинг биргаликда намоён бўлиш хусусияти;
- г) тугма лаёкат, камолатга эришиш.

5. Қобилиялар шаклланишининг асосий омилларини аникланг;

- а) ирсият, ишга хавас, кизикиш, ижобий намуна;
- б) таълим-тарбия ва шахснинг фаолиятдаги фаоллиги.
- в) тафаккур ва ижодий хаёл;
- г) ижтимоий мутьит, таъхлим-тарбия ва шахснинг фаолиятидаги фаоллиги.

6. Қобилиятнинг табиий шарт-шароити хусусидаги тугри таълимотни аникланг;

- а) қобилиялар туғма бўлмайди, ҳаёт ва фаолият жараёнида таркиб топади ва шаклланади;
- б) қобилият одамга тайёр ҳолда берилади ва у табиат инъомидир;
- в) ақл, истеъдод, қобилият сифатлари мия катта ярим шарларида локаллаштирилган;
- г) киши қобилиялари қандайдир номаълум табиий омиллар томонидан азалдан белгилаб қўйилган.



